

К.А. МУХИТДИНОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ КОРХОНАЛАРИ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

К.А. МУХИТДИНОВА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ
КОРХОНАЛАРИ ИНВЕСТИЦИОН
ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ**

Монография

**Тошкент
“CHINOR FAYZI BALAND”
2022**

ЎУК: 330.332:629.331

КБК: 65.9(5Ў)
39.33(5Ў)

Такризчилар:

и.ф.н., доц. Г.Т.Халикулова
и.ф.н., доц. С.А. Ибрагимова

М 93 **Ўзбекистон Республикаси автомобиль транспорти**
корхоналари инвестицион фаолияти самарадорлигини ошириш: Монография /
К.А. Мухитдинова; –Т.: “CHINOR FAYZI BALAND”, 2022. –140 б.

Ҳозирги кунда жаҳон миқёсида иқтисодийнинг етакчи тармоқларидан бири бўлган транспорт-коммуникация тизимларини илмий асосларда ривожлантиришга катта диққат-эътибор қаратишмоқда. Бу соҳага тааллуқли илмий тадқиқот ишлари куйидаги йўналишларда амалга оширилмоқда: инвестиция манбаларини жалб этиш максатида хавфсиз, арзон ва қулай транспорт хизматлари кўрсатишни ижтимоий қўллаб-қувватлаш инвестицион фаолият самарадорлигини оширишда транспорт харажатларини қоплаш механизмларини такомиллаштириш, минтақаларо ва жаҳон миқёсидаги лойиҳалар транспорт-коммуникация тизимларини тобора ривожлантиришда долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сонли фармонида биноан 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг “Тараққиёт сари” стратегиясида “Давлат инвестицияларининг самарали амалга оширилиши бўйича чоралар белгилаш” вазибаларга киритилгани транспорт-коммуникация соҳасини жадал ривожлантириш масалалари танланган монография мавзусининг долзарблигини билдиради.

Мазкур монографияда автомобиль транспорти корхоналари инвестицион фаолияти моҳиятини жадал иқтисодий ривожланиш талаблари асосида таҳлил қилишга қодир кадрларни тайёрлаш, автомобиль соҳасида инвестицион фаолият синергетик самарадорлигини баҳолашни танқидий таҳлил қилиш ва инвестициялар қиёсий таҳлилин аналга ошириш, ички захиралар ҳисобига автомобиль транспорти корхонаси фаолиятини инвестициялаш манбаларини кенгайтириш йўлларига қаратилган илмий ҳамда амалий тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Монография профессор-ўқитувчилар, докторантлар ва мустақил изланувчилар, илмий ходимлар, олий таълим муассасаларининг магистрант талабалари, шунингдек, транспорт соҳасидаги мутахассисларга мўлжалланган.

Илмий монография Тошкент давлат техника университети
Кенгашида муҳокама қилинган ва чоп этишга тавсия этилган.
(2021 йил 20 апрелдаги 7-сонли баённома).

ЎУК: 330.332:629.331
КБК: 65.9(5Ў)
39.33(5Ў)

ISBN 978-9943-7876-3-6

© К.А. Мухитдинова, 2022
© “CHINOR FAYZI BALAND”, 2022

МУНДАРИЖА

	КИРИШ	4
I БОБ.	АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ	10
1.1. §	Хўжалик юритувчи субъектлар инвестицион фаолияти ва уни тавсифловчи категорияларни шарҳлашга илмий-услубий ёндашув.....	10
1.2. §	Автомобиль транспорти корхоналари инвестицион фаолияти самарадорлигини таъминлашнинг иқтисодий асослари.....	23
1.3. §	Автомобиль транспорти корхоналари фаолиятини ривожлантиришнинг инвестицион таъминоти ва унинг услубий асослари.....	34
	Биринчи боб бўйича хулосалар	44
II БОБ.	ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ТИЗИМИДА ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТНИНГ ЖОРИЙ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ ВА УНИ ФАОЛЛАШТИРИШ ИМКОНИАТЛАРИНИ БАҲОЛАШ	46
2.1. §	Республика транспорт тизимида жалб этилган инвестициялар натижадорлигини регрессион таҳлил асосида баҳолаш.....	46
2.2. §	Автомобиль транспорти корхоналарини инвестициялаш манбаларини таҳлил қилиш ва баҳолаш.....	59
2.3. §	Автомобиль транспорти корхонасининг инвестицион жозибadorлигини таҳлил қилишнинг иқтисодий модели.....	69
	Иккинчи боб бўйича хулосалар	82
III БОБ.	ЎЗБЕКИСТОНДА АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ КОРХОНАЛАРИ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	84
3.1. §	Автомобиль транспорти корхонасининг инвестиция сиёсатини шакллантириш ва уни амалга оширишнинг алгоритмик моделини ишлаб чиқиш.....	84

3.2.§	Автомобиль транспорти корхоналарининг инвестицион фаолиятига таъсир этувчи омилларнинг эконометрик таҳлили....	96
3.3.§	Автомобиль транспорти корхоналарининг инвестицион жозибadorлигини баҳолаш услубиётини такомиллаштириш.....	105
3.4.§	Ички захиралар ҳисобига автомобиль транспорти корхонаси инвестицион салоҳиятини ошириш йўллари.....	117
	Учинчи боб бўйича хулосалар.....	128
	ХУЛОСА	130
	ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	132
	ИЛОВАЛАР	

КИРИШ

Жаҳон ва миллий иқтисодиётнинг самарали ривожда транспорт тизими, жумладан автомобиль транспорти алоҳида ўрин тутди. Жаҳон банки маълумотига кўра, “дунё автомобиль транспорт хизматларининг ЯИМдаги улуши 6,9 фоизни ёки 4300 млрд. АҚШ долларини ташкил этган ҳолда, йилига 110 млрд. тонна юк, 1,0 трлн.дан ортиқ йўловчилар ташилган ва транспорт инфратузилмасида банд бўлган ходимлар сони 100 млн. кишини ташкил этган”¹. Жаҳонда иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бири бўлган транспорт-коммуникация тизимларини илмий асосларда ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бу борада, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар амалга оширилмоқда: инвестицион фаолиятни рағбатлантирган ҳолда хавфсиз, арзон ва қулай транспорт хизматлари кўрсатишни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, инвестиция манбаларининг самарали воситаси сифатида давлат-хусусий шериклик ва ностандарт иқтисодий шароитларда транспорт харажатларини қоплаш механизмларини такомиллаштириш, минтақаларо ва жаҳон миқёсидаги лойиҳалар, масалан “Буюк ипак йўли” бўйича транспорт-коммуникация тизимларини янада ривожлантиришга устувор масала сифатида қаралмоқда.

Мустақиллик йилларида, айниқса Янги Ўзбекистонни барпо этиш шароитида автомобиль транспортини замонавий асосларда ривожлантириш, бу борада самарали инвестицион фаолиятни ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Маҳсулотларимизни ички ва ташқи бозорларга етказиш, уларнинг таннархини тушириш учун транспорт-логистика соҳасини ривожлантиришимиз зарур»². Бу ўз навбатида инвестицион имкониятлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш, ишлаб чиқариш ресурсларидан натижа-дор фойдаланиш, автокорхоналарни фаолиятини оптималлаштириш, транспорт восита-ларини оптимал эксплуатация қилиш ва айланма

¹ The World Bank: World Development Indicators. <http://data.worldbank.org/indicator>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24 январь 2020 йил.

маблағлардан инвестиция манбаларининг самарали механизми сифатида фойдаланиш юзасидан илмий изланишларни амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлигини шартлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 2 декабрдаги ПҚ-3422-сон “2018-2021 йилларда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва юк ташишнинг ташқи савдо йўналишларини диверсификациялашга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва 2019 йил 6 мартдаги ПҚ-4230-сон “Юк ва йўловчи ташиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур монография муайян даражада хизмат қилади.

Инвестицион фаолият самарадорлигининг назарий-методологик ва амалий жиҳатлари бўйича хориж олимлари Ж.М.Кейнс, Г.Марковиц, Р.Мертон, Е.Бём-Баверк, И.Фишер, Р.Харрод ва Й.Шумпетерлар³, МДҲ олимлари А.Ю.Анрианов, А.И.Бирюкова, И.А.Бланк, И.В.Гришина, Д.А.Ендовицкий, Ю.А.Корчагин, Т.В.Крамин, И.Ю.Новикова, И.Ройзман, С.А.Егоров, М.Г.Джавадов, С.Е.Грулев⁴ ва бошқаларнинг илмий тадқиқот ишларида ўрганилган.

³ Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. Избранное. –М.: Эксмо, 2007. –960 с.; G.Markowitz (1959) Efficient Diversification of investment, Wiley. –New York. –P.19-32; Robert K. Merton (1936) The Unanticipated Consequences of Purposive Social Action. // American Sociological Review. Vol 1, №6. –P. 894-904; Eugen Bohn Bawek Pozitiv Theory of Capital. // Economic Logic. –3rd ed. –Washington Capital Press, 2010/ –P. 265-266; Fisher Irving (1930) The theory of interest. // –New York. The Macmillan company. –P. 35-40; Harrod R.F. (1934) Doctrines of imperfect Competition. // Quarely Journal of Economics, –P. 442-470; Шумпетер Й. Теория экономического развития. Капитализм, социализм, демократия. –М. Эксмо, 2007. –137 с.

⁴ Анрианов А. Ю. Инвестиции: учеб. для бакалавров.–М.: Проспект, 2013. –592 с.; Бирюкова А. И. Оценка инвестиционной привлекательности промышленного сектора региона: автореф. дис. канд. экон. наук – Иркутск, 2004. –25 с.; Бланк И. А. Инвестиционный менеджмент – Киев : Никацентр, 2005. –28 с.; Гришина И. В. Комплексная оценка инвестиционной привлекательности и инвестиционной активности регионов: методика определения и анализа взаимосвязей. // Инвестиции в России. –2000. –№ 4. –С. 13-20.; Ендовицкий Д. А. Анализ инвестиционной привлекательности организации: науч. Издание. – М., 2010. –34 с.; Корчагин Ю. А. Инвестиции и инвестиционный анализ: учеб. пособие. –Ростов н/д: Феникс, 2010. –601с.; Крамин Т. В. Развитие методики управления инвестиционной привлекательностью регионов. // Вестник Астраханского государственного технического университета. –2012. –№ 1. –С. 41–47.; Новикова И. Ю. Инвестиционный потенциал хозяйствующего субъекта в системе основных категорий инвестиций. // Baikal Research Journal. 2016. №5. –С. 45-56; Ройзман И. Типология инвестиционного климата регионов на новом этапе развития российской экономики. // Инвестиции в России. –2003. –№ 3. –С. 3–15.; Егоров С.А. Эффективность

Мамлакатимиз олимларидан И.С.Аликулов, Д.С.Сатторов, Т.М.Қоралиев, Ғ.Ғ.Ғозибеков, Н.Х.Ҳайдаров⁵лар тадқиқот ишларида инвестициялар назарияси ва амалиётига қўшган ҳиссаларини алоҳида таъкидлаш мумкин. Шу жумладан, бевосита автомобиль транспорти корхоналари фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш соҳасида хорижлик олимлар З.И.Аксенова, В.П.Бычков, Н.К.Горшенин, Ю.Х.Гукетлев, И.Демьянович, В.И.Табаков, Л.Б.Миротинлар⁶, мамлакатимиз олимларидан автомобиль транспортида инновацион ва инвестицион жараёнларни ташкил этиш ва бошқа масалалар бўйича Ғ.А.Саматов, Т.У.Қодиров, М.Н.Равшанов, М.Н.Ирисбекова, М.Б.Калонов, Д.Х.Суёнов, Э.А.Камалова, З.К.Усманов, А.М.Мерганов, Р.Ғ.Саматовлар томонларидан илмий изланишлар олиб борилган⁷.

инвестирования в автомобильной промышленности и пути её повышения: автореф. дис. канд. экон. наук – М., 2007. –23 с.; Джавадов М.Г. Опыт привлечения прямых иностранных инвестиций в автомобильную промышленность России: автореф. дис.канд. экон. наук –М., 2004. –23 с.; Грулев С.Е. Управление инвестиционным процессом в автомобильной промышленности : автореф. дис. канд. экон. наук –М., 2003. – 27 с.

⁵ Аликулов И.С., Сатторов Д.С. Инвестициянинг мазмун-моҳияти ва тавсифланиши. // Иқтисодий ва инновацион технологиялар. –№ 5, 2012, июль; Ғ.Ғ.Ғозибеков Ғ., ҚоралиевТ.М. Инвестицион фаолиятини ташкил этиш ва давлат томонидан тартибга солиш. –Т.: Молия нашриёти, 2003. – 332 б.; Ҳайдаров Н.Х. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестициявий фаолиятидаги молия-солик муносабатларини такомиллаштириш масалалари: икт. фан. док. дисс. автореф. –Т.: Ўзб. Рес. Президенти ҳузуридаги ДЖКА, 2003. – Б. 12.

⁶ Аксенова З.И., Анализ производственно-хозяйственной деятельности автомобильно-транспортных предприятий. –М.: Транспорт, 1990, –48 с.; Бычков В.П. Экономика предприятий автомобильного транспорта. – М: Инфра, 2010. –56-61 с.; Демьянович И. В. Экспертные методы решения проблем качества транспортных услуг. // Проблемы современной экономики, –2011. –№1, –С. 342-346.; Горшенин В.И. Транспортное обеспечение коммерческой деятельности: Учебное пособие. –Мичуринск: изд-во Мичуринского госагроуниверситета. 2009, –С. 6-7; Гукетлев Ю.Х. Формирование систем регулирования региональных транспортных комплексов: Автор. дис.докт. экон. наук. – М: МАДИ, 2009. – 41 с.; Табаков Н. К. Стратегии развития транспорта. // Транспорт Российской Федерации, –№4, 2006. –С 6.; Миротина Л. Б. Транспортная логистика. –М.: Транспорт, 1996. –74-78 с.; Фатхутдинов Р.А. Инновационный менеджмент: Учебник. –М.: Бизнес-школа Интел-Синтез, 2000. – 71-75 с.

⁷ Саматов Ғ.А. Повышение эффективности функционирования регионального пассажирского автотранспортного комплекса: Автор. дисс. док. экон. наук, –М.: МАДИ, 1990. –39 с.; Қодиров Т. Автомобиль транспортида ишлаб чиқариш жараёнлари бошқарувини ташкил этишга услубий ёндашув. // ТАЙИ хабарномаси. –Тошкент, 2017. –№2. – Б. 83-89.; Равшанов М.Н. Йўл-транспорт мажмуаси иқтисодий салоҳияти: муаммо ва ечимлар. –Т.: МЭ, 2012. –209 б., Қаххоров А.Ж. Ўзбекистон автомобиль транспорти тизимининг маркетинг фаолиятини такомиллаштириш. Икт.фан. фалс.док. автор. ТДИУ, 2018. - 57б., Ирисбекова М.Н. (DSc) Маркетинг тамойиллари асосида транспорт хизматлари бозорини оптималлаштириш: икт. фан. док. дисс. автореф. ТДИУ, 2017. –84 б.; М.Б.Калонов (PhD) Автомобиль транспорти корхоналарида харажатлар ҳисобини такомиллаштириш: икт. фан. фалс. док. дисс. автореф. ТМИ, 2017. –54 б.; Суёнов Д.Х. Бизнес муҳитнинг ривожланишига корпоратив бошқарув механизмининг жорий этишни такомиллаштириш. и.ф.д. дисс. – Т., 2008 – 261 б.; Э.А.Камалова (PhD) Юқлари ташишнинг логистик бошқарувини такомиллаштириш: икт. фан. фалс. док. дисс. автореф. ТДИУ, 2019. –62 б.; З.К.Усманов (PhD) Ўзбекистон транспорт тизимининг худудий ташкил этилиши ва уни такомиллаштириш: геог. фан. фалс. док. дисс. автореф. ЎзМУ, 2019. –65 б.; А.М.Мерганов (PhD) Темир йўл транспортида идиш-кадоки юқлари ташишни ташкиллаштириш жараёнлари технологиясини такомиллаштириш: тех. фан. фалс. док. дисс. автореф. ТАЙЛҚЭИ, 2020. –57 б.; Р.Ғ.Саматов (PhD) Логистик тамойиллар асосида

Аммо, юқорида номлари келтирилган олим ва мутахассисларнинг илмий асарларида автомобиль транспорт корхоналари инвестицион фаолиятини оптималлаштиришнинг назарий ва услубий асослари етарлича тадқиқ этилмаган.

Монографиянинг мақсади автомобиль транспорти корхоналарининг инвестицион фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Монографиянинг вазифалари:

автомобиль транспорти корхоналари инвестицион фаолияти моҳиятини жадал иқтисодий ривожланиш талаблари асосида таҳлил қилиш;

автомобиль транспорти соҳасида инвестицион фаолият синергетик самарадорлигини баҳолашни танқидий таҳлил қилиш ва автомобиль транспорти корхоналари ҳаракатдаги таркибига жалб этилган инвестициялар қиёсий таҳлилини амалга ошириш;

автомобиль транспорти соҳасига жалб этилган инвестициялар самарадорлигини баҳолаш;

автомобиль транспорти корхоналарининг инвестицион манбалари ва уларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш модели ва инвестиция сиёсатини амалга оширишнинг механизмини такомиллаштириш;

ички захиралар ҳисобига автомобиль транспорти корхонаси фаолиятини инвестициялаш манбаларини кенгайтириш йўлларини аниқлаш;

автомобиль транспорти корхоналарининг инвестицион фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Монографиянинг объекти сифатида “ЎртаОсиёТранс” ва “Тошшаҳартрансхизмат” акционерлик жамиятларининг фаолияти олинган.

Монографиянинг предмети бўлиб автомобиль транспорти корхоналари фаолиятини оптималлаштирувчи инвестицион жараёнларга боғлиқ иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Монографиянинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

транспорт хизматлари истиқбол бозор конъюктурасига, инвестицияларни асосий воситаларига, устувор равишда транспорт воситаларини янгилашга самарали йўналтириш ва ишлаб чиқариш ресурсларидан натижадор фойдаланиш асосида автобус саройларини оптималлаштиришнинг иқтисодий самарадорлигига асосланган;

автомобиль транспорти корхонаси инвестицион фаолиятида синергетик самарадорликка эришишнинг иқтисодий модели ички жараёнлар таркибига қиймат занжирини интеграциялаш ва кенг қамровли тежамкорлик талабларини қўллаш асосида такомиллаштирилган;

транспорт воситалари, технологик ускуналар ва эҳтиёт қисмларига сифат жиҳатдан қўйилган талабларни эътиборга олган ҳолда оптимал харид нархларини қўллаш асосида автомобиль транспорти корхонасининг инвестицияга бўлган эҳтиёжини аниқлаш модели такомиллаштирилган;

транспорт воситаларини оптимал эксплуатация қилган ҳолда айланма маблағлардан инвестиция манбаларининг самарали механизми сифатида фойдаланиш асосида автобус саройлари айланма маблағларининг мақбул нормаси асосланган.

Монографиянинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

автомобиль транспорти корхоналарининг инвестицион жозибадорлигига таъсир этувчи омиллар баҳоланган;

автомобиль транспорти корхоналарининг ҳаракатдаги таркибига жалб этиладиган инвестицион манбалар самарадорлиги баҳоланган ва мавжуд муаммолар очиб берилган;

автомобиль транспорти корхоналари инвестицион жозибадорлигини ошириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

I БОБ. АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

1.1-§. Хўжалик юритувчи субъектлар инвестицион фаолияти ва уни тавсифловчи категорияларни шарҳлашга илмий-услубий ёндашув

Иқтисодийётга оид адабиётлардан маълумки, ҳар қандай бозорда фаолият юритувчи хўжалик субъектлари фойда олиш мақсадида маълум ресурсларни (моддий, меҳнат, молиявий, номоддий) қайта ишлаш орқали тайёр маҳсулот ёки хизматлар кўринишидаги якуний маҳсулотларни яратиб, уларни истеъмолчиларга таклиф этадилар⁸.

Демак, ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодий ривожланиши учун ресурсларни жалб этишнинг асосий шартларидан бири инвестицион жараёни фаоллаштириш ҳисобланади. Инвестициялар иқтисодийтни модернизациялаш, иқтисодий тизимларни ривожлантириш учун зарур экан, уларни жалб қилиш муаммоси жамият олдида турган устувор вазифалардан бўлиб қолади.

Чекланган ресурслар шароитида инвестицияларга бўлган эҳтиёжни бутунлай қондиришнинг иложи йўқ. Бу ҳолат инвестициялашнинг потенциал объектлари ва имкониятларини ҳар томонлама тадқиқ этиш ва баҳолашни талаб этади. Инвесторлар олдида эса инвестициялар киритиш объектини муваффақиятли ривожлантириш истиқболларини ҳамда киритилган ресурслардан максимал фойда олиш имкониятларини аниқлаш туради.

Тадқиқотимиз мавзуси ва олдида қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, автомобиль транспорти корхоналарида инвестицион лойиҳаларни бошқаришни, инвестициялаш объектлари ва уларга таъсир кўрсатувчи омилларни баҳолаш мураккаблигини ҳисобга

⁸ Қодиров Т.У. Автомобиль транспорти рақобатдошлиги: ташкилий-иқтисодий механизмлар. Монография. – Т.: Янги авлод, 2013. –20 б.

олган ҳолда тадқиқот мазмун-моҳиятини очиб берувчи тушунчалар, атамалар ва категорияларни таҳлил қилишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Инвестициявий жараёни назарий жиҳатдан тадқиқ қилиш, энг аввало инвестицияларни жалб қилишнинг асосий шарти бўлган – қулай инвестициявий муҳитни шакллантириш имкониятларини ўрганиш миллий ва жаҳон капитал бозори ресурсларини иқтисодиёт тармоқларининг талаб даражасида ривожлантириш учун самарали жалб этиш заруриятидан келиб чиқмоқда.

Шунинг учун инвестицион фаолият билан боғлиқ бўлган асосий тушунчалар: инвестиция, инвестицион иқлим, инвестицион жозибadorлик, инвестицион фаоллик ва инвестицион салоҳиятни илмий таҳлил объектлари сифатида олиб чиқамиз.

Инвестицион фаолият билан боғлиқ тушунчаларнинг иқтисодий мазмунини ёритишга қаратилган изланишлар натижаларини умумлаштирган ҳолда дастлабки хулоса қилиш мумкинки, аксарият тадқиқотчилар эътиборни инвестицион фаолият объектлари ва субъектларининг бир ёки бир неча хусусиятлари нуқтаи назаридан ёндашганлар.

Шунинг учун, транспорт хизматларини кўрсатишда инвестицион фаолиятнинг назарий ва амалий масалаларини ҳал қилиш тизимли ёндашувни талаб этиб, объектни мураккаб ижтимоий-иқтисодий омил сифатида тасаввур этишга имкон беради⁹. Бундай ёндашувда инвестицион фаолиятга оид тушунчаларга берилган таърифларга нисбий тавсифлар тизими сифатида эътибор қаратилиб, уларни ўзаро уйғунлаштириш ҳисобига корхоналарнинг инвестицион салоҳияти ва ундан фойдаланиш қобилиятини очиб бериш мумкин.

Инвестицион фаолиятнинг энг муҳим элементи «инвестиция»нинг моҳияти ва мазмунини аниқлашдир. «Инвестиция» сўзи инглиз тилидан (investment) олинган бўлиб, «капитал қўйилма» деган маънони билдиради.

⁹ Саматов Г.А. Повышение эффективности функционирования регионального пассажирского автотранспортного комплекса: Автор. дисс. док.экон. наук, –М.: МАДИ, 1990. –19 с.

Ҳозирги кунда инвестиция моҳияти ҳақида турлича қарашлар мавжуд бўлиб, бу қарашлар унинг моҳиятини турлича ифодалайди. Инвестиция моҳияти қандайдир самара ёки даромад олиш учун турли шаклларда капитал қўйиш жараёнини ифодалайди. Бундай тушунча бирмунча умумий характерга эга¹⁰.

Г.С.Вечканов, Г.Р.Вечкановалар инвестицияга мамлакат ёки хорижда иқтисодийнинг турли тармоқларига фойда олиш мақсадида давлат ёки хусусий капиталнинг узоқ муддатли қўйилмалари сифатида таъриф берса, В.В.Бочаров фикрича инвестиция – тадбиркорлик ва бошқа кўринишдаги фаолият объектларига қўйилган барча турдаги мулкӣ ва интеллектуал қимматликлар ҳисобига фойда ёки ижтимоӣ самарага эришишдир¹¹.

Амалиётда кўпинча «инвестициялар» синоними сифатида «капитал қўйилмалар» тушунчаси ҳам ишлатилишига гувоҳ бўламиз, бироқ буни ҳамма вақт ҳам тўғри деб бўлмайди. Буни И.А.Бланк ишонарли асослаб берган. Яъни, инвестициялар ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш кўринишидаги асосий воситаларни қайта яратишга капитал сарфлаш билан бирга, инвестициялар айланма маблағларни кўпайтиришга, турли молиявий воситаларга ва номоддий активларнинг айрим турларига сафарбар қилиниши мумкин. Демак, «капитал қўйилмалар» нисбатан тор тушунча бўлиб, инвестицияларнинг бир шакли сифатида қаралиши мумкин экан»¹².

Н.Ҳайдаров¹³ томонидан инвестицияга «Мулк шаклидан қатъий назар, тадбиркорлик асосида фаолият юритаётган жисмоний ва юридик шахслар ёки давлатнинг иқтисодий ёки ижтимоӣ самара олиш мақсадида ўз ихтиёридаги молиявий, моддий ва

¹⁰ Аликулов И.С., Сатторов Д.С. Инвестициянинг мазмун-моҳияти ва тавсифланиши. // Иқтисодий ва инновацион технологиялар. 2012. –№ 5, июль

¹¹ Бочаров В.В. Финансово-кредитные методы регулирования инвестиций. - М: Финансы и статистика, 1999. –144 с.

¹² Бланк И.А. Основы финансового менеджмента. Т.2. – К.: Ника-Центр, 1999. – С.10.

¹³ Ҳайдаров Н.Ҳ. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестициявий фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари: иқт. фан. докт. дисс: автор. –Т.: Ўзб. Респ. Президенти ҳузуридаги ДЖҚА, 2003. – Б. 12.

интеллектуал бойликларини қонун доирасида бўлган ҳар қандай тадбиркорлик объектига сарфлашдир» деб таъриф берилган.

Мазкур таърифни тижорат фаолиятига асосланган тадбиркорлик субъектларига нисбатан қўлласа тўғри бўлади деб ҳисоблаймиз. Бироқ, ижтимоий неъмат ҳисобланувчи шаҳар йўловчи транспорти сингари соҳа объектларига сарфланаётган инвестицияларни тадбиркорлик объекти сифатида таърифлаб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида «инвестициялар - инвестор томонидан фойда олиш мақсадида ижтимоий соҳа, тадбиркорлик, илмий ва бошқа фаолият турлари объектларига таваккалчиликлар асосида киритиладиган моддий ва номоддий бойликлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар, шунингдек реинвестициялар бўлиб, улар қўйидагиларни ўз ичига олиши мумкин: маблағларни, шу жумладан пул маблағларини, мақсадли банк омонатларини, пайларни, улушларни, акцияларни, облигацияларни, векселлар ва бошқа қимматли қоғозларни; кўчар ва кўчмас мол-мулкни (бинолар, иншоотлар, ускуналар, машиналар ва бошқа моддий қимматликларни); интеллектуал мулкка доир мулкый ҳуқуқларни, шу жумладан у ёки бу ишлаб чиқариш турини ташкил этиш учун зарур бўлган, техник ҳужжатлар, кўникмалар ва ишлаб чиқариш тажрибаси тарзида расмийлаштирилган, патентланган ёки патентланмаган (ноу-хау) техник, технологик, тижоратга оид ва бошқа билимларни, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа қимматликларни»¹⁴, деб таърифланган.

Т.У.Қодировнинг таърифига кўра «инвестиция - бу жамият бойлигини ошириш мақсадида иқтисодийга жалб этилган моддий ва номоддий кўринишдаги капиталдир»¹⁵.

¹⁴ Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрда «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида» ги ЎРҚ-598-сонли Қонуни // lex.uz

¹⁵ Қодиров Т.У. Автомобиль транспорти тизимини самарали инвестициялашнинг иқтисодий механизлари // Икт. фанлари номзоди дисс. ТАЙИ, 2008. -133 б.

Инвестицион фаолият назарияси ва амалиётида уларни таснифлаш муҳим ўрин тутди.

Инвестициялар мақсадига кўра: молиявий, реал ва интеллектуал инвестицияларга бўлинади.

Молиявий инвестициялар – қимматли қоғозлар ва банк депозитларига капитални сафарбар қилишдир.

Реал инвестициялар – моддий ишлаб чиқариш тармоқларига узоқ муддатли капитал киритилишини англатиб, бино, иншоот, товар моддий захиралари ва бошқаларнинг барпо этилишини ифодалайди.

Интеллектуал инвестицияларга илмий ва инновацион ишланмалар, лицензиялар, «ноу-хау», кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш кабилар киритилади.

Инвестициялар сафарбар этиш йўналишлари бўйича:

- бошланғич инвестициялар – корхонани ташкил этишга;
- мавжуд ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва реконструкциялашга;
- ишлаб чиқариш салоҳиятини юксалтиришга йўналтириладиган инвестицияларга бўлинади.

Инвестициялар ҳажми жиҳатидан йирик ва кичик инвестиция турларига, муддати бўйича узоқ муддатли ва қисқа муддатли инвестицияларга бўлинади¹⁶.

Инвестициялар молиялаштириш манбалари бўйича ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағларга бўлинади.

Автомобиль транспорти корхоналарининг инвестицион фаолияти моҳиятини очиш мақсадида инвестиция категориясига бўлган ёндашувлар билан умумий тарзда танишиб, масала моҳиятини ёритувчи мавжуд тадқиқотлардаги таъриф ва тавсифлардан фойдаланиш етарли деб ҳисоблаш мумкин.

«Инвестицион муҳит», «инвестицион иқлим» тушунчалари синонимлар сифатида ишлатилади. Бу хусусда айрим муаллифлар¹⁷

¹⁶ Мухитдинова К.А. Ўзбекистонда инвестицион салоҳиятни ривожлантириш ва инвестицияларнинг мамлакат автотранспорт саноатидаги ўрни. // Илмий-амалий агроиқтисодий 2019. – №1(9), – Б. 89-92

¹⁷ Ғ.Ғозиев Ғ., Қоралиев Т.М. Инвестицион фаолиятни ташкил этиш ва давлат томонидан тартибга солиш. – Т.: Молия нашриёти, 2003. – 33 б.

шундай дейишади: «Инвестиция иклими жуда кенг маънода ишлатиладиган тушунча бўлиб, инвестор томонидан ҳисобга олинадиган барча муаммо ва масалаларни мужассамлаштиради. Инвестор томонидан маълум бир мамлакатга капитал ажратишнинг қулай ва ноқулай томонлари белгиланади, шу билан бир қаторда, ўз капиталини киритмоқчи бўлган мамлакат мафқураси, сиёсати, иқтисодиёти ва маданиятига катта аҳамият берилади».

Қулай инвестицион муҳит яратишнинг муҳим жиҳатларидан бири ҳуқуқий-меъёрий база бўлиб, у ҳар бир салоҳиятли инвесторнинг мулкый манфаатларини ҳимоялаши, кафолатлаши ва шунингдек, мамлакатдаги мавжуд инвестиция механизмининг тушунарли ва аниқ бўлишини таъминлаши лозим.

Бир гуруҳ россиялик олимлар¹⁸ инвестицион муҳитга – маълум вақтда маълум ҳудудда потенциал инвестициялар учун қулайлик даражаси сифатида таъриф берадилар. У инвесторлар учун хавф ва рентабелликка мутаносиб ҳолда инвестициялаш жозибадорлигини белгиловчи бир қатор омиллар бўйича аниқланади.

К.В.Балдина¹⁹ томонидан инвестицион муҳит -капитал қўйилмалар билан боғлиқ хавфлар даражаси ва улардан самарали фойдаланиш имкониятини белгиловчи сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий, табиий, инфратузилмавий ва бошқа омиллар йиғиндиси деб тавсифланади.

Худди шунга ўхшаган таърифларни А. Г. Грязнова, И. М. Волкова, М.В.Грачеваларнинг²⁰ ишларида ҳам учратиш мумкин.

«Инвестицион муҳит» категориясига берилган таърифлардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, мазкур таърифлар ҳам ўхшашликларга, ҳам фарқларга эга бўлиб, уларни икки гуруҳга ажратиш мумкин. Айрим муаллифлар инвестицион иқлимга тизим ичида ривожланишни акс эттирувчи омиллар йиғиндиси сифатида қарашса, бошқалар унинг таърифига тизим ривожланишининг

¹⁸ Андрианов А. Ю. Инвестиции : учеб.для бакалавров. – М. : Проспект, 2013. – 592 с.

¹⁹ Балдина К. В. Системный анализ и управление : учеб.пособие. – М. : Дашков и К°, 2006. –288 с.

²⁰ Грязнова А. Г. Финансово-кредитный энциклопедический словарь. – М.: Финансы и статистика, 2002. – 1168 с.; Волков И.М. Проектный анализ: Продвинутый курс. – М.: ИНФРА-М, 2004. –495 с.

турли таркибий элементларига хавфли омилларининг таъсирини ҳам киритишади.

Хавфлар – бу потенциал инвестор томонидан киритилган маблағларни йўқотиш эҳтимолидир.²¹

Хавфларни баҳолаш ҳар қандай инвесторлар учун жуда муҳим, айниқса хориждан сармоялар киритувчи учун, чунки у номаълум муҳитга тушиб қолади, шунинг учун хавфлар таъсирини ҳисобга олиш мазкур категориянинг моҳиятини тўлиқ очиб бериши, субъектнинг инвестицион иқлимни аниқлаши ва баҳолашига имкон беради.

Шундай қилиб, «инвестицион муҳитга» – хўжалик юритишнинг у ёки бу даражасидаги иқтисодий тизимга (мамлакат, ҳудуд, соҳа, корхона) инвестициялашнинг жозибadorлиги ва мақсадга мувофиқлиги, капитал киритишда эҳтимолли хавфлар даражаси ва инвестициялаш самарadorлигини белгиловчи ижтимоий, молия-иқтисодий, ташкилий, ҳуқуқий, сиёсий, маданий шароитлар йиғиндисининг умумий тавсифи сифатида таъриф бериш мумкин.

Демак, «инвестицион жозибadorлик» бевосита инвестицион муҳитнинг ҳосилавий оқибати ҳисобланар экан. Иқтисодий адабиётлардаги «инвестицион жозибadorлик» категориясининг келтирилган таърифларини шарҳлаб, назарий-методологик жиҳатдан уларнинг ўхшашликлари ва фарқларини тушуниш керак.

Инвестицион иқлим инвестиция объектнинг ривожланиш даражаси, иқтисодий кўрсаткичлар ва хавф омилларининг бутун йиғиндисини баҳолайди. Инвестицион жозибadorлик эса объект ҳолати, унинг кейинчалик ривожланиши, даромад олиш истиқболлари билан тавсифланади²². Инвестицион жозибadorликни баҳолашда инвесторнинг иқтисодий кўрсаткичлар ва рисклар омилларига алоҳида эътибор бериши мақсадга мувофиқ, чунки бир объектнинг инвестицион жозибadorлиги инвестиция киритиш мақсадлари ва вазифаларидан келиб чиқиб турли қийматларга эга бўлиши мумкин.

²¹ Новикова И. Ю. Инвестиционный потенциал хозяйствующего субъекта в системе основных категорий инвестиций. // Baikal Research Journal, 2016. Т. 7, –№ 5., –С. 25.

²² Корчагин Ю. А. Инвестиции и инвестиционный анализ: учеб. пос. –Ростов н/Д.: Феникс, 2010. –60 с.

Инвестицион жозибадорлик – умумий ҳолда мамлакат, ҳудуд, соҳа, корхонанинг инвестицияларга потенциал тўлов қобилиятига эгаллигини белгиловчи турли объектив белгилар, воситалар, имкониятлар тизими ёки бирикмасидир²³.

Е.Р.Орлова²⁴ ноғижорий хавфлар даражасини, Д.А.Ендовицкий ва бошқалар²⁵ эса рақобат муҳитини ҳам ҳисобга олишни таклиф этадилар.

Шундай қилиб, «инвестицион жозибадорлик» – бу субъектив кўрсаткич бўлиб, инвестицион салоҳият (мавжуд иқтисодий шароитлар, омиллар йиғиндиси) ҳамда инвестицион хавфларнинг инвестицияларга потенциал тўлов қобилиятига эгаллигини белгиловчи ўзаро боғлиқликни белгилайди деб таъкидлаш мумкин.

Ўз навбатида инвестицион жозибадорлик ҳар қандай субъектнинг инвестицион фаоллигини рағбатлантирувчи муайян куч бўлиб юзага чиқади.

«Инвестицион фаоллик» тушунчасига берилган таърифларни²⁶ умумлаштириб, ушбу иқтисодий категория асосий капиталга инвестицияларни жалб қилиш ҳажми ва суръатлари билан ажралиб турувчи хўжалик юритувчи субъектнинг инвестицион фаолияти ривожланиши ва жадаллигини билдиради, деган хулосага келиш мумкин. Шунингдек, инвестицион фаоллик динамикасининг инвестицион фаолият молиялаштириш шакллари ва манбаларига боғлиқлигини таъкидлаш лозим. Молиялаштириш манбаларига, шунингдек инвестицион фаолиятни фаоллаштиришга қўйилган асосий талаблар сифатида инвестицион салоҳиятни кўрсатиш мумкин. Инвестицион фаоллик даражаси ўз капитал рентабеллиги ва даромадни қайта инвестициялаш масштаблари билан тавсифланадиган тизимнинг инвестицион салоҳияти ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ. Бунда инвестицион фаоллик корхонанинг

²³ Гришина И. В. Комплексная оценка инвестиционной привлекательности и инвестиционной активности регионов: методика определения и анализа взаимосвязей. // Инвестиции в России. – 2000. – № 4. – С. 13-20.

²⁴ Орлова Е. Р. Инвестиции: курс лекций. – М. : Омега-Л, 2006. – 47 с.

²⁵ Ендовицкий Д. А. Анализ инвестиционной привлекательности организации. – М.: Кнорус, 2010. – 76 с.

²⁶ Крамин Т. В. Развитие методики управления инвестиционной привлекательностью регионов. // Вестник Астраханского государственного технического университета. – 2012. – № 1. – С. 41–47.; Егорова Т. Н. Инвестиционная активность предприятий как основа их инновационного развития. // Транспортное дело России. – 2011. – № 6. – С. 17-18.

кенгайтирилган қайта ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун керакли ҳажмда даромадни қайта инвестициялаш қобилияти билан белгиланади. Шу билан бирга бунинг учун корхонанинг ташкилий барқарорлигини ошириш мақсадида ўз маблағлари ва узоқ муддатли жалб қилинадиган маблағлар мавжудлигини ҳисобга олиш керак.

Инвестицион салоҳият инвестициялаш объектлари ва соҳалари мавжудлиги ҳамда турли-туманлиги, шунингдек уларнинг иқтисодий барқарорлигига боғлиқ инвестициялар учун дастлабки объектив шартлар йиғиндисидан ташкил топади. Бундай салоҳият асосан миқдорий тавсифга эга бўлиб, макроиқтисодий кўрсаткичлар, ишлаб чиқариш омиллари (табиий ресурслар, ишчи кучи, асосий фондлар, инфратузилма ва ҳ.к.) билан таъминланганлик, аҳолининг истеъмол талаби ва бошқаларни ҳисобга олади.


Л.А.Сипко ва О.А.Беляковлар²⁷ инвестицион салоҳиятга корхонанинг турли активларни харид қилиш ва қўшимча молия оқимларини яратиш орқали ўз ривожланишига инвестициялаш имконияти сифатида таъриф берсалар, А.М.Марголина ва А.Я.Быстряковалар синергизм самарасига эришишга имкон берувчи инвестицион ресурсларнинг маълум тарзда тартибга солинган йиғиндиси деб қарайдилар. Муаллифлар инвестицион салоҳиятни шакллантиришда ҳисобга олинадиган ресурсларнинг турлари, шу қаторда табиий, ахборот, моддий, молиявий ва интеллектуал ресурслар йиғиндисини кенгайтириш мақсадга мувофиқлигини таъкидлайдилар.

Шундай қилиб, «инвестицион муҳит», «инвестицион жозибадорлик» ва «инвестицион фаоллик»лар пировард моҳиятини белгиловчи умумлаштирилган кўрсаткичлардан бири «инвестицион салоҳият» категорияси ҳисобланади.

Юқорида қайд этилган ёндашувларни умумлаштириб, таъкидлаш лозимки, айрим муаллифлар инвестицион салоҳиятга хўжалик юритувчи субъектда мавжуд ресурслар йиғиндиси

²⁷ Сипко Л.А. Инвестиционный потенциал: методология статистической оценки. –Новосибирск: СибУПК, 2004. –83 с.

сифатида қарашса, бошқалар уни хўжалик юритувчи субъектнинг инвестицион фаолиятни амалга ошириш бўйича потенциал имконияти сифатида изоҳлашади («1.1-расмга қаранг»).



1.1-расм. Транспорт воситалари ва ишлаб чиқариш ресурсларидан натижадор фойдаланишга йўналтирилган инвестициялар асосида автомобиль транспорти корхоналарини оптималлаштиришнинг иқтисодий модели²⁸

Демак, инвестицион салоҳият – бу хўжалик юритувчи субъектни рационал ва самарали бошқариш ҳамда унда мавжуд бўлган барча иқтисодий ресурсларни (ўзининг ёки қарзга олинган) капитални қайта ишлаб чиқариш моддий, молиявий ва

²⁸Муаллиф ишланмаси

интеллектуал эҳтиёжларини қондиришини таъминлай оладиган инвестицион имкониятларни ўзида мужассамлаштиради.

Ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектнинг инвестицион муҳити, инвестицион жозибadorлиги ва инвестицион фаоллиги қиймати уларнинг инвестицион салоҳияти қийматига чамбарчас боғлиқ²⁹. Инвестицион салоҳият қанчалик юқори бўлса, иқтисодий тизимнинг инвестицион иқлими шунчалик қулай ҳисобланади. Ушбу тизим инвестор учун жозибador, бу эса хўжалик юритувчи субъектнинг инвестицион фаоллигини тавсифловчи фаолият интенсивлигини мос равишда оширади.

Бундан хулоса қилиш мумкинки, оқилона инвестицион сиёсатни юритиш иқтисодий ривожланишнинг инвестицион параметрларини, улар ичида энг асосийларидан бири бўлган инвестицион салоҳиятни бошқаришни кўзда тутлади.

Таъкидлаш лозимки, хўжалик юритувчи субъектнинг инвестицион салоҳиятига қуйидаги хусусиятлар хосдир:

– инвестицион салоҳият дуалистик ёндашув доирасида – бир томондан, хўжалик юритувчи субъектнинг мавжуд ресурслари йиғиндиси, иккинчи томондан, хўжалик юритувчи субъектнинг инвестицион фаолиятни амалга оширишга потенциал имконияти сифатида тавсифланиши мумкин;

– ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектнинг инвестицион иқлими ва инвестицион жозибadorлиги қийматлари уларнинг инвестицион салоҳияти қиймати билан чамбарчас боғлиқ. Инвестицион салоҳият қай даражада юқори бўлса, хўжалик юритиш тизимининг инвестицион иқлими шунча қулай, шунингдек ушбу тизим мос равишда инвестор учун инвестициялар киритиш объекти сифатида жозибador ҳисобланади;

– хўжалик юритиш субъекти инвестицион салоҳиятининг катталиги унда мавжуд ресурсларнинг ҳар хил турлари борлигига боғлиқ. Аммо ресурслардан фойдаланиш даражаси салоҳиятни амалга ошириш даражасига таъсир кўрсатади, ресурсларни оқилона

²⁹ Бирюкова А. И. Оценка инвестиционной привлекательности промышленного сектора региона: автореф. дис. ... канд. экон. наук. – Иркутск, 2004. 12 с.

ва самарали бошқариш якуний кўрсаткич қийматини анча оширишга имкон беради;

– ҳар бир алоҳида хўжалик юритувчи субъектнинг инвестицион салоҳияти ўзига хосдир. Чунки инвестициялашнинг турли объектлари учун маълум бир омил турли даражада таъсир қилиши мумкин, шунинг учун инвестицияларнинг ушбу категориясини ҳолис баҳолаш учун ҳар бир алоҳида хўжалик юритувчи субъектнинг якуний кўрсаткичи қийматини табақалашган аниқлашга талаб қўйилади.

Бугунги кунда деярли барча технологик янгиланишлар инновациялар билан боғлиқ экан, инвестицион салоҳият ҳам инновацион салоҳиятни таъминловчи асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Технологик модернизациялашнинг устувор йўналиши - бу ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштириш, маҳсулот турларини янгилаш, ишлаб чиқариш таннархини пасайтириш, самарали бошқарув тизимларидан фойдаланиш ва рақобатдош устунликларнинг ўсишига ва мустаҳкамланишига олиб келадиган инновацион технологияларни жорий этишдир. Корхоналар даражасида инновацияларни қўллаб-қувватлаш давлат миқёсида инновацион фаолиятни ўсишига ижобий таъсир кўрсатади.

Корхоналар даражасида инвестицион фаолиятни қўллаб-қувватлаш ҳам шу сингари уларнинг инновацион салоҳиятини мустаҳкамланишига ижобий таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, инвестицион салоҳиятдан тўлиқ фойдаланиш учун инновацион фаолиятнинг комплекс хусусиятларини тушуниш, уларни ҳисобга олиш ва баҳолаш муҳимдир, бунга қуйидагилар киради³⁰.

– инновацияларни яратиш, ишлатиш ва тижоратлаштириш бўйича олиб борилаётган тадбирларнинг интенсивлик даражаси;

– корхоналарнинг ташкилий ва техник янгиликларга мойиллиги;

³⁰ Мухитдинова К.А. Автомобиль транспорти корхоналари фаолиятини ривожлантиришнинг инвестицион таъминоти ва ундан самарали фойдаланишнинг иқтисодий асослари. // Бизнес-эксперт. 2019. –№4(136), –Б. 65-69

Фойдаланилаётган усулларнинг аниқлигини кафолатлаш қобилияти;

– талаб қилинадиган сифат ва миқдордаги илмий, техник, кадрлар ва ресурс салоҳиятидан фойдаланиш қобилияти;

– ишлаб чиқариш жараёнида инновацион технологик жараёнларни тўғри ва оқилона ташкил этилиши.

Замонавий шароитда корхоналарнинг инновацион фаолиятини ишончли таҳлил қилиш нафақат корхона, балки миллий иқтисодиётнинг тармоқлари учун ҳам долзарб вазифадир. Корхоналарнинг инновацион фаолиятини баҳолаш услубияти унинг стратегик мақсадларига мос келадиган кўрсаткичларни ақс эттириш лозим.

Илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқани кучайтириш, ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви ва концентрация жараёнларининг бирлашиши илмий, техник ва инновацион билимлар соҳасидаги ютуқлар натижасидир. Шу сабабли, технологик модернизациялашда корxonанинг илмий, техник ва инновацион салоҳиятининг мавжудлиги ва сифатини баҳолаш муҳим роль ўйнайди.

Автомобиль тарнспорти корхоналарининг илмий-техник салоҳиятини баҳолашга услубий ёндашувнинг энг муҳим қондалари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

– соҳа фаолиятини ақс эттирувчи асосий кўрсаткичлар рўйхатини тузиш;

– баҳолаш корxonанинг сабаб ва натижа муносабатларини ҳисобга олган ҳолда ҳар томонлама амалга оширилади;

– инновациялар натижадорлигини самарали ақс эттиришга ёрдам берадиган кўрсаткичларни аниқлаш.

Корxonани технологик модернизациялаш тизимини тўғри таҳлил қилиш ва баҳолаш инновацион ривожланишга йўналтирилган корxonанинг инвестицион салоҳиятини таҳлил қилиш билан уйғунлаштириш имкониятига асосланиши керак. Шунингдек, автомобиль транспорти корxonаси фаолиятининг

сифат ва миқдорий кўрсаткичларини аниқлаш, шунингдек, унинг динамикасидаги турли хил ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда ривожланиш стратегик йўналишларини режалаштириш муҳимдир³¹.

Хулоса қилиб таъкидлайдиган бўлсак:

– модернизациялаш иқтисодий ўсишнинг зарурий шарти сифатида инвестиция ва инновацион ривожланишга асосланади;

– модернизациялаш зарурлигини баҳолашнинг энг муҳим босқичи унинг инвестицион, инновацион, техник, ташкилий ва илмий-техник потенциалини баҳолаш учун услубий воситани шакллантириш ҳисобланади;

– модернизациялашнинг устувор йўналишлари – бу ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштириш, маҳсулот ва хизматлар ассортиментини яхшилаш, нархини пасайтириш, самарали бошқарув тизимлари ва рақобатдошликни кучайтиришга олиб келадиган инновацион технологиялардан фойдаланишдир.

1.2 §. Автомобиль транспорти корхоналарининг инвестицион фаолияти самарадорлигини таъминлашнинг иқтисодий асослари.

Узоқ муддатли стратегик ривожланишни таъминлаш учун корхоналар глобал ва ички бозордаги мавжуд иқтисодий ва молиявий вазиятни ҳисобга олувчи оқилона ва самарали инвестиция сиёсатини ишлаб чиқишга эътибор қаратмоқлари лозим. Бундай сиёсат энг аввало юқори бозор беқарорлиги ва чекланган ресурслар шароитида инвестицион жараённинг самарадорлигини максимал даражада оширишга қаратилган инвестицион бошқарув тизими ва концепциясига асосланади.

Инвестицион фаолиятни комплекс бошқариш концепцияси ўз ичига бир неча муҳим ва бир-бири билан боғлиқ компонентларни қамраб олиб, улардан биринчиси корхонани ривожлантиришнинг

³¹ Мухитдинова К.А. Автомобиль транспорти корхоналари фаолиятини ривожлантиришнинг инвестицион таъминоти ва ундан самарали фойдаланишнинг иқтисодий асослари. // Бизнес-эксперт. 2019. –№4(136), –Б. 65-69

муқобил вариантлари ичидан энг мақбулини танлаш ва унга мос инвестиция стратегияларини аниқлаш имконини берувчи стратегик моделлаштириш ва сценарийли таҳлил қилиш жараёни ҳисобланади. Стратегик моделлаштириш тамойилларини қўллаш корхонанинг нафақат инвестицион муқобиллигини молиявий самарадорлик нуктаи назаридан тўғри баҳолашга, балки ташқи иқтисодий ва сиёсий омилларнинг, иқтисодиётнинг айрим тармоқлари ва ҳудудларнинг ривожланиш йўналишларининг таъсири нуктаи назаридан уларнинг таҳлилини рағбатлантиради. Бундай ёндашувнинг муҳим жиҳати корхонанинг инвестицион фаоллиги энг яхши молиявий ва иқтисодий кўрсаткичларга эришиш имконини берадиган иқтисодий ривожланиш шароитларини аниқлашга қаратилганлигидир.

Бундан ташқари, комплекс инвестицион бошқарув доирасида инвестиция лойиҳаларини танлаш ва улар асосида инвестиция портфелини шакллантириш, инвестицион лойиҳалар ва дастурларни амалга оширишни бошқариш ҳамда турли манбалардан зарур маблағларни жалб қилиш каби инвестицион жараёни бошқариш усуллари ва ёндашувлар амалга оширилади.

Мазкур Монография ишимизнинг мақсадидан келиб чиқадиган бўлсак, инвестицион лойиҳаларни танлаш учун кенг миқёсли мезонлардан фойдаланиш, инвестицион фаолиятни бошқариш мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда инновацион молиялаштириш манбаларини қўллаш ва инвестиция лойиҳаларини тузишнинг самарали усуллари илмий асослашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Инвестиция фаолиятини бошқариш хавфларини бошқаришнинг интеграциялашган ва динамик ёндашув усуллари ҳамда тамойилларини фаол қўллашни ҳам назарда тутиб, инвестицион жараённинг барча йўналишлари ва босқичларида рискларни бошқаришнинг узлуксиз жараёнини таъминлайди³².

³² Мухитдинова К.А. Автомобиль транспорти корхоналари фаолиятини ривожлантиришнинг инвестицион таъминоти ва ундан самарали фойдаланишнинг иқтисодий асослари. // Бизнес-эксперт. 2019. –№4(136), –Б. 65-69

Маълумки, ҳар қандай иқтисодий тизим учун транспорт тармоғи иқтисодий муносабатларни ўрнатишнинг асосий воситаси бўлиб хизмат қилади. Транспорт-логистика хизматлари барча иқтисодий субъектлар томонидан истеъмол қилинади ва иқтисодий, сиёсий хавфсизлик ва ишончлилик кафолати сифатида юзага чиқади.

Транспорт тизимига ресурсларни сафарбар қилишга кўплаб омиллар таъсир кўрсатади. Булардан энг аввало иқтисодий ўсиш, аҳоли даромадлари ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт таъсир кўрсатади. Транспорт хизматлари ҳажмининг ўсиши бир томондан иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини ривожлантиришга таъсир кўрсатса, иккинчи томондан маҳсулот ва хизматлар таннархининг асосий таркибий қисмларидан бири бўлиб юзага чиқади. Бошқа томондан, иқтисодий ўсиш уй хўжаликлари даромадларининг ўсишига тўғридан-тўғри таъсир қилиш орқали уларнинг транспорт хизматлари истеъмолини ҳам рағбатлантиради.

Транспорт соҳаси учун инвестицион фаолиятнинг асосий ёндашувларини белгиловчи муҳим омиллар мавжуд. Биринчидан, бу давлат ва жамиятнинг турли манфаатлари мутаносиблигини инобатга олиш зарурлиги туфайли инвестицион рисклар таъсирини кучайтиради ва инқирозли шароитларда ривожланиш ноаниқлигини пасайтиради. Иккинчидан, транспорт комплексининг кўплаб тармоқлари, масалан шаҳар жамоат транспортида монополизм ва транспорт операторлари фаолиятига нисбатан ташқи давлат назорати ўрнатилади, жумладан, тарифларни ўрнатиш, инвестицион режаларни назорат қилиш ва бошқалар. Учинчидан, транспорт комплексига таъсир кўрсатадиган муҳим омил уларнинг ўта йирик капитал сифимидир. Масалан, автомобиль йўллари тармоғини ривожлантириш йирик миқдордаги узоқ муддатга мўлжалланган инвестицияларни талаб қилади. Ва ниҳоят, бошқа омил - транспорт корхоналари учун доимий равишда янги транспорт воситалари, ташиш ва сервис технологиялари, таъмирлаш ускуналарига сармоя киритишда технологик қолоқлик

ҳамда бундай воситалар бозорида таклифнинг чекланганлиги инвестицион фаолиятда қийинчилик туғдиради³³.

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатадики, транспорт корхоналарининг ривожланиши интеграциялашган узоқ муддатли стратегияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали амалга оширилиши мумкин, бу ўз навбатида белгилаб олинган стратегик режаларни амалга оширишда муҳим роль ўйнайдиган инвестицион фаолият учун асос бўлиб хизмат қилади. Узоқ муддатли режалаштириш давомий сармоялар ва юқори инвестицион эҳтиёжлар билан боғлиқ бўлиб, ўта аниқ режалаштириш ва тайёргарликни талаб қилади. Транспорт корхонаси стратегиясида фаолиятнинг юқори хавфларини ҳисобга олган ҳолда уни минималлаштириш учун шарт-шароитларни яратиш устувор вазифа бўлиб юзага чиқади.


Қайд этилганларни умумлаштириб таъкидлаш мумкинки, инвестициялар автомобиль транспорти корхоналарини ривожлантириш учун аниқ тезкор ва стратегик мақсадларга эришишга хизмат қилади. Яъни, инвестиция жараёни доирасида автомобиль транспорти корхонаси ўз тортишиш ҳудудидаги транспорт хизматларига бўлган талабни максимал даражада қондириш ҳисобига бир қанча муҳим натижаларга эришиши талаб этилиб, улар пировард натижада корхона бозор қийматининг ўсишини таъминлаши лозим (1.2-расмга қаранг).

Иқтисодийнинг исталган секторидаги корхоналар учун инвестицион фаолиятни стратегик устунликка эга бўлишга йўналтириш узоқ муддатли ривожланишнинг муҳим шarti ҳисобланади. Бу орқали уларнинг даромадларини, капиталлашувини, бозор улушини, билим ва кўникмаларини сақлаб қолиш ва кўпайтириш мумкин.

Бошқа соҳалардан фарқли равишда, олигополик кўринишга эга транспорт хизматлари бозори ўз иштирокчиларига анъанавий рақобат устунликларидан, яъни хизмат кўрсатиш сифати, мижозларга йўналтирилганлик, самарали маркетинг ва реклама

³³ Мухитдинова К.А. Автомобиль транспорти корхоналари фаолиятини ривожлантиришнинг инвестицион таъминоти ва ундан самарали фойдаланишнинг иқтисодий асослари. // Бизнес-эксперт. 2019. –№4(136), –Б. 65-69

каби афзалликлардан тўлиқ фойдаланишга имкон бермайди. Шунинг учун автомобиль транспорти корхоналари ўз активлари ва профессионал етукликлари ҳамда транспорт хизматлари бозорида барқарор ривожланишга асосланган рақобат устунликларига эга бўлишга интилишлари лозим деб ҳисоблаймиз.



1.2-расм. Автомобиль транспорти корхонаси инвестицион фаолиятининг асосий йўналишлари ва натижадорлиги³⁴

Шу билан бирга, ривожланишнинг барқарорлигига транспорт тизими капиталининг юқори даражасини ҳисобга олган ҳолда молиявий фаолиятнинг барқарорлиги, янги фаолият йўналишлари

³⁴Муаллиф ишланмаси

ва хизмат кўрсатиш географиясини кенгайтиришга инвестицияларни жалб этиш орқали эришишлари мумкин.

Деярли барча автомобиль транспорти корхоналари вертикал равишда интеграциялашган ва диверсификацияланган корхоналар ҳисобланиб, юк ёки йўловчи ташиш билан боғлиқ транспорт хизматларини истеъмолчиларга яқиний маҳсулот кўринишида тақдим этадилар.

Бугунги кунда транспорт-логистика хизматлари бозорини ривожлантириш ва мамлакатимиз транспорт-транзит имкониятларини кенгайтириш бўйича катта ҳажмдаги инвестициялар жалб қилинмоқда.

Бироқ, транспорт логистикаси соҳасида инвестициялашга оид тадқиқотлар ва инновацион ишланмаларни бажариш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этиш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш билан боғлиқ ягона сиёсатнинг мавжуд эмаслиги транспорт хизматлари бозорида инвестициялар ҳисобига янги техника ва технологиялар ҳамда илғор хориж тажрибаларини етарли даражада қўллашга имкон бермайди³⁵.

Маълумки, маҳсулот ва хизматларни яратишдан то истеъмолчиларга етказиб беришгача бўлган даврнинг 90 фоизгача ҳажми транспорт-логистика жараёнларига тўғри келиб, у ўз ичига ташишдан ташқари харидларни бошқариш, захираларни бошқариш, омбор ишлари, маҳсулот тақсимотини бошқариш, юкларни қайта ишлаш, қадоқлаш, ортиш-тушириш, логистик ахборот технологиялари ва интеграл логистик тизимларни бошқаришни ўз ичига олади. Аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларига хавфсиз, сифатли ва арзон бўлган барча турдаги юк ва йўловчи ташиш ҳамда бошқа транспорт-логистика хизматларини кўрсатиш мазкур жараёнларни комплекс тарзда амалга ошириш самарадорлигига бевосита боғлиқдир.

Бу асосан ушбу корхоналар инвестицион фаолиятининг йўналишини белгилаб беради ва уларга, масалан, ўз маблағлари ва қарз

³⁵ Мухитдинова К.А. Автомобиль транспорти корхоналари фаолиятини ривожлантиришнинг инвестицион таъминоти ва ундан самарали фойдаланишнинг иқтисодий асослари. // Бизнес-эксперт. 2019. –№4(136), –Б. 65-69

капиталининг самарали комбинацияси, турли фаолият турларининг хавф даражасини баҳолаш ва уларнинг мувозанатига эришиш, шунингдек, режалаштириш ва амалга ошириш учун профессионал бошқарув ходимларини жалб қилиш каби стратегик вазибаларни кўяди.

Кучли рақобат муҳити автомобиль транспорти операторларининг хизмат кўрсатиш салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиши учун ишлаб чиқариш бошқарувининг барча воситалари ва усулларидан максимал даражада фойдаланишни тақозо этади. Ушбу масалани ижобий ҳал этиш корхонада ишлаб чиқариш сиёсатини талаб даражасида юритиш орқали амалга оширилиши мумкин. Мазкур сиёсат транспорт-логистика хизматлари турларини танлаш, яратиш, тариф белгилаш ва уларни мижозларга тақдим этишга қадар бўлган босқичлардаги асосий қоидаларни белгилаб бериб, корхонанинг танланган бозор сегментидаги ўрнини мустақамлаш ва кенгайтириш, мижозлар сонини ошириб бориш, рақобат курашида устунликка эришишни таъминлаш ва пировард натижада фойда ҳажмини кўпайтиришга йўналтирилади. Бунда: ресурс тежамкорлигига эришиш; транспорт-логистика хизматлари кўрсатиш ҳажмини ошириш; бир вақтнинг ўзида хизмат кўрсатиш таннархини пасайтириш ва ҳажмини ошириш эвазига натижадорлик таъминланади³⁶.

Маълумки, бугунги транспорт иқтисодиётига оид илмий адабиётларда транспорт хизматлари кўрсатиш 3 та базавий жараёнларга: ташиш, ёрдамчи хизматлар ва таъминот жараёнларига бўлиб ўрганилади.

Ишлаб чиқаришни бошқариш жараёнини ташкил этиш масалалари ҳар бир базавий жараёнлар кўламида алоҳида кўриб чиқилади. Чунки транспорт хизматлари кўрсатиш тизимида бошқариш бир маротабали ёки айрим ҳаракатлар бўлмай, балки ўзаро мураккаб бирлашган жараёндир. Базавий ташкилий жараёнларни

³⁶ Қодиров Т.У. Автомобиль транспортида ишлаб чиқаришни ташкил этишга тизимли ёндашув методологияси. // ТАЙИ хабарномаси. –Т.: 2017. –№3-4. –Б. 54-61.

бошқариш нисбатан бир қатор мустақил, аммо бир-бирига боғлиқ функциялардир³⁷.

Шунинг учун автомобиль транспорти корхоналарида горизонтал интеграциялашган ва диверсификацияланган тузилмаларни яратиш стратегик эҳтиёжи иқтисодий фаолиятнинг синергетик самарадорлигига эришиш зарурлиги билан асосланади. Автомобиль транспорти корхоналари ва улар инвестицион фаолиятининг асосий йўналишлари учун стратегик синергияларнинг энг муҳим кўринишлари акс эттирилган (1.3-расмга қаранг). Синергетика атамаси қадимги юнон тилидан келиб чиққан бўлиб, биргалик, бирлашган холда, ҳамкорлик, кўмаклашиш, иштирокчилик ёки кўмаклашувчи, ёрдам берувчи деган маъноларни англатади³⁸.



1.3-расм. Автомобиль транспорти корхонаси инвестицион фаолиятида синергетик самарадорликка эришишнинг иқтисодий моделини такомиллаштириш³⁹

³⁷ Кодиров Т.У. Автомобиль транспортида ишлаб чиқариш жараёнлари бошқарувини ташкил этишга услубий ёндашув. // ТАЙИ хабарномаси. –Т.: 2017. – №2. – Б. 83-89.

³⁸ <http://uz.denemetr.com>

³⁹ Муаллиф ишланмаси.

Ишимизнинг дастлабки бандларида инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг турли манбалари, хусусан, тенг шериклилик, стратегик биргаликда молиялаштириш, қарз беришнинг турли шакллари (мамлакатимиз ва хорижий банкларнинг кредитлари, кредитлаш ва экспорт агентликлари томонидан қарз бериш, облигациялар бозори) шунингдек, давлат-хусусий секторлари ҳамкорлиги ва инфратузилма ташкилотлари орқали молиялаштириш манбалари тўғрисида тўхталиб ўтилган⁴⁰.

Тадқиқот натижаларига кўра, корпоратив инвестицион жараёни ташкил қилиш орқали корхонанинг бозорда стратегик рақобатбардошлигини таъминлашга, инвестиция ресурсларининг самарадорлигига, умумий корпоратив хавф даражасининг нисбатан паст бўлишига ва келажақда корхона бозор қийматининг ўсишига эришиш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, агар корхона ўз фаолиятида чекланган капитални энг мақбул фаолият йўналишларига инвестициялаш имконини берадиган инвестиция лойиҳаларини ва дастурларни танлашда бундай тамойил ва ёндашувларни қўлламай туриб инвестицион фаолиятнинг самарадорлигига эришиши мушкулдир.

Самарали инвестицион қарорларни қабул қилиш ва энг муносиб лойиҳаларни танлаш маълум бир тизимлаштирилган мезонларга таяниб иш кўришни талаб этади. Фикримизча:

- лойиҳаларнинг стратегик мувофиқлиги;
- иқтисодий самарадорлик;
- келажақда ривожланиш учун реал вариантларнинг мавжудлиги;
- жорий ва келгусида тартибга солувчи қонунлар ва қонунчиликка риоя қилиниши;
- кредиторлар талабларига риоя қилиш;

⁴⁰ Мухитдинова К.А. Автомобиль транспорти корхоналари фаолиятини ривожлантиришнинг инвестицион таъминоти ва ундан самарали фойдаланишнинг иқтисодий асослари. // Бизнес-эксперт. 2019. –№4(136), –Б. 65-69

– ички ресурсларнинг мавжудлигини уларнинг энг асосийлари сифатида қайд этиш мумкин⁴¹.

Бунда лойиҳаларни танлаб олиш ва инвестиция портфелларини шакллантириш мезонларини аниқлашга таклиф этилаётган ушбу ёндашув бугунги иқтисодиёт учун долзарб ҳисобланиб, танловнинг барча асосий омилларини ҳисобга олади ва узоқ муддатли инвестицион фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган.

Замонавий корхоналар ўз фаолиятларини самарали ва узлуксиз хавфларни бошқариш тизимини қўллагандан амалга оширишлари қийиндир. Бу нафақат бозор шароитида корхона фаолиятининг турли параметрлари бўйича маълумотларни йиғиш ва қайта ишлашни, балки тайёр маҳсулотлар сотиш ва хом ашё сотиб олиш, капитал курилиш, молия бозорларида қарз олиш, технологик асбоб-ускуналарни ишлаб чиқариш каби соҳаларда йўқотиш ва ноаниқликларни камайтиришга ҳам имкон беради. Корхона инвестицион фаолиятининг барча босқичларида хавфларни бошқаришда доим фойдаланиш хавф-хатарларини бошқариш ва назорат қилиш вазифаси қўйилади.

Бунга автомобиль транспорти корхоналари учун самарали стратегик ва инвестицион режалаштиришга стратегик таҳлил қилиш ва моделлаштириш воситалари ҳамда тамойилларидан тўғри фойдаланиш орқали эришиш мумкин. Бундай моделлаштиришнинг мақсади корхонанинг ривожланиш стратегиясига, унинг бозордаги мавқеи, капиталлашуви ёки иқтисодий фаолият соҳасига таъсир қилиши мумкин бўлган барча инвестицион лойиҳаларнинг муқобил вариантларини батафсил ҳисоб-китоб қилишдан иборатдир.

Стратегик моделлаштиришнинг моҳияти, таҳлил қилинган стратегик ривожланиш муқобил вариантларини ҳисобга олган ҳолда, келажакда корхона фаолиятининг кенг қамровли динамик молиявий моделларини яратишни назарда тутди. Бундан ташқари, турли инвестицион лойиҳалар ва ташаббуслар корхона ривожланишининг асосий сценарийсига киритилиб, корхона-

⁴¹ Мухитдинова К.А. Analysis and evaluation of sources of investment in automotive transport enterprises. // South Asian Journal of Marketing and Management Research. 2020. (SJMR=7.11), №Vol.10, Issue 4, April. –Б.74-78

инвесторнинг муносабатлари таъсирини таҳлил қилишнинг самарали воситаси бўлиб ҳам хизмат қилади. Бундай ёндашув режалаштирилган инвестиция дастурлари, юқори хавfli ва йирик инвестицион лойиҳалар доирасида транспорт корхоналарининг ривожланиш истиқболларини яхшироқ тушунишга ёрдам беради⁴².

Ҳар қандай транспорт корхонасининг келажақдаги фаолиятини башортлашда ҳисобга олинадиган бир неча омиллар мавжуд. Биринчидан, автомобиль транспорти корхонаси мавжуд ҳаракатидаги таркибини модернизациялаши ва янгиларини сотиб олиши учун катта ҳажмдаги инвестицияларга эҳтиёж сезади, бу ўз навбатида рентабелликнинг пасайиши, ташиш харажатларининг ошиши билан биргаликда банк кредитларига хизмат кўрсатиш учун кўшимча харажатларга ҳам олиб келади. Иккинчидан, ёқилғимойлаш ва бошқа энергия ресурслари нархининг ўсиши даромадларнинг пасайишига олиб келади, янги лойиҳаларни ривожлантириш ва уларни қайта тиклашни секинлаштиради. Ниҳоят, ижтимоий аҳамиятга молик ташувлар учун тарифларни тартибга солиш келажақдаги фойда миқдорининг ноаниқлиги туфайли транспорт хизматлари бизнеси хавфини оширади.

Лойиҳани молиялаштириш механизмларидан фойдаланган ҳолда, турли лойиҳа иштирокчилари, жумладан, унинг ташаббускори, кредиторлар, давлат, мол етказиб берувчилар ҳамда истеъмолчилар ўртасида инвестицион хавфларни аниқ-таниқ равишда қайта тақсимлаш мумкин. Кўп томонлама шартномалар асосида инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш келажақдаги пул оқимларининг ноаниқлигини минималлаштириш ҳамда лойиҳаларнинг инвестицион жозибadorлигини оширишга имкон беради.

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг яна бир муҳим воситаси - давлат-хусусий сектори ҳамкорлиги механизми худудий транспорт комплексли йўл тармоқларини ривожлантиришга ва диверсификацияланган транспорт-логистика корхоналарини ташкил этишга қаратилган йирик лойиҳаларни амалга оширишда

⁴² Мухитдинова К.А. Analysis and evaluation of sources of investment in automotive transport enterprises. // South Asian Journal of Marketing and Management Research. 2020. (SJMF=7.11), №Vol.10, Issue 4, April. –Б.74-78

қўшма инвестицияларни назарда тутди. Давлат-хусусий сектори ҳамкорлиги доирасида давлат хусусий инвесторларнинг инвестицион жозибadorлигини оширадиган лойиҳалар инфратузилмаси компонентида етакчи инвесторлик масъулиятини ўз зиммасига олади.

Нихоят, автомобиль транспорти тизимида инвестицион дастурларини амалга оширишнинг потенциал имкониятларидан бири юқори даражада экологик хавфсизликни таъминлашга қаратилишидир. Бундай дастурларда иссиқхона газлари чиқариш ҳажмини чеклаш ёки Кёто протоколи деб аталадиган битимлар асосида чет эл сармоясини жалб қилиш мумкин. Ушбу протокол, агар улар атроф-муҳитга таъсирини камайтиришга ва янги экологик тоза хизмат кўрсатиш ёки ишлаб чиқариш тизимини яратишга қаратилган бўлса, инвестицион лойиҳаларни қисман хорижий манбалар асосида молиялаш имконини беради⁴³.

Шундай қилиб, автомобиль транспорти корхонасининг инвестицион фаоллиги - барча босқичларда уни ташкил этиш ва бошқаришга эҳтиёткорлик билан ёндашишни талаб қиладиган мураккаб ва кўп қиррали жараён ҳисобланади. Инвестицион фаолиятда иштирокчиларнинг ўзаро муносабатлари комплекс характерга эга бўлиб, транспорт хизматлари бозоридаги ноаниқлик, юқори рақобат ва ички ривожланиш шароитида стратегик мақсадларга эришиш ва корхоналарнинг узоқ муддатли ривожланишини таъминлаш учун инвестицион фаолиятни ташкил этиш ва бошқаришга комплекс ёндашув зарурлигини кўрсатмоқда.

1.3 §. Автомобиль транспорти корхоналари фаолиятини ривожлантиришнинг инвестицион таъминоти ва унинг услубий асослари

Иқтисодий инновацион ривожлантириш шароитида автомобиль транспорти тизимининг ривожланиши ижтимоий-иқтисодий соҳани бошқа тармоқлари билан узвий боғлиқ бўлиб, юк

⁴³ Мухитдинова К.А. Analysis and evaluation of sources of investment in automotive transport enterprises. // South Asian Journal of Marketing and Management Research. 2020. (SJIF=7.11), №Vol.10, Issue 4, April. –Б.74-78

ва йўловчилар ташиш ҳажмини ва сифат даражасига қўйиладиган талаблар билан бир қаторда, соҳанинг ўз-ўзини ривожлантира олиш имкониятлари, яъни етарлича даромад олиши ва унинг ҳисобидан соҳага инвестициялар жалб қила олиш талаблари қўйилади⁴⁴.

Демак миллий иқтисодиёт хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро алоқаларини кенгайтириш ва аҳоли мобиллигини ошириш талабларидан келиб чиқиб, транспорт корхоналарни ривожлантириш куйидаги вазифаларни самарали ҳал қилиш билан амалга оширилиши мумкин:

- транспорт-логистика хизматлари ҳажмини ошириш ва янгиларини таклиф этиш;
- ташишда замонавий транспорт воситалари, технологиялар ва ишлаб чиқариш усулларини қўллаш;
- янги транспорт хизматлари бозорларини эгаллаш;
- техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва сервис, транспорт-логистика хизматларини кўрсатиш жараёнлари ҳамда ходимларни бошқаришда замонавий усулларни қўллаш⁴⁵.

Мазкур вазифалар истиқболли инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш билан ҳал этилади. Унинг асосини автомобиль транспортига жалб қилинувчи инвестиция ҳажми, энг аввало, транспорт хизматини кўрсатиш бозорида юк ва йўловчи ташишга бўлган талабни сифат ва миқдор жиҳатдан қондира оладиган замонавий автомобиль транспорти воситалари, йўл инфратузилмаси тармоқлари ва бошқа моддий-техника базасига бўлган эҳтиёж ташкил этади.

Инвестиция жараёнининг асосий категориялари ва уларнинг ўзаро бири-бирига боғлиқлигидан келиб чиқиб, тизимли ёндашув асосида автомобиль транспорти корхоналарида инвестициявий жараёнларни ташкил этишга элементларнинг ўзаро алоқадорликдаги структуравий механизми сифатида қараш мумкин (1.4-расмга қаранг).

⁴⁴ Қодиров Т.У. Автомобиль транспорти рақобатдошлиги: ташкилий-иқтисодий механизмлар. Монография. –Т.: Янги аср авлоди, 2013. – 65 б.

⁴⁵ Қодиров Т.У. Автомобиль транспорти рақобатдошлиги: ташкилий-иқтисодий механизмлар. Монография. –Т.: Янги аср авлоди, 2013. –72 б.



1.4-расм. Автомобиль транспорти корхоналарида инвестиция жараёнларини ташкил этишнинг тузилмавий механизми⁴⁶

Мазкур механизмнинг асосий элементлари қуйдагилардан иборатдир:

⁴⁶ Муаллиф ишланмаси.

1) инвестиция жараёнида ички ва ташқи омилларнинг таъсир этувчанлиги;

2) инвестиция иқлими ва мавжуд инвестиция салоҳияти доирасида шаклландиган инвестиция муҳити;

3) инвестиция салоҳияти – корхонанинг барқарор ривожланишини таъминлаш учун мавжуд инвестиция муҳитининг жамланма омилларидан фойдаланиш имконияти;

4) инвестицион муҳит – корхоналарда инвестицион жараёнларнинг мақсадга мувофиқлигини таъминловчи ва капитални кўпайтиришга таъсир қилувчи ижтимоий, иқтисодий, ташкилий, ҳуқуқий ва бошқа муносабатлар тизими⁴⁷.

Мазкур механизмда инвестициялаш жараёни маълум бир вақт ва маконда мавжуд инвестицион муҳит шароитида инвестор томонидан юқори даромад олиш учун моддий ва молиявий ресурсларни сафарбар қилиш фаолияти сифатида намоён бўлиб, уни ташкил этиш ва бошқариш билан боғлиқ бўлган фаолият жараёни ҳаракатлантирувчи асосий дастак бўлиб хизмат қилади.

Фикримизча, инвестицион фаолиятга инвестициялаш объектининг келажакда ҳам барқарор фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган инвестиция жараёнидаги иқтисодий муносабатларнинг шакли ва мазмунини белгиловчи тизимлаштирилган тартиб ва қоидаларнинг мажмуи сифатида қараш ҳам мумкин⁴⁸.

Инвестиция жараёнига ташқи ва ички муҳит омиллари ва шарт-шароитлари таъсир кўрсатади. Ташқи омил жараёни таъсир этиш даражасига қараб 2 та гуруҳга ажратилади. Булар статик ва динамик омилларга бўлинади.

Вақт ўтиши билан инвестиция жараёнига ўз таъсирини ўзгартирмайдиган омиллар статик омил дейилади. Уларга табиий-иқлим, географик, ҳуқуқий, технологик ҳамда инвестиция объектларининг кўлами киради.

⁴⁷ Қодиров Т.У. Автомобиль транспорти рақобатдошлиги: ташкилий-иқтисодий механизмлар. Монография. –Т.: Янги аср авлоди, 2013. –77 б.

⁴⁸ Мухитдинова К.А. The role of investment in the countries transportation industry. // Journal of Marketing Strategy. 2019. April (impact factor 4.905), –Б. 34- 38

Бозорнинг маълум бир ҳолатида унинг иштирокчилари ўртасидаги муносабатлар ва инвестиция жараёнларининг жадаллигини (рақобатчилар, етказиб берувчилар, мижозлар) киритишга динамик омил дейилади.

Инвестиция жараёнининг ички муҳити корхона ишлаб чиқариш фаолиятининг бошқарув соҳасидаги мавжуд омилларнинг тўғридан-тўғри таъсири остида шаклланади. Буларга капитал айланиши жараёнида ишлаб чиқариш омилларидан (капитал, иш кучи, тадбиркорлик қобилияти) фойдаланиш ва такрор ишлаб чиқаришни кенгайтиришдаги инвестицион фаоллик билан боғлиқ омиллар киради.

Турли хил иқтисодий адабиётларда олим ва мутахассислар томонидан инвестициялаш ва унинг маълум бир йўналишлари бўйича атрофлича фикр юритилганлигини эътироф этган ҳолда, автомобиль транспортида инвестициялашга қуйидагича муаллифлик таърифини беришни лозим деб топдик: автомобиль транспортида инвестициялаш иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолининг талаб этилган ҳажмда, хилма-хилликда ва мувофиқлаштирилган баҳода транспорт-логистика хизматларига бўлган талабини қондиришга йўналтирилган корхона ривожланиши ва капиталининг ўсишини таъминловчи узоқ муддатли ресурс салоҳиятидан фойдаланиш жараёнидир.

Инвестиция фаолиятини амалга ошириш жараёнида инвестиция режалари ва молиявий имкониятларни мувофиқлаштириш учун уларнинг самарадорлигини баҳолаш мезонларини қўллаш зарурияти туғилади. Бунда инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини миқдорий баҳолашда энг асосий эътибор инвестицион фаолиятдан олинган фойданинг сарф этилган капиталга нисбатига қаратилади.

Ҳар қандай хўжалик юритиш субъектлари каби автомобиль транспорти корхоналарида ҳам инвестициялар самарадорлигини аниқлашда тармоқдаги инвестицион фаолиятнинг моҳияти, ташкил этилиши ва амалга ошириш механизмларини ягона комплекс сифатида тадқиқ этиш катта аҳамиятга эга. Стратегик режалашти-

риш, инвестицион стратегия, инвестицион лойиҳалаш, лойиҳаларни таҳлил қилиш ва уларнинг самарадорлиги мазкур комплекснинг асосий таркибий ташкил этувчилари бўлиб юзага чиқади.

Инвестиция фаолиятида хавфларни ҳисобга олиш ва камайтиришга катта аҳамият берилади. Хавфларни бошқариш деганда – лойиҳани амалга ошириш давомида ички ва ташқи таъсир остида хавфларни ўрганиш, уларни оптималлаштириш, режалаштириш, назорат қилиш ва ҳисобга олиш жараёни тушунилади.

Шундай қилиб, автомобиль транспорти корхоналарида инвестиция жараёнларини ўрганиш натижалари уларнинг таркибий элементларини қуйидагича шакллантиришга асос бўлди:

- корхоналарнинг инвестиция фаолияти таркибини белгилаш;
- корхоналарнинг инвестиция муҳитига таъсир этувчи ички ва ташқи омилларни аниқлаш⁴⁹;

- такрор ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун инвестиция жараёнини ташкил қилиш;

- инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонларини аниқлаш;

- корхоналарнинг инвестицион фаолият механизмларини шакллантириш;

- инвестицион хавфларни ҳисобга олиш ва уларни пасайтириш.

Ушбу элементлар асосида инвестицияларга - корхоналарнинг мураккаб ва динамик жараёнлардан иборат мустақил молиявий фаолияти объекти сифатида ҳам қараш мумкин.

Автомобиль транспорти корхоналарида инвестиция фаолиятини давлат томонидан рағбатлантиришнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- транспорт тизимининг транзит имкониятларини қўллаб-қувватлаш ва ошириш;

- соҳанинг ўз-ўзини таъминлаши учун шароит яратиш;

⁴⁹ Мухитдинова К.А. The role of investment in the countries transportation industry. // Journal of Marketing Strategy. 2019. April (impact factor 4.905), –Б. 34- 38

– соҳанинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини таъминлаш учун соҳанинг инновацион салоҳиятини ошириш учун зарурий шарт-шароитларни шакллантириш⁵⁰;

– транспорт харажатларини оптималлаштириш мақсадида транспорт технологиялари ва жиҳозларини такомиллаштириш, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш;

– транспортда иқтисодий хавфсизлик даражасини ошириш⁵¹;

– автотранспорт корхоналари хизматлари сифатини ошириш;

– автотранспорт хизматларини тақдим этиш доирасида ижтимоий аҳамиятга эга бўлган корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

– рақобатдош интеграциялашган транспорт ва логистика хизматлари бозорини яратиш.

Автомобиль транспорти соҳасини инвестициявий қўллаб-қувватлаш, албатта, инновацион мақсадга йўналтирилган бўлиши лозим.

Давлат имтиёзларига эҳтиёж инвестициялар муқаррар равишда автотранспортда юк ва йўловчилар ташиш бўйича хизматлар нархининг ошишига олиб келиши билан боғлиқ. Бундай ҳолатда автотранспорт корхоналари икки йўлдан бирини танлайдилар – харажатларни камайтириш ёки тарифларни ошириш. Иккинчи вариант ижтимоий жиҳатдан қабул қилинмаслиги мумкин. Юк ташиш тарифларининг ошиши товарлар ва хизматларнинг якуний таннархида, уларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларида транспорт харажатлари улушининг кўпайиши ҳисобига акс этади. Даромаднинг пасайиши ўз маблағлари манбалари чекланган автотранспорт корхоналарининг манфаатларига тўғри келмайди. Шундай қилиб давлат бошқарувининг ваколатли органлари транспорт хизматлари бозорининг ҳар икки томонининг манфаатларини мувозанатлаштирадиган тартибга солувчи ролини бажариши керак, шунда автотранспорт корхоналарининг

⁵⁰ Голянд И.Л., Захарьин К.Н., Мухина К.А., Феоктистов О.Г. Подход к нормированию инвестиционной деятельности пассажирского автотранспортного предприятия. // Вестник ИРГТУ. 2015. –№4 (99). –С.231.

⁵¹ Михальков А.М. Механизмы привлечения инвестиций в обеспечение безопасности движения на автомобильном транспорте. // Российское предпринимательство. 2013. –№22 (244). –С. 231.

инвестиция фаолияти транспорт тарифларининг сезиларли даражада ошишига олиб келмайди, балки интенсив ривожланиш учун етарли бўлган даромадлилик даражасини сақлаб қолишга имкон беради.

Автомобиль транспорти корхоналарининг инвестиция фаолиятини давлат томонидан рағбатлантириш чоралари билвосита ва тўғридан-тўғри бўлиниши мумкин. Билвосита чоралар табиий равишда соҳада инвестицион фаолликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратишга қаратилган. Буларга қуйидагилар киради:

1) автомобиль транспорти корхоналарини тартибга солишни такомиллаштириш чора-тадбирлари:

– автотранспорт соҳасида тадбиркорлик фаолияти учун ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш⁵²;

– транспорт хизматларини лицензиялашнинг шаффоф ва коррупциясиз тизимини шакллантириш.

– махсус солиқ режимларини ўрнатиш, ҳаракатдаги таркибни модернизациялаш учун инвестициялар билан шуғулланадиган корхоналар учун имтиёзли бизнес шароитларини таъминлаш;

2) соҳада бозор механизмларини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар:

– транспорт соҳасида инвестицион муҳитни яхшилаш, рақобат муҳитини яратиш;

– автотранспорт корхоналарига имтиёзли кредитлаш тизими орқали узоқ муддатли молиялаштириш, кредит ва молиявий кўмак манбаларидан фойдаланиш имкониятларини яратиш.;

– инфратузилмадан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш механизмларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, транспорт тарифига инвестиция компонентларини киритиш..

– коррупцияга қарши курашиш, маъмурий тўсиқлар ва бюрократик тўсиқларни камайтириш;

⁵² Мухитдинова К.А. The role of investment in the countries transportation industry. // Journal of Marketing Strategy. 2019. April (impact factor 4.905), –Б. 34- 38

– инвестиция сиёсатини амалга ошириш бўйича автотранспорт корхоналари раҳбарлари учун ўқув ва маслаҳат хизматларини кўрсатиш.

3) йўл инфратузилмасини сақлаш ва ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар:

– умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари тармоғини қуриш ва сақлаш, йўл хавфсизлигини ошириш ва йўл-транспорт ходисалари сонини камайтириш учун автомобиль йўлларини лойиҳалаш ва қуришда замонавий технологиялардан фойдаланиш ва бошқалар.

Автотранспорт корхоналарининг инвестицион фаоллигини билвосита рағбатлантириш маркетинг ва ахборот таъминоти орқали ҳам амалга оширилиши мумкин. Маркетинг кўмаги сармояни жойлаштиришни аниқлаш орқали таъминланади.


Корхона фаолиятининг инвестицион таъминотини самарали шакллантириш механизми билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш эса иқтисодий, ҳуқуқий, молиявий, ташкилий, ижтимоий ва бошқа омиллар таъсири остида мазкур механизмнинг амал қилиши ва табиатини белгилловчи концептуал тартиб-қоидаларни ривожлантиришни ўз ичига олади (1.5-расмга қаранг).

Корхонани ривожлантиришни инвестицион қўллаб-қувватлаш имкониятлари ва уни шакллантириш шарт-шароитларига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш ва баҳолашда иқтисодий таҳлил ва башоратлашнинг муайян усулларидан фойдаланилади.

Қуйидаги 1.5-расмдан асосий мақсад инвестиция жалб этилаётган объектни умумий мақсади ва унга эришишни турли даражасини баҳолаш асосида ўлчов мезонларини аниқлашдир.

Иқтисодиётга оид манбаларда автомобиль транспорти корхонасини ривожлантиришга сарфланадиган инвестицияларни иқтисодий самарадорлигига S - транспорт хизматлари сифати, P - транспорт иши ҳажми, T -ташиш тарифининг K -капитал ҳажмига нисбатан ўсишига боғлиқ $F(S, P, T, K)$ функцияси ишлаб чиқилган:

$$F = \frac{C_1}{C_0} \times \frac{P_1}{P_0} \times \frac{T_1}{T_0} \times \frac{K_0}{K_1} \rightarrow \max \quad (1.1)$$



1.5-расм. Корхона ривожланишини инвестицион таъминлашнинг умумий концепцияси⁵³

Бу ерда: C_0 , C_1 – мос равишда инвестицион лойиҳагача ва лойиҳадан кейинги транспорт хизматларининг сифат кўрсаткичлари;

P_0 , P_1 – мос равишда лойиҳагача ва лойиҳадан кейинги транспорт иши ҳажми;

⁵³ Муллиф ишланмаси.

T_0 , T_1 – мос равишда лойиҳагача ва лойиҳадан кейинги бир бирлик транспорт хизматини кўрсатиш баҳосининг ўсиши ёки ташиш таннархининг пасайишидан олинadиган иқтисодий самара;

K_0 , K_1 – мос равишда лойиҳагача ва лойиҳадан кейинги капитал ҳажмининг ўзгариши⁵⁴.

Шундай қилиб, инвестициялардан оқилона фойдаланиш самарадорлиги мезонлари асосида, автомобиль транспорти корхонасини ривожлантиришнинг инвестицион таъминотини шакллантириш ва ундан фойдаланиш услубиятини ишлаб чиқиш мумкин. Корхона фаолиятини инвестициялаш асосида ривожлантириш муаммолари ушбу жараёнлар инвестицион таъминотининг назарий ва услубий асосларини доимий равишда такомиллаштириб бориш заруриятини туғдиради.

Биринчи боб бўйича хулосалар

1. Монография ишимиз мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда «инвестициялар», «инвестицион муҳит», «инвестицион жозибадорлик» ва «инвестицион фаоллик» каби иқтисодий категорияларнинг умумэътироф этилган мазмун-моҳиятини автомобиль транспорти соҳасига трансформация қилиш орқали, уларнинг умумлаштирилган кўрсаткичларидан бири «инвестицион салоҳият»нинг ташкил этувчилари сифатидаги аҳамияти ёритилди.

2. Автомобиль транспорти корхоналари инвестицион фаолияти самарадорлигини тадқиқ этишда, уларни рационал ва самарали бошқариш ҳамда мавжуд бўлган барча иқтисодий ресурсларни (ўзининг ёки қарзга олинган) моддий, молиявий ва интеллектуал эҳтиёжларини қондиришни таъминлай оладиган инвестицион имкониятлардан фойдаланиш нуктаи назаридан муаллифлик ёндашуви амалга оширилди.

3. Транспорт тизими капиталининг юқори даражасини ҳисобга олган ҳолда молиявий фаолиятнинг барқарорлиги, янги фаолият

⁵⁴ Мухитдинова К.А. Investment support for the activities of motor transport enterprises and their effective unilization. // Asian Journal of multidimensional research. 2018, (SJIF:6.053), –Б. 466-472

йўналишлари ва хизмат кўрсатиш географиясини кенгайтиришга инвестицияларни жалб этиш орқали эришишлари мумкин бўлган автомобиль транспорти корхонаси инвестицион фаолиятининг асосий йўналишлари ва натижадорлигини белгиловчи мезонлар тизимлаштирилди.

4. Транспорт хизматларини кўрсатишнинг учта базавий жараёнлари ташиш, ёрдамчи хизматлар ва таъминот жараёнлари бўйича автокорхона инвестицион фаолияти мутаносиблигини таъминлаш орқали синергетик самарадорликка эришишнинг иктисодий модели таклиф этилди.

5. Инвестиция жараёнининг асосий категориялари ва уларнинг ўзаро бири-бирига боғлиқлигидан келиб чиқиб, тизимли ёндашув асосида автомобиль транспорти корхоналарида инвестициявий жараёнларни ташкил этишга элементларнинг ўзаро алоқадорликдаги структуравий механизми таклиф этилди.

II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ТИЗИМИДА ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТНИНГ ЖОРИЙ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ ВА УНИ ФАОЛЛАШТИРИШ ИМКОНИАТЛАРИНИ БАҲОЛАШ

2.1 §. Республика транспорт тизимида жалб этилган инвестициялар натижадорлигини регрессион таҳлил асосида баҳолаш

Инвестициялар ва уларни амалга ошириш учун амалий тадбирлар, миллий иқтисодиёт ва унинг тармоқлари инвестицион фаолияти куйидагилар билан тавсифланади:

– инвестицион жараёнларнинг юқори даражадаги динамиклиги ва уни бошқаришда муҳим қарорларни шакллантиришнинг мураккаблиги;

– тармоқ фаолиятининг умумиқтисодий тизим билан интеграциялашуви ҳамда унинг ривожланиш стратегик мақсадларига йўналтирилганлиги.

Ушбу тамойиллар асосида қурилган самарали инвестицион фаолият иқтисодий тизим ва унинг тармоқлари корхоналари ривожланишининг юқори даражаси ва инвестицион фаолиятнинг зарур якуний натижаларига эришиш имконини беради. Инвестицион фаолият бошқарувининг асоси - реал инвестициялар ва инвестицион ресурсларни шакллантиришни ташкил этиш ва бошқаришдан иборатдир.

Монография ишимизда турли концепцияларни талқин қилиш ва инвестицион фаолиятни ва транспорт комплекси фаолиятини баҳолаш бўйича мавжуд ёндашувларни ўрганиш асосида ушбу жараённинг концепциялари, кетма-кетлиги ва ўзаро боғлиқлигини акс эттирадиган ва аниқлайдиган таҳлил қилиб, уни баҳолаш усуллари ишлаб чиқиш талаб этилади.

Иқтисодий адабиётларда тавсия этилган баҳолашнинг мавжуд кўплаб индикаторлар тизими иқтисодиёт ва унинг тармоқлари

инвестицион жозибаторлигини ва инвестиция салоҳиятини объектив ва тўлиқ баҳолаш имкониятини беради, давлат ва хусусий инвесторлар томонидан муҳим бўлган қарорларни қабул қилиш учун шароитлар яратади.

Иқтисодиёт соҳаларининг ривожланиш дастурлари ва уларнинг инвестициявий омиллари самарадорлигини баҳолашнинг амалдаги усулларини ва уларни қўллаш жараёнида аниқланган мавжуд камчиликларни ҳисобга олган ҳолда, дастурий вазифаларни бажариш учун зарур бўлган якуний натижалар ва ресурс сарфи учун фаолият кўрсаткичлари тизимининг етарли даражада ривожланмаганлигини таъкидлаш ўринли деб ҳисоблаймиз. Амалда, бирор бир иқтисодиёт тармоғининг ривожланиш дастурларини кўриб чиқиш, молиявий ва моддий-техника ресурсларига бўлган эҳтиёжини баҳолаш, турли хил ишлаб чиқариш воситаларига бўлган эҳтиёжни етарли даражада аниқ ҳисоблаш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш жараёнида ноаниқликлар ҳам келиб чиқиши мумкин. Шунинг учун қўлланилаётган методологик воситалар соҳани ривожлантириш дастурларини шакллантиришга муҳим манба бўлиб хизмат қилиши керак.

Транспорт тизими фаолиятининг ривожланишини таҳлил қилиш ва унинг мамлакат иқтисодиёти ривожланишидаги ўрнини баҳолашга оид кўплаб изланишлар хорижий ва мамлакатимиз олимлари томонидан амалга оширилган бўлиб, уларда транспортда ташиш қонуниятларининг шаклланишини ва уни бошқариш усулларини тадқиқ этиш, нафақат тармоқ учун, балки иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари учун ҳам муҳим аҳамиятга эгалиги етарлича асослаб берилган.

Мамлакатимиз транспорт тизими автомобиль, темир йўл, ҳаво ва қувур транспортларидан ташкил топиб, автомобиль транспорти юк ва йўловчи ташиш бўйича етакчи транспорт тури ҳисобланади. 2019 йилда транспортнинг барча турлари бўйича юк ташиш 1318,9 млн. тонна ёки ўсиш суръати 106,1 фоизни ташкил этган. Шундан Автомобилда юк ташиш 1176,8 млн. тонна (ўсиш суръати 106,8%), ҳаво йўлида юк ташиш 9,6 минг тонна (ўсиш суръати 73,6%), қувур

йўлида юк ташиш 72,0 млн. тонна (ўсиш суръати 99,4%) ҳамда темир йўлида юк ташиш 70,1 млн. тонна (ўсиш суръати 102,5%)га тўғри келади⁵⁵.

Транспорт хизмати бозорида автомобиль транспорти айнан мобиллиги ва юкни «эшиқдан эшиқкача» етказиб бериш қобилияти билан қисқа масофаларга кичик ҳажмли юкларни ташишда устунликка эга ҳисобланади. Айниқса иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва савдо соҳаларида автомобиль транспорти бошқа транспорт турларига нисбатан ютуққа эгадир.

Шунинг 2019 йилда транспорт турлари бўйича юк айланмаси таркибида автомобиль транспортининг улуши 22,2 фоизни ташкил этиб, темир йўл транспортига 32,2 фоиз, қувур таранспортига 45,4 фоиз ва ҳаво транспортига эса 0,2 фоиз тўғри келади⁵⁶.

Иқтисодий ўсиш даражасини аниқлашда одатда ялпи ички маҳсулотнинг ўсишига эътибор қаратилади. Асосий макроиқтисодий кўрсаткич ҳисобланган ЯИМнинг ўсишига иқтисодиёт тармоқларининг бир меъёрда ривожланиши, экспортнинг ўсиши, маълум даражада ички ижтимоий барқарорликнинг сақланиши каби омиллар билан бир қаторда асосий капиталга инвестицияларнинг кўпайиши ҳам бевосита таъсир кўрсатади.

Биз ҳам ушбу анъанага содиқ қолиб, иқтисодиёт қонуниятларини ўрганишда миқдор ва сифат таҳлилларини кўллаймиз.

Назария учун албатта сифат таҳлили бирламчи ҳисобланиб, бунда абстракт фикрлаш орқали иқтисодий ҳодисаларнинг моҳияти, уларга хос қонун ва таснифлар назарий жиҳатдан асосланади. Миқдор таҳлилида иқтисодий ҳодисаларнинг миқдорий ўлчами, кўрсаткичлари асос қилиб олинади ва математик усуллар билан ҳисоблаб чиқилади⁵⁷.

Монографияимиз вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, республика миқёсида асосий капиталга сарф этилган инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотга, сўнгра транспорт тизимига жалб этилган

⁵⁵ Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. XI. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА, -Т. 2019. -293 б.

⁵⁶ Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. XI. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА, -Т. 2019. -297 б.

⁵⁷ Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси: ноиқтисодий ўқув юртларига дарслик. -Тошкент: Мехнат, 1995. - 38 б.

инвестицияларнинг ушбу тармоқда яратилган ялпи кўшилган қийматига таъсири даражасини кўриб чиқамиз. Яъни соҳада инвестициялар самарадорлигига умумиктисодий нуқтаи назардан сифат жиҳатдан баҳо беришга ҳаракат қиламиз.

Бунинг учун иқтисодий таҳлилда кенг фойдаланиладиган корреляцион таҳлилдан фойдаланамиз. Унда республикамиз бўйича ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг ўсиш суръатига асосий капиталга киритилган ҳамда транспорт тизимига жалб этилган инвестицияларнинг таъсирини баҳолаймиз ва қуйидаги чизикли тенгламадан фойдаланамиз :

$$Y = ax + b \quad (2.1)$$

бу ерда: Y – натижавий белги;

x – омил белгиси;

b – озод ҳад;

a – регрессия тенгламасининг коэффиценти.

Регрессия тенгламасининг параметрларини аниқлаш учун Microsoft Excel стандарт дастуридан фойдаланамиз (2.1-жадвал ҳамда 2.2-жадвалга қаранг).

2.1-жадвалнинг 3 устундаги ЯИМ (Y) ҳажмига 7-устундаги асосий капиталга инвестицияларнинг (x) таъсирини баҳолаймиз:

$$Y = 15333,2 + 2,568X; R^2 = 0,93 \quad (2.1)$$

2.1-регрессия тенгламасидан кўриниб турибдики, 2010-2019 йиллар оралиғида 2019 йил баҳоларидаги ЯИМ ва инвестициялар ўртасида боғлиқлик даражасининг жуда кучли эканлигига гувоҳ бўламиз. Детерминация коэффиценти $R^2 = 0,93$ ҳам буни исботлаб турибди. ЯИМнинг мутлақ миқдорда ўсишини асосий капиталга инвестициянинг мутлақ миқдорда ўсишига солиштирилганда ўртача таҳлил қилинаётган даврда 2,568 коэффицентга тенг бўлган, яъни асосий капиталга инвестициянинг бир бирликка ошиши ЯИМнинг 2,568 бирликка ошишига олиб келган.

2.1-жадвалнинг 3- ва 9-устунларидан фойдаланиб, транспорт тизимига жалб этилган инвестицияларнинг ЯИМга таъсирини баҳолаймиз:

2.1-жадвал
Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти ва асосий капиталга киритилган инвестициялар динамикаси⁵⁸

№	Йиллар	ЯИМ, млрд. сўм.		ЯИМда транспорт ва алоқа, млрд. сўм		Асосий капиталга инвестициялар, млрд. сўм		Транспорт ва алоқа соҳаси асосий капиталига инвестициялар, млрд. сўм	
		2019 йил баҳосида	Ўсиш суръати, %	2019 йил баҳосида	ЯИМда транспорт ва алоқа улуши, %	2019 йил баҳосида	Ўсиш суръати, %	2019 йил баҳосида	Ўсиш суръати, %
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1.	2010	242052,4	108,5	28465,4	11,8	42346,3	107,9	12365,1	29,2
2.	2011	262142,8	108,3	31195,0	11,9	46242,1	109,2	10913,1	23,6
3.	2012	283638,5	108,2	34320,3	12,1	51606,2	111,6	9443,9	18,3
4.	2013	306329,6	108,0	37004,6	12,1	56663,6	109,8	14732,5	26,0
5.	2014	321646,1	105,0	37471,8	11,7	62839,9	110,9	8986,1	14,3
6.	2015	347056,1	107,9	38696,8	11,2	68872,6	109,6	8746,8	12,7
7.	2016	368573,6	106,2	38700,2	10,5	75484,3	109,6	9058,1	12,0
8.	2017	387739,4	105,2	32182,4	8,3	90883,1	120,4	8452,1	9,3
9.	2018	407514,1	105,1	29830,0	7,3	107333,0	118,1	7942,6	7,4
10	2019	511838,1	105,6	33834,2	6,6	189924,3	133,9	9145,1	4,8

⁵⁸ Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-киتاب қилинган.

2.2-жадвал
 Ўзбекистон Республикаси транспорт тизими фаолияти кўрсаткичлари динамикаси⁵⁹

№	Йиллар	Умумий ташилган юк ҳажми		Умумий юк айланмаси		Умумий ташилган йўловчи ҳажми		Умумий йўловчи айланмаси	
		млн. тн.	ўсиш суръати, %	млн. тн.	ўсиш суръати, %	млн. йўл.	ўсиш суръати, %	млн. йўл.км	ўсиш суръати, %
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1.	2010	796,6	109,9	50133,4	100,0	4225,7	106,2	86787,1	109,0
2.	2011	865,9	108,7	53542,5	106,8	4475,1	105,9	94337,6	108,7
3.	2012	912,6	105,4	57611,7	107,6	4734,6	105,8	101696,0	107,8
4.	2013	952,8	104,4	57957,4	100,6	4933,5	104,2	107899,4	106,1
5.	2014	1000,4	105,0	59870,0	103,3	5170,3	104,8	114157,6	105,8
6.	2015	1051,5	105,1	62085,2	103,7	5356,4	103,6	120664,6	105,7
7.	2016	1104,0	105,0	65127,4	104,9	5549,2	103,6	125853,1	104,3
8.	2017	1144,9	103,7	66755,5	102,5	5676,9	102,3	130006,3	103,3
9.	2018	1209,0	105,6	70560,6	105,7	5813,1	102,4	134426,5	103,4
10.	2019	1318,9	106,1	72903,1	102,2	6109,4	102,7	140897,5	104,1

⁵⁹ Ўзбекистон Республикаси давлат статистика кўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-киتاب қилинган.

$$Y_1=492485,8-16,61X_1; \quad R^2=0,42 \quad (2.2)$$

2.2-ифодадан кўриниб турибдики сўнгги йилларда транспорт тизимига жалб этилаётган инвестициялар ҳажми йилдан-йилга камайиш тенденциясига эга бўлиб, унинг ялпи инвестициялар ҳажмидаги улуши эса барқарор кўринишга эга эмас. Шунинг учун ЯИМ ва транспорт тизимига жалб этилаётган инвестициялар ҳажми ўртасидаги боғлиқлик сўнгги ўн йилликда кучли эмас, яъни детерминация коэффиценти $R^2=0,42$ ҳам буни кўрсатиб турибди.

Бироқ, бу билан транспорт тизимига жалб этилаётган инвестициялар самарадорлиги пасайган деган хулоса қилиш тўғри бўлмайди. Чунки, 2010 йилларга келиб транспорт тизимининг асосий капиталига инвестициялар максимал даражага етказилган, иқтисодий талаб этадиган даражага уларнинг қуввати етказилган. Т.Қодиров⁶⁰ томонидан 1995-2008 йиллар оралиғида олиб борилган изланишлар буни яққол кўрсатиб турибди. Ўша даврларда ялпи инвестициялар ва транспорт тизимига сафланган инвестициялар ЯИМнинг ўсишига кучли таъсир ўтказган. Биз тадқиқот натижаларини 2010-2019 йиллар оралиғида ЯИМ, асосий капиталга киритилган инвестициялар, транспорт ва алоқа кўрсаткичларини 2019 йилдаги баҳоларда аниқлаб чиққанмиз.

Сўнгги йилларда автомобиль транспорти корхоналарининг инвестициялар ҳажмининг турғунлиги ёки бир оз пасайишини кўплаб автотранспорт корхоналари учун молиявий манбаларнинг етишмаслиги деб тушунтириш мумкин.

Автотранспорт корхоналарини молиялаштиришнинг чекланган манбалари қуйидаги омиллар билан боғлиқ:

– аксарият маъсулияти чекланган жамиятлар ёки яқка тартибдаги тадбиркор шаклида фаолият юритаётган автомобиль транспорти операторлари ҳуқуқий шаклларининг хусусиятлари, уларга устав капиталидан фойдаланишга имкон бермайди;

⁶⁰ Қодиров Т.У. Автомобиль транспорти рақобатбардошлиги: ташкилий-иқтисодий механизмлар. Монография. –Т.: Янги аср авлоди, 2013. – 86 б.

– автотранспорт корхоналарининг аксарияти кичик бизнесга таалуқли эканлиги уларнинг потенциал инвесторларнинг назарида инвестицион жозибадорлигини пасайтиради;

– маҳаллий автосаноат корхоналарининг кредит, молия ва валюта бозорларидаги ўзгаришларга боғлиқлиги, улар ишлаб чиқарган транспорт воситаларидан фойдаланаётган корхоналарда инвестиция жамғармаларини шакллантириш имкониятини пасайтиради;

– кичик транспорт операторларида иш ҳақини тўлаш учун молиявий имкониятларнинг етишмаслиги сабабли инвестициялар соҳасида малакали мутахассисларни ёллашнинг имкони пастлиги.

Бундан ташқари, ташқи омиллар автомобиль транспортининг инвестицион жозибадорлигига ҳам таъсир қилади, жумладан:

– автотранспорт фаолиятининг транспорт ва йўл инфратузилмаси ҳолатига боғлиқлиги, яъни. йўл сиртининг сифати, йўл тармоқлари ва магистрал йўлларнинг мавжудлиги ва бошқалар;

– автомобиль транспорти корхонасининг асосий воситалари автомобиль-ҳайдовчи-йўлнинг комбинациясида транспорт хавфсизлигининг қўшимча омилларини келтириб чиқаради, кутилмаган йўқотишлар ва харажатларга олиб келади;

– соҳани маъмурий ва қонуний тартибга солишнинг қатъий меъёрлари, давлат томонидан доимий равишда янги стандартларни жорий этилиши қўшимча молиявий юкламаларни келтириб чиқаради ва транспорт операторларининг инвестицияларга бўлган қизиқишини камайтиради;

– автотранспорт корхоналарининг хизмат кўрсатиш соҳасига тегишлилиги, транспорт оқимларини режалаштириш ва тақсимлаш истеъмолчиларнинг талабларига боғлиқлиги ва бошқалар⁶¹.

Ушбу сабабларга кўра, аксарият транспорт операторлари инвестициясиз ривожланиш моделларидан фойдаланмоқдалар, бу мавжуд асосий воситалардан фойдаланиш ҳисобига кўрсатиладиган хизматлар ҳажмининг ошишини англатади.

⁶¹ Мухитдинова К.А. Транспорт тармоғига инвестицияларни жалб қилиш: ҳозирги ҳолати ва истикболлари. // Молия. 2012. –№2. –Б.64-70

Шунингдек, автотранспорт корхоналарининг асосий фондларига инвестиция киритиш учун зарур шароитларнинг йўқлиги ва турли ҳудудларда ёқилғининг тежамкор турларига ўтишнинг турлича имкониятлари ҳам ўз таъсирини кўрсатади.


Транспортнинг иқтисодий аҳамиятини баҳолашда «миллий иқтисодиётдаги транспорт юки» (ТЮ) солиштирма кўрсаткичини баҳолаш алоҳида қизиқиш ўйғотади. Мазкур кўрсаткич иқтисодиёт тармоқларида ишлатилувчи ресурсларни, тайёр маҳсулотларни ташиш, ортиш-тушириш, уларнинг йўлда бўлиши билан боғлиқ харажатларнинг барчасини қўшиб ҳисоблаганда ҳосил бўлувчи умумий сарф-харажатнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотига нисбатини ифодалайди.

Мамлакат иқтисодиётида транспортнинг ўрнини баҳолаш имкониятини берувчи кўрсаткичлардан яна бири, бу иқтисодиётнинг юк сўғими кўрсаткичидир. Бу кўрсаткич дунё амалиётида юк айланмасининг ЯИМга нисбати кўринишида аниқланиб, унинг камайиб бориш анъанасига эга бўлиши эса иқтисодиёт учун ижобий ҳол саналади⁶².

Иқтисодиёт транспорт юкини аниқлашнинг бу усулида транспорт турларининг ташиш жараёнидан олувчи даромадлари йиғиндисини мамлакат иқтисодиёти тармоқларининг транспорт хизматларига қилган харажати деб қараш мумкинлиги эътироф этилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, миллий иқтисодиётнинг юк ва йўловчи сўғими сўнгги ўн йилликда ижобий пасайиш тенденциясига эга бўлиб, мос равишда 0,207 дан 0,173 га ҳамда 0,359 дан 0,330 гача пасайган. Демак транспорт тизимида инвестициялар бевосита иқтисодиётнинг юк ва йўловчи сўғимини пасайтиришга таъсир ўтказган (2.1-расмга қаранг).

⁶² Равшанов М.А. Йўл-транспорт мажмуаси иқтисодий салоҳияти. Муаммо ва ечимлар. – Т.: Фзбекистон миллий энциклопедияси, 2012. – 209 б.



2.1-расм. Республика иқтисодиёти юк ва йўловчи сифими кўрсаткичининг ўзгариши динамикаси⁶³

Олиб борган таҳлилларимиз шуни кўрсатадики, транспорт иқтисодиётининг ривожланиши, унинг ўсиши ва глобаллашуви сифат жиҳатдан таркибий, ўзгаришлари унинг асосий хусусиятларига сифатли ва миқдорий ўзгаришларни таъминлайдиган инвестицион жараёнларнинг таркиби ва мазмуни билан белгиланади. Соҳанинг инвестиция жараёнларини фаоллаштириш ва инқироз ҳолатларини бартараф этишда инвестицияларни жалб қилиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг аҳамияти улардан мақсадли йўналишларда фойдаланиш нуқтаи назаридан манбаларни шакллантириш жараёнларини ўрганишнинг методологик аҳамиятини белгилайди.

Транспорт тизимини модернизациялаш ва инновация шароитлари бир томондан, иқтисодий ўзгаришларнинг умумий ҳолатини белгиловчи глобал тенденциялар бошқа томондан модернизация жараёнларининг ўзига хос шартлари билан тавсифланади. Бу баъзан ягона миллий транспорт хизматлари бозори шароитида транспорт турлари ва ҳудудлар миқёсида модернизация жараён-

⁶³ Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишланган.

ларининг барқарорлигига қарши қарама-қарши таъсирларни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Бу ҳолат транспорт тизимида бошланган модернизация жараёнларининг анъанавий ва янги рағбатлантирувчи омилларини аниқлаш ва мақсадли ўрганиш ва глобал иқтисодий интеграция шароитида уларни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ илмий асосланган тадбирларни ишлаб чиқишни тақозо этади.

Ўзбекистонда автомобиль транспортининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш тенденцияларининг тизимли таҳлили шуни кўрсатдики, уни модернизациялашда бир қатор муаммолар мавжудлигини истисно этиб бўлмайди, хусусан:

– асосий воситаларнинг (инфратузилма ва ҳаракатдаги таркибининг) юқори даражадаги эскириши техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш учун катта харажатларни талаб қилади, транспорт тизимининг технологик барқарорлиги пасайиши хавфини туғдиради ва инвестицияларга жиддий эҳтиёжни белгилайди⁶⁴;

– автомобиль транспорти самарадорлиги даражаси, хизматлар сифати ва кўлами замонавий талабларга тўлиқ жавоб бермайди;

– автомобиль транспорти фаолиятини тарифларни тартибга солиш нуқтаи назаридан, айрим турдаги юк ва жамоат транспортида йўловчиларни ташишда давлат томонидан тартибга солиш тизими етарли даражада самарали эмас (юк ва йўловчилар ташишининг айрим турларини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий база такомиллашмаган);

– айрим турдаги ташишларнинг юқори рентабеллиги ҳисобига кам даромадли йўловчилар ташишни ўзаро субсидиялаш тизимининг мавжуд эмаслиги.

Автомобиль транспортининг самарали ишлашини таъминлаш ҳаракат таркиби паркларини янгилаш, йўл инфратузилмасини модернизация қилиш ва мустаҳкамлаш, юк ва йўловчи терминаллари, алоқа ва ахборот таъминоти, халқаро йўлакларни

⁶⁴ Мухитдинова К.А. Транспорт тармоғига инвестицияларни жалб қилиш: ҳозирги ҳолати ва истиқболлари. // Молия. 2012. – №2. – Б.64-70

модернизация қилиш, транспортни бошқариш тизимини такомиллаштириш учун катта сармояни талаб қилади.

Автомобиль транспорти хизматлари кўрсатишнинг юқори даражасига эришиш ва уни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат:

– автомобиль йўллари ва йўл олди инфратузилмасини ривожлантириш;

– ҳаракатланувчи таркиб паркени янгилаш ва тўлдириш;

– ҳаракатланувчи таркибдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

– халқаро транспорт йўлакларидан самарали фойдаланиш;

– соҳани ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар ва инновацион ишланмалар кўламини кенгайтириш⁶⁵;

– автомобиль транспортининг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш;

– транспорт самарали кадрлар ва ижтимоий сиёсатни юритиш;

– рақамли транспорт, яъни интеллектуал транспорт тизимларидан фойдаланиш.

Автомобиль йўллари инфратузилмасини ривожлантириш қуйидагиларни кўзда тутиши лозим:

– тезюрар автомагистралларни қуриш ва мавжудларини тиклаш;

– янги юк ва йўловчи терминаллари, станцияларни қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш;

– замонавий рақамли алоқа тизимларидан фойдаланиш;

– транспорт воситалари ҳаракатини бошқариш функциясини автоматлаштириш;

– транспорт тизимларининг хавфсизлик функцияларини кенгайтириш;

– логистика марказларини янада ривожлантириш, улар асосида бошқа транспорт турлари билан самарали ҳамкорликни ташкил этиш;

⁶⁵ Мухитдинова К.А. Транспорт тармоғига инвестицияларни жалб қилиш: ҳозирги ҳолати ва истиқболлари. // Молия. 2012. –№2. –Б.64-70

– автомобиль йўллари қурилишида замонавий, тежамкор маҳаллий материаллар ва иншоотлардан фойдаланиш;

– рақамли йўллар майдонларининг узунлигини ошириш.

Шу муносабат билан, транспорт тизимини юқори даражада инвестициялашни ташкил этиш талаблари глобал тизим билан солиштирганда тезроқ суръатларда актуаллашиб бормоқда. Бу янги инновацион ривожланиш тамойилларига мос келадиган ва транспорт комплексини модернизациялаш, унинг такрор ишлаб чиқариш салоҳиятини рағбатлантириш учун инвестициялардан самарали фойдаланишнинг янги механизмларини жорий этиш бўйича лойиҳаларга сармояларни жалб қилишга қаратилган инвестиция сиёсатининг янги воситалари ва усулларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масаласини кўяди.

Транспорт секторини модернизация қилиш лойиҳаларига йўналтириладиган инвестицияларнинг сифат параметрларини бошқаришга мослаштирилган механизмни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш асосан мезо-иқтисодий кўрсаткичлар билан белгиланади, шунинг учун ўрганилаётган муаммонинг ушбу йўналишини эътиборга олиш муҳимдир.

Улар қуйидаги вазифаларни ҳал этишга қаратилмоғи лозим:

– автомобиль транспорти корхоналарини модернизациялашга йўналтириладиган инвестицияларнинг тизимли хусусиятларини ўрганишнинг услубий асосини такомиллаштириш;

– автомобиль транспортда инвестицион жараёнларнинг хусусиятларини аниқлаш;

– автомобиль транспортга жалб этиладиган инвестицияларнинг таркиби ва сифат кўрсаткичларини аниқлаш услубларини ишлаб чиқиш;

– автомобиль транспортда инвестиция жараёнлари самарадорлигини баҳолаш услубларини ишлаб чиқиш;

– автомобиль транспорти корхонасининг инвестицион салоҳиятини тавсифлаш ва баҳолашнинг услубий дастакларини шакллантириш ва бошқалар.

2.2 §. Автомобиль транспорти корхоналарини инвестициялаш манбаларини таҳлил қилиш ва баҳолаш

Ривожланган индустриал мамлакатларнинг тажрибаси кучли рақобат муҳити ва инновациялар яратишга йўналтирилган ҳамда ички ва халқаро интеграцион алоқаларга таянган ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг принципал янги моделларини қўллаш заруриятини кўрсатмоқда.


Бозор муносабатлари тизимида транспортнинг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти истеъмол қилинадиган ресурсларнинг ҳар хил турларини товар маҳсулотига ўзгартириш жараёни сифатида қаралади, ушбу ҳолатда эса молия-иқтисод кўрсаткичлари билан миқдорий ўлчанадиган ва баҳоланадиган транспорт хизматлари сифатида қабул қилинади⁶⁶.

Автомобиль транспорти хизматлари жамғариш имкониятининг йўқлиги транспорт операторларидан доимий равишда қўшимча ташиш қобилиятига эга бўлиши, фаолият натижаларининг бевосита йўл тармоқлари ва табиий омилларга боғлиқлиги соҳада истиқболли ва асосий фондларни қайта тиклаш жараёнини режалаштиришни мураккаблаштиради. Чунки, автомобиль транспортида фонд сифими юқори ҳисобланиб, бу кўрсаткич саноатнинг мос кўрсаткичларидан 4-5 мартаба каттадир. Транспорт хизматини яратишда хом ашёнинг деярли мавжуд эмаслиги фонд билан қоплаш таркибида ўз аксини топади. Соҳада ишлаб чиқариш фондлари таркибида айланма маблағлар 7-10 фоизни ташкил этса, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ушбу кўрсаткич ўртача 25 фоизгача етади. Автомобиль транспорти хизматлари таннархида амортизация ажратмалари 30 фоизгача этса, саноат тармоқларида 7-10 фоизни ташкил этади. Бундан кўриниб турибдики, автомобиль транспорти фаолиятида асосий фондлар такрор ишлаб чиқариш жараёнига катта таъсир кўрсатади⁶⁷.

⁶⁶ Вязова Г.А., Барчуков А.В. Экономическая оценка источников инвестиций на транспорте. // Финансы: Теория и Практика. 2011. –№. 4. –С. 34

⁶⁷ Кодиров Т.У. Методические подходы к определению объема инвестиций на подвижной состав автомобильного транспорта и оценке их эффективности. // Экономическое возрождение России. –СПб, 2012. –№2. –С.185-188.

Автомобиль транспорти корхоналарига инвестицияларни жалб этишнинг манбаларини баҳолаш учун энг аввало унинг хизматига бўлган талабни ҳам кўриб чиқиш керак бўлади (2.2-расмга қаранг). Шундан келиб чиқиб инвестициялаш объекти аниқланади ва уни молиялаштириш учун манбалар баҳоланади.



2.2-расм. Автомобиль транспорти корхонасининг инвестицияга бўлган эҳтиёжини аниқлашнинг такомиллаштирилган модели⁶⁸

⁶⁸ Муаллиф ишланмаси.

Бу борадиги адабиётларнинг⁶⁹ таҳлили шуни кўрсатдики молиялаштиришнинг манбаларни жалб қилишида манфаатдор томонларнинг ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий-молиявий ўзаро узвий боғлиқ масалалари етарли даражада ҳал қилинмаган.

Тармоққа инвестицияларни жалб этиш такрор ишлаб чиқариш босқичларига мувофиқ асосий ишлаб чиқариш фондларини яратишга ҳамда асосий воситалардан такрор ишлаб чиқаришда фойдаланишга сарфланади.

Мазкур ишимизнинг мақсадидан келиб чиқиб, транспорт хизматларини кўрсатишнинг асосий воситаси ҳаракатдаги таркибни янгилашни молиялаштиришнинг потенциал эҳтимолли манбаларини таҳлил қилиш, автомобиль транспорти корхоналари молиявий имкониятлари ва иқтисодий ҳолатидан, транспорт воситалари бозори конъюктурасидан келиб чиқиб, уларнинг мақбул вариантини асослаб беришни маъқул деб топдик.

Уларни танлашда қуйидаги гуруҳлардан иборат омиллар мавжуд: техник, иқтисодий, географик ва ижтимоий. Корхонада маълум хусусиятларга эга ҳаракатдаги таркибнинг мавжудлиги уларнинг хавфсизлиги ҳамда техник хусусиятларига (ўққа юклама, габарит ўлчамлари, қўшимча қурилмалар ва ҳ.к.) тегишли талаблар шаҳарлараро ва ҳудудлараро ташишлар соҳасида хизмат кўрсатилганда айниқса муҳимдир⁷⁰.

Таҳлил шуни кўрсатдики, фойдаланилаётган ҳаракатдаги воситалар таркибининг катта қисми маънавий эскирган ва транспорт эксплуатациясининг замонавий шароитларига мос келмайди, бу эса барча турдаги емирилишни бартараф қилишни молиялаштириш,

⁶⁹ Царев Р. Экономика промышленных предприятий транспорта: учебник. – М.: Транспорт, 1997. – 54 с.; Бычков В.П. Предпринимательская деятельность на автомобильном транспорте: перевозки и автосервис. – М.: 2009. – 57 с.; Иванов В.В., Богаченко П.В. Автомобильный менеджмент. – М.: ИНФА-М, 2009. – 43 с.; Волгин В.В. Автомобильный дилер: Практик. пособие по маркетингу и менеджменту. – М.: Ось-89, 1997. – 80 с.; Қодиров Т.У. Автомобиль транспорти тизимини самарали инвестициялашнинг иқтисодий механизмлари: Иқт. фан. ном. дисс. –Т.; ТАЙИ, 2008. –133 б; Равшанов М.Н. Юк автомобиль транспорти хизмати кўрсатишда баҳо белгилашнинг бозор механизмини шакллантириш (автомобиль транспорти мажмуасининг ҳудудий бирлашмалари мисолида): Иқт. фан. ном. дисс. – Т.: ЎзФА ИИ, 2002. – 147 б.; Саматов Г.А. Бизнес план развития предприятий автомобильного транспорта. Учебное пособие. – Ташкент: Консаудитинформ, 2011. –33 б.; Саматов Г.А., Равшанов М.Н., Қодиров Т.У., Шукурова М.Ш., Туйчиев А.М. Транспорт рақобатдошлигини таъминлашнинг услубий жиҳатлари. Монография. “Янги аср авлоди”; Тошкент – 2013. –56 б.

⁷⁰ Волков Б.А. Экономическая эффективность инвестиций на железнодорожном транспорте в условиях рынка. – М.: Транспорт, 1996. – 191 с.

инфратузилма ва ҳаракатдаги таркибни капитал таъмирлаш харажатларини режалаштириш ва ташкил қилиш тизмини такомиллаштириш асосида мақбуллаштириш зарурлигини тақозо этади. Бундан ташқари, чекланган молиявий шароитда асосий ишлаб чиқариш воситаларининг эскиришини ҳисобга олган ҳолда фойдаланишда иқтисодий самарага эришиш учун нафақат эски фонд ресурсларини тиклаш, балки замонавий тавсифларга эга янгиларни харид қилиш талаб этилади.

Транспортда ҳаракатдаги таркибни харид қилиш ва унинг иш қобилиятини таъминлашда турли стратегиялар қўлланилади. Бунда стратегияни танлаш бир қатор омиллар билан асосланади: бирламчи ва иккиламчи бозорларда ҳаракатдаги таркиб баҳоси, сервис хизматларига сарф-харажатлар, ҳаракатдаги таркиб бўйича амортизацияни белгилашнинг мавжуд тартиби, ёқилғи ва эксплуатацион материаллар баҳоси, инфляция даражаси (фоиз ставкалари), ишлаб чиқарилаётган ҳаракатдаги воситаларнинг эксплуатацион ишончилиги даражаси бунга мисол бўлади⁷¹.

Аммо инвестициялаш манбаини танлашда ҳаракатдаги таркибни харид қилиш вариантларининг камчиликлари ва афзалликларини баҳолаш орқали улардан бири танланиб, инвестицион лойҳаларнинг иқтисодий кўрсаткичлари аниқланади (2.3-расмга қаранг).


Ҳаракатдаги таркибни сотиб олишни инвестициялашнинг бир неча эҳтимолли вариантларини кўриб чиқиш ҳамда энг мақбулини ва иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайдиган вариантни танлаш зарур.

Жаҳон амалиётида ҳаракатдаги таркибни сотиб олмоқчи бўлган корхоналар куйидаги эҳтимолли вариантлардан бирини танлашлари мумкин:

- ўз маблағлари;
- жалб қилинган маблағлар (кредит ресурслари);
- лизинг;
- ҳамкорликда молиялаштириш⁷².

⁷¹ Царев Р. Экономика промышленных предприятий транспорта: учебник. – М.: Транспорт, 1997. – 254 с.

⁷² Лапидус Б.М. Экономические проблемы управления железнодорожным транспортом России в период становления рыночных отношений (системный анализ). – М.: МГУ, 2000. – 288 с.



2.3-расм. Автомобиль транспорти корхонаси ҳаракатидаги таркибга жалб этиладиган инвестициялаш манбаларининг қиёсий таҳлили⁷³

Мамлакатимизда мавжуд конъюнктура шароитида, ҳаракатдаги таркибга эҳтиёж сезаётган транспорт операторлари уни қуйидаги йўл билан сотиб олишлари мумкин:

⁷³ Муаллиф ишланмаси.

– ўз маблағлари ҳисобидан (тўпланган амортизация ва тақсимланмаган фойда ҳисобига);

– банк кредити ҳисобига;

– лизинг берувчи балансида лизинг объекти бўлишини ҳисобга олган ҳолда молиявий ижара шарти билан;

– лизинг олувчи балансида лизинг объекти бўлишини ҳисобга олган ҳолда молиявий ижара шарти.

Ҳаракатдаги таркибни янгилаш вариантини танлашда қиёсий таҳлилда асосланган юқорида келтирилган таклифлардан фойдаланиш мумкин.

Қарор қабул қилишда хўжалик юритувчи субъектнинг техник-иқтисодий ҳолати, айланма капиталнинг ҳажми, кафолат берувчилар ҳамда гаров учун ишлаб чиқариш фондларининг мавжудлиги инобатга олинади.

Молиялаштиришнинг рационал манбаини танлаш мезони сифатида ҳаракатдаги таркибдан фойдали эксплуатация муддатига тенг ҳисоб-китоб даври ичида келтирилган харажатлар минимуми қабул қилинади. Келтирилган харажатлар мезон сифатида танланишига сабаб инвестицияларда эҳтиёжга эга хўжалик юритувчи субъект учун кўриб чиқиладиган муқобил вариантлар бўйича ўзгарувчи пул оқимлари талаб қилинган молия ресурслар кўпайиши ёки камайишини билдиради, бу эса тўловлар умумий ҳажмини камайтирувчи ишлаб чиқариш активларини янгилашнинг мақбул варианты эканлигини билдиради.

Бухгалтерлик ва солиқ амортизациясини ҳисоблаш даврида фарқлар топилганда даромад солиғи бўйича ҳисоб-китобларни тартибга солиш билан боғлиқ пул оқимининг қўшимча таҳлили талаб этилиши мумкин. Келтирилган харажатларни дисконтланмаган ҳамда вақт омилини ҳисобга олган ҳолда аниқлаймиз. Молиялаштириш муқобил вариантларнинг натижаларини аниқловчи асосий омил бўлиб, фоизларни тўлаш, лизинг тўловлари, амортизация ажратмалари ва солиқларни тежаш имконияти билан боғлиқ даромад солиғи бўйича тўловларни ўзгартиришга хизмат қилади.

Транспорт иқтисодиётининг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда ҳаракатдаги таркибнинг янгилашини молиялаштириш кўриб чиқиладиган манбаларни баҳолаш бўйича тадқиқот натижалари турли шароитларда транспортда молиялаштиришнинг иқтисодий жиҳатдан бирор бир тури энг қулай манба эканлиги тўғрисидаги фикрга келишга имкон бермайди.

Агар иқтисодий конъюнктура ўзгармас деб қабул қилинса, энг мақбул кўрсаткичларга лизинг олувчида активни ҳисобга олган ҳолда молиявий лизингдан фойдаланишда эришилади, бу эса лизинг корхоналарининг манфаатларига тўғри келмайди. Иккинчи – ҳаракатдаги таркибни ўз маблағлари ҳисобидан харид қилиш, учинчи – ҳаракатдаги таркибни узоқ муддатли банк кредити ҳисобидан харид қилиш, шунингдек сўнгги ўринда - лизинг олувчи балансида лизинг объекти борлигини ҳисобга олган ҳолда молиявий ижарани қўллаш. Бундай натижалар ҳозирги вақтда мавжуд транспортда инвестицияларни молиялаштириш соҳасида иқтисодий конъюнктурасининг ўзига хосликларини акс эттирувчи шароитлар учун олинган. Кредит бўйича ставкалар, лизинг фоизи, дисконт меъёрлари ўзгартирилганда инвестицияларни молиялаштиришнинг муқобил вариантларини табақалаш бошқача кўриниш олиши мумкин. Таъкидлаш лозимки, транспорт соҳасини техник қайта жиҳозлаш ва инфратузилмани молиялаштиришда тегишли муаммоларни ечиш учун яратилган амортизация фонди муҳим роль ўйнайди ҳамда саноатга нисбатан анча фонд сигимини кўпроқ талаб қилади, шунингдек молиявий лизингдан оммавий фойдаланиш молиялаштиришнинг ушбу манбаи муҳимлигини пасайтириб юбориши мумкин.

Ҳозирги вақтда транспорт тизимида мавжуд молиялаштиришнинг манбалари кам сонли бўлиб, энг асосийлари ўз маблағларидан фойдаланиш ҳисобланади. давлатнинг иштирокисиз ўз маблағлар транспортда техник қайта жиҳозлаш ва инновацион ривожланиш учун ишлатилишига сабаб уларнинг етарлиги эмас, балки бошқа манбаларнинг камлиги ёки уларни жалб қилиш имкониятининг жуда пастлиги билан изоҳланади. Инновацион ривожланишга ўтиш албатта мушкулдир, бунда давлат нафақат

унинг ташкилотчиси, балки дастлабки хавф-хатарларни камай-тириш масъулиятини инвестор билан бирга ўз зиммасига олади.

Инвестицион лойиҳанинг энг мақбул вариантини танлаш учун унинг иштирокчилари манфаатларининг мос келишлигини эътиборга олиш лозим. Шу туфайли лойиҳанинг иқтисодий мақсадга мувофиқлиги лойиҳа иштирокчилари манфаатларини ҳисобга олган ҳолда харажатлар ва натижалар нисбатини акс эттирувчи кўрсаткичлар тизими ёрдамида аниқланади. Инвестицион манбаларнинг самарадорлиги куйидагиларга ажратилади:

– тижорий самарадорлик, унда бевосита иштирокчилар учун лойиҳани амалга оширишнинг молиявий оқибатларни ҳисобга олиниб аниқланади;

– бюджет самарадорлиги – республика ва ҳудудий бюджет учун лойиҳани амалга оширишнинг молиявий оқибатларини акс эттирувчи кўрсаткич;

– иқтисодий (ижтимоий) самарадорлик – лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар ва натижалардан ташкил қилинган бўлиб, инвестицион лойиҳа иштирокчиларининг бевосита молиявий манфаатлари доирасидан чиқади ҳамда уни баҳолашга имкон бўлади⁷⁴.

Лойиҳа самарадорлигини ҳисоблаш самарадорлик кўрсаткичларининг тегишли тизими ёрдамида амалга оширилади.

Агар лойиҳа таҳлилида турли вариантлар кўриб чиқилса, муқобил баҳони иқтисод учун энг фойдали вариант бўйича баҳолаш керак. Демак, инфратузилмавий лойиҳаларни баҳолашда иқтисодиётнинг улар хизмат кўрсатувчи барча тармоқларида самаранинг барча турларини ҳисобга олиш лозим.

Натижада ҳудудий даражадаги вазифалар тижорий самарадорлик асосида, соҳа (яъни давлат) даражасидаги эса иқтисодий ва бюджет самарадорлиги нуқтаи назаридан баҳоланади.

Мамлакатимизнинг бир қатор ҳудудларида саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг махсус Давлат

⁷⁴ Мухитдинова К.А. Инвестиционная привлекательность автомобильного сектора. // Корпоратив молияни бошқаришнинг замонавий усуллари: қўлланилиш ва ривожлантириш масалалари. Рес.илм.-амал.анж. материал. тўплами. ТДИУ, 3 март 2016. –Б. 410-412

дастурлари асосида амалга оширилаётганлиги, мазкур хуудларда тайёр маҳсулот, хом ашё, ва ёқилғи-энергетика маҳсулотларини ташиш ҳажмининг ўсишини таъминлаш автомобиль йўллари тармоғини қурилишини талаб этади: қўшимча магистрал йўллар, айланма йўллар, янги йўналишларни очиш.

Бизнинг фикримизча, учта асосий лойиҳавий гуруҳни ажратиб турувчи автомобиль йўллари инфратузилмасини ривожлантиришни молиялаштиришни ташкил этишда дифференциал ёндашувни ажратиб кўрсатиш керак.

Биринчиси – ягона ижтимоий транспорт, мудофаа ва минтақавий аҳамиятга эга бўлган лойиҳалар бўлиб, улар ягона йўл-транспорт тармоғини шакллантиришга қаратилган. Ушбу лойиҳаларни молиялаштириш кўп ҳолларда давлат томонидан амалга оширилиши керак;

Лойиҳаларнинг иккинчи гуруҳи – бу мавжуд инфратузилмани модернизация қилиш ва қувватини ошириш бўйича лойиҳалар.

Ушбу лойиҳаларни молиялаштириш авваламбор, Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги, маҳаллий ҳокимликлар ва хорижий инвестициялар ҳисобига амалга оширилади.

Лойиҳаларнинг учинчи гуруҳи йирик юк ташувчилар, хусусий операторлар, қурилиш ва инвестиция компаниялари учун юқори тижорат қизиқишидаги янги инфратузилмани ривожлантириш. Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш, мақсадга мувофиқ равишда, хусусий ва давлат инвестицияларини жалб қилиш, шунингдек, давлат-хусусий шерикликнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларидан, шу жумладан яратилган йўлларни узоқ муддатли ижарага ёки имтиёзларга бериш воситаларидан фаол фойдаланишни ўз ичига олган аралаш молиялаштириш схемаси бўйича амалга оширилади. Ўзбекистон учун иқтисодий муносабатларнинг ушбу мутлақо янги форматини амалга оширишнинг ҳуқуқий асоси, транспорт вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар мутахассисларини жалб қилган ҳолда амалга оширилиши керак⁷⁵.

⁷⁵ Мухитдинова К.А. Инвестиционная привлекательность автомобильного сектора. // Корпоратив молияни бошқаришнинг замонавий усуллари: қўлланилиш ва ривожлантириш масалалари. Рес. илм.-амал.анж. материал. тўплами. ТДИУ, 3 март 2016. –Б. 410-412.

Жаҳон амалиётида давлат ва хусусий секторнинг шериклиги нафақат транспортда, балки сув таъминоти, энергия, коммунал хизмат ва бошқа соҳаларда ҳам муваффақиятли қўлланилади. Унини қўллаш натижасида давлат:

- илгари фақат давлат томонидан молиялаштирилган соҳаларга хусусий инвестицияларни жалб қилиш;

- хусусий сектордан энг яхши бошқарув кадрлари, жиҳозлари ва технологияларини жалб қилиш;

- хусусий инвестор билан давлат ўртасида харажатлар ва таваккалчиликни оқилона тақсимлаш;

- лойиҳаларни амалга ошириш вақтини қисқартириш ва бозорга йўналтирилганлиги ҳамда хусусий шерикнинг тажрибаси туфайли тўғридан-тўғри фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш.

Хусусий шерик, ўз навбатида, қуйидаги имтиёзларга эга бўлади:

- доимий талаб мавжуд бўлган транспорт хизматлари бозорига тўсиқсиз кириш имконияти;

- харажатлар ва рискларни давлат органи билан тақсимлаш;

- лойиҳанинг минимал рентабеллиги, инвестицияларнинг қисман ёки тўлиқ қайтарилишида давлат кафолатлари.

Кўриниб турибдики давлат ва хусусий сектор шерикчилигида энг муҳим жиҳат бу томонлар ўртасида рискларни мақбул даражада тақсимланишидир. Лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ техник, ишлаб чиқариш ва бозор рискларининг асосий қисмини одатда хусусий шерик қоплайди. Давлат эса сиёсий, ҳуқуқий ва макроиқтисодий хавфларни ўз зиммасига олади.

Транспорт соҳасида, автомобиль йўлларини қурилишида давлат-хусусий шериклик алоқаларини ривожлантиришнинг келгусидаги истиқболларига келсак, транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга сармоя киритишга тайёр ва манфаатдор бўлган эркин иқтисодий зоналарда фаолият олиб бораётган инвесторлар, энгил ва тўқимачилик саноати, кон-металлургия ва энергетика.,

кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш компанияларига катта умид билдириш мумкин.

2.3 §. Автомобиль транспорти корхонасининг инвестицион жозибаторлигини таҳлил қилишнинг иқтисодий модели

Замонавий корхоналар фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, инновацион ишланмаларнинг жадаллаштирилиши уларнинг инвестицион фаолиятини молиявий кўллаб-қувватлашнинг чекланган ёки етарлича ривожланмаган механизмлари шароитида инвестицион ресурсларнинг йирик миқдорини жалб қилиш билан амалга оширилиши мумкин. Халқаро молиявий манбаларни жалб қилишдаги мавжуд қийинчиликлар муайян даражада маҳаллий маҳсулотлар ва хизматлар рақобатбардошлигининг нисбатан паст даражаси билан боғлиқ.

Ҳар қандай ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш корхоналарига инвестицияларни жалб қилиш билан боғлиқ қарорларни қабул қилиш корхонанинг инвестицион жозибаторлигини таҳлил қилиш асосида амалга оширилади. Шу билан бирга таъкидлаш жоизки, инвестицион жозибаторлик махсус иқтисодий категория сифатида бугунги кунда турлича талқин қилинмоқда. Бу ҳолат уни ташхис қилишда ягона методологик ёндашувларни ишлаб чиқиш мураккаблигини ва батафсил тавсифини очиб бериш заруратини белгилайди.

Мазкур иқтисодий категорияни ўрганишга бағишланган илмий-иқтисодий адабиётлар таҳлили корхонанинг инвестицион жозибаторлигини талқин қилишдаги асосий икки кўринишдаги ёндашувлар мавжудлигини кўрсатади.

Анъанавий ёндашувга мувофиқ инвестицион жозибаторлик корхона фаолиятининг молиявий таҳлили асосида ташхис қилинади.

Хусусан, бир гуруҳ муаллифлар⁷⁶ корхона инвестицион жозибадорлигини молиявий ҳолат мезонлари бўйича баҳолашга урғу берадилар. Бунда асосий эътибор ўз маблағлари ва қарз маблағлари улушининг нисбати, уларни жойлаштириш ва фойдаланиш самарадорлигига қаратилган.

Иккинчи ёндашув кўп кирралилиги ва кўп мезонлилиги билан ажралиб туради. Масалан, бир қатор муаллифлар⁷⁷ молиявий хусусиятларнинг жамланмасига эмас, балки корхона фаолият юритадиган муайян бозор муҳитининг хусусиятларига устуворлик берадилар. Улар инвестицион жозибадорликка таъсир этувчи асосий омиллар сарасига: нақд пул оқими, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг хусусиятлари, қўлланилаётган технологияларнинг инновационлиги ва синергетик самарага эришиш имкониятини киритадилар. Шунингдек, тадқиқотчилар инвестицион жозибадорлик ва инвестицион хавф ўртасидаги муносабатни таъкидлашади, яъни инвестор ўз молиявий ва бошқа ресурсларига маълум даражадаги хавф билан инвестициялашга тайёр туриб, маблағларини қисман ёки барчасини йўқотиш эҳтимолини ҳисобга олади. Шунини таъкидлаш жоизки, деярли барча тадқиқотчилар корхонанинг инвестицион жозибадорлигига минтақа, умуман мамлакатнинг инвестицион жозибадорлиги концепцияси билан уйғунликда қарайдилар. Чунки корхонанинг инвестицион жозибадорлиги инвесторларнинг маблағларини сафарбар қилиш бўйича қарорларига бевосита таъсир кўрсатадиган табиий, худудий, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва бошқа омиллар тизими остида шаклланади.

Л.Валинурова, О.Казакова, Т.Н.Матвеева ва бошқалар⁷⁸ инвестицион жозибадорликни ўрганишга комплекс ёндашиб, инвестицион ресурсларнинг мақсадга мувофиқлиги ва рентабеллигини белгиловчи интеграл мезон сифатида кўриб чиқадиладар.

⁷⁶ Крейнинна М. Н. Финансовый менеджмент. – М. : Дело и Сервис, 2006. – 304 с.; Крылов Э. И. Анализ финансового состояния и инвестиционной привлекательности предприятия : учеб.пособие. – М. : Финансы и ста тистика, 2003. – 191 с.

⁷⁷ Ендовицкий Д. А. Анализ инвестиционной привлекательности организации: – М., 2010. –45 с.; Вологдин Е. В. Методические и практические аспекты оценки инвестиционной привлекательности региона. – Новосибирск, 2006. – 21 с.

⁷⁸ Матвеев Т. Н. Оценка инвестиционной привлекательности предприятия. // Труды МГТА <https://reflib.ru/look/1174325.html> ; Валинурова Л. С. Управление инвестиционной деятельностью : учебник. – М., 2005. – 56 с.

Муаллифлар фикрига кўра, корхонанинг инвестицион жозибадорлигини баҳолашда қуйидагилар эътиборга олинаши лозим:

- мамлакат ва минтақадаги сиёсий, иқтисодий вазият;
- қонун чиқарувчи органнинг мукамаллиги;
- минтақадаги коррупция даражаси;
- юқори малакали кадрлар билан таъминланганлик;
- молиявий мустақиллик даражаси ва бошқалар.

«Инвестицион жозибадорлик» тоифаси О.Казакова ва Л.Валинурованинг тадқиқотларида батафсил баён қилинган бўлиб, унда инвестицион ресурсларга мумкин бўлган талабни белгилайдиган объектив хусусиятлар, аломатлар, имкониятлар ва воситалар тизими мавжуд.

Бугунги кунда турли муаллифлар томонидан инвестицион жозибадорлик даражасини аниқлайдиган кўплаб омиллар шарҳланиб, мазкур омиллар, хусусиятлар ёки мезонлар потенциал инвесторлар томонидан баҳолашга мўлжалланган. Бундан ташқари, инвесторлар инвестицион жозибадорлик даражасини рентабеллиكنинг мумкин даражаси ва инвестициялар хавфини ҳисобга олган ҳолда ўз мақсадлари билан солиштирадilar.

Шундай қилиб, корхонанинг «инвестицион жозибадорлиги» потенциал инвесторларнинг мақсадлари, инвестицион жозибадорликни аниқлашнинг мақбул назарий ва методологик жиҳатлари, рентабеллик даражаси ва инвестицияларни киритиш билан боғлиқ хавфлар бир-бири билан узвий боғланган бўлади. Бошқача қилиб айтганда, корхонанинг инвестицион жозибадорлиги инвесторнинг инвестиция мақсадларига эришиш салоҳияти ва таваккаллиги билан тавсифланган ички ва ташқи омиллар комплекси таъсири остидаги мавжуд ҳолат сифатида тушунилиши керак.

Корхонанинг инвестицион жозибадорлигини баҳолаш ва ташхис қилиш ҳар қандай инвестициянинг кутилаётган самарасини аниқлашдаги мажбурий босқич ҳисобланади. Инвестицион фаолиятни ташкил этишдаги айнан шундай ёндашувни тизимли деб ҳисоблаш мумкин. Унинг доирасида корхонанинг инвестицион

салоҳияти аниқланиб, инвестиция жараёнининг иқтисодий, ижтимоий, экологик ва бошқа самарадорлигини белгилайди.

Корхонанинг инвестицион жозибадорлигини акс эттирадиган омилларнинг хилма-хиллиги ва ноаниқлиги шароитида А.Бланкнинг нуқтаи назари алоҳида эътиборга лойиқдир, унга мувофиқ ушбу категория корхона ривожланишининг ҳаётий цикли босқичи билан бевосита боғлиқдир. Потенциал инвесторлар нуқтаи назаридан ўсиш ёки етуклик босқичига эришган хўжалик юритувчи субъектлар инвестицион жозибадор ҳисобланадилар⁷⁹.

Инвестицион жозибадорликни белгилайдиган омилларни ўрганишда айрим тадқиқотчилар таклиф этилаётган усуллар доирасида фақатгина эндоген омилларни, аммо уларнинг аксарияти ҳам эндоген, ҳам экзоген омилларни ҳисобга оладилар. Ички эндоген омиллар корхона раҳбариятининг бевосита таъсири остида бўлса, ташқи экзоген омилларни улар назорат қила олмайдилар. Энг муҳим ташқи омиллардан бири минтақа ва корхонага тегишли бўлган тармоқнинг инвестицион жозибадорлигини белгиловчи омиллар ҳисобланади.

«Инвестицион жозибадорлик» категориясининг моҳиятини тушунтиришнинг анъанавий ёндашувларига кўпгина муаллифлар асосий ички омиллар қаторида хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолатини киритадилар. Уларни баҳолашда анъанавий равишда коэффициент усули қўлланилади ва корхонанинг молиявий ҳисоботлари таҳлил учун ахборот базаси бўлиб хизмат қилади.

Инвестицион жозибадорликни ташхис қилиш моделларига миқдорий ҳисоблаш ва баҳолаш имкони бўлган барча омиллар киритилади. Корхонанинг инвестицион жозибадорлигини ташхис қилиш муайян баҳолаш методологиясини қўллашга асосланиб, ҳозирги вақтда инвестицияларни бошқариш назарияси ва амалиётида бундай диагностика ўтказиш учун турли ёндашувлар, алгоритмлар ва технологиялар қўлланилади.

⁷⁹ Бланк И. А. Инвестиционный менеджмент. – Киев : Никацентр, 2005. – 67 с.

Ю.В.Севрюгин ва В.М.Кожухарларнинг⁸⁰ инвестицион жозибадорликни аниқлашга методик ёндашувлари универсал бўлиб, корхона фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, иқтисодий ва бозор салоҳиятининг концепцияси нуқтаи назаридан кўриб чиқишни оқилона йўл сифатида эътироф этилган. Шу билан бирга, салоҳият тасодифий муайян имкониятлар, воситалар ва ресурслар билан аниқланмаслиги керак, чунки у рационал ва оқилона фойдаланиш асосида синергетик самарага эришишга имкон берадиган омилларнинг муайян бирикмасидир.

Шундай қилиб, корхоналарнинг инвестицион жозибадорлигини ташхис қилиш хўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодий ва бозор салоҳиятининг турли таркибий қисмларини баҳолашга асосланган бўлиши лозим. Ўз навбатида, корхонанинг иқтисодий салоҳияти ишлаб чиқаришни, ташкилий, молиявий, инновацион ва меҳнат салоҳияти билан ифодаланади.

Корхона иқтисодий салоҳиятининг энг муҳим таркибий қисмлари, биринчи навбатда, унинг инновацион компонентига тааллуқли бўлиши керак. Бу янги бозорларни киритиш ва жамиятнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш учун инновацион кашфиётларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Энг умумий шаклда инновацион салоҳият корхонанинг оптималлаштириш, янгилаш ва фойдаланиладиган ускуналар ва технологиялар бўйича етакчиликка эришиш қобилиятини ва шунга тайёрлигини тавсифлайди. Шу билан бирга, инновацион компонент техник ва технологик жиҳатлар билан чекланиб қолмайди, балки кадрларни бошқариш, маркетинг ва бошқа соҳаларни ҳам қамраб олади.

Автомобиль транспорти корхонасининг инвестицион жозибадорлигини ташхис қилишда муайян ишлаб чиқариш мақсадларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган омилларни интеграл баҳолаш алоҳида аҳамиятга эга. Корхонанинг ишлаб чиқариш салоҳияти тармоқнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаб

⁸⁰ Севрюгин Ю. В. Инвестиционная привлекательность предприятий в кривом зеркале фондового рынка. // Финансы и кредит: проблемы методологии и практики. – 2001. – № 1–2. – С. 181–188.; Кожухар В. М. Практикум по иностранным инвестициям. – М., 2008. – 76 с.

олиш, транспорт хизматлари турини аниқлаш ва келгуси ривожланиш учун устувор йўналишларни белгилаш имконини беради.

Кўпгина инвестицион лойиҳаларнинг молиявий самарадорлиги корхонанинг молиявий ресурслари ва мулкӣ ҳолатига боғлиқдир. Бу омиллар, ўз навбатида, унинг молиявий ва мулкӣ салоҳиятини белгилайди.

Корхонанинг ташкилий салоҳияти - бошқарув усуллари ва технологияларининг комбинацияси бўлиб, натижада корхона иқтисодий салоҳиятининг барча таркибий қисмларини тартибга солиш, уйғунлаштириш ва улардан самарали фойдаланиш юзага келади.

Юқорида зикр қилинганлардан хулоса қиладиган бўлсак, бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай корхонанинг ишлаб чиқариш жараёнини ривожлантириш учун албатта маблағ зарурдир. Умуман корхонани стратегик ривожлантириш учун маблағ билан таъминлашнинг энг мақбул йўлларида бири бу инвестицияларни жалб этишдир. Инвестицияларни жалб қилишда инвесторларга энг аввало қай даражада қанчалик инвестицион жозибадорлигини кўрсатиш лозим.

Корхона тўғрисидаги объектив ва ишончли маълумотлар инвестицияни жалб қилишда катта аҳамият касб этади. Чунки корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати, меҳнат ва молиявий салоҳияти, иқтисодий самарадорлиги даражаси каби маълумотлар корхонанинг қандай ишлаётганини кўрсатса, корхона рақобатчилари таҳлили ва уларга нисбатан қандай ютуқ ва камчиликларга эга эканлиги, бу корхонани келажакда ривожлантириш имконияти мавжуд ёки мавжуд эмаслигини белгилайди.

Масалан, бундай маълумотлар давлат учун у томонидан тақдим этилаётган имтиёзлардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш, корхоналарни тартибга солиш сиёсатининг салбий ва ижобий томонларини таҳлил қилиш, бу турдаги корхоналарни давлат томонидан келажакда қандай қўллаб-қувватлашни билиш учун керак бўлди. Инвесторлар учун эса, бу корхонага инвестиция кирса

кандай манфаат кўриш мумкин, ёхуд умуман инвестиция киритса бўладими?, деган саволларга жавоб топиши учун зарурдир.

Шу сабабли, корхонанинг инвестицион жозибаторлигини мажмуавий таҳлил, яъни ташхис қилиш мақсадга мувофиқдир. Бундай таҳлил ўз ичига автомобиль транспортининг ривожланиш даражаси, самарали ишлаб чиқариш даражаси, молиявий – иқтисодий ҳолати, кадрлар малакаси, бошқарув ва маркетинг сиёсати каби кўрсаткичларни ўз ичига олиши лозим. Бу ўз навбатида, энг аввало корхонани умумий солоҳиятини белгилаш орқали корхона учун инвестиция зарурлигини кўрсатса, инвесторлар учун эса келажақда корхонани ривожлантириш борасида қайси йўналишларда иш олиб бориши лозимлигини кўрсатади.

Бугунги кунда автомобиль транспорти корхоналарининг инвестицион жозибаторлигини баҳоловчи ягона тизим мавжуд эмас. Шу сабабли, биз томонимиздан илмий адабиётларнинг таҳлили натижасига асосланган ҳолда автомобиль транспорти корхоналарининг инвестицион жозибаторлигини ташхис қилишнинг уч босқичли услубиёти таклиф этилади. Бу услубиёт энг аввало корхонанинг умумий ҳолатини аниқ тавсифлаб беради ва инвесторлар учун керакли маълумотларни олиш имкониятини яратади.

1-босқичда корхона фаолиятини таҳлил қилиш учун керакли маълумотлар базаси яратилади. Юқорида айтиб ўтганимиздек, ҳар қандай фаолиятни амалга оширишда, шу жумладан корхонанинг инвестицияга эҳтиёжи, инвестиция киритилса қандай натижаларга олиб келиши мумкинлигини билиш учун албатта маълумотлар базаси муҳим. Бу маълумотлар базаси ҳаммага тушунарли бўлиб, ўз вақтида керакли маълумотларни олиш имконияти мавжуд бўлиши ва қарорлар қабул қилишга ёрдам бера олиши лозим.

Юқорида келтирилган фикрларга асосланиб, корхонани инвестицион маълумотлар базасини яратишдан асосий мақсадни белгилаймиз:

-инвестиция жалб қилиш билан боғлиқ бўлган қарорларни қабул қилишнинг илмий асосланганлигини таъминлаш⁸¹;

-инвестиция учун масъул бўлган ходимларга зарур маълумотларни ўз вақтида олиш имкониятини яратиш.

Маълумотлар базасини шакллантириш албатта маълумотлар манбаига чамбарчас боғлиқдир. Корхонанинг инвестицион жозибadorлигини баҳолашда керакли маълумотлар базасини шакллантириш бизнинг фикримизча қуйидагича бўлиши лозим (2.4-расмга қаранг).

2.4-расмдан кўриниб турибдики, маълумотлар манбалари бир бири билан узвий алоқада бўлган ҳолда ягона тизимни ташкил этади. Бундан ташқари маълумотлар оқими схематик равишда кўрсатилган: (-) – тўғри алоқада, (--) – қайта алоқада.

2.4-расмда келтирилган автомобиль транспорти корхоналарининг инвестицион жозибadorлигини баҳолашда маълумотлар базаси таҳлили қуйидаги асосий функцияларни бажариш учун хизмат қилиши лозим:

– корхонага келажакда инвестицияларга эҳтиёж мавжудлигини аниқлаш;

– инвестицияларни режалаштириш;


– инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш харажатларини оптималлаштириш;

– инвестицияларнинг мақсадли йўналишларини танлаш;

– инвестицион лойиҳаларни назорат қилиш;

– инвестициялар самарadorлигини баҳолаш.

⁸¹ Мухитдинова К.А. Инвестиционная привлекательность автомобильного сектора. // Корпоратив молияни бошқаришнинг замонавий усуллари: қўлланилиш ва ривожлантириш масалалари. Рес.илм.-амал.анж. материал. тўплами. ТДИУ, 3 март 2016. –Б. 410-412



2.4-расм. Автотранспорт корxonаларини инвестицион жозибдорлигини баҳолашда маълумотлар базасини шаклантириш (маълумотлар манбалари бўйича)⁸²

⁸² Муаллиф ишланмаси.

2-босқичда, тўпланган ва қайта ишланган маълумотларга асосланиб, корхонанинг умумий фаолиятини мажмуавий таҳлил қилиш таклиф этилади. Бу блоклар куйидагилардан иборат:

1. Ходимлар салоҳияти:

- ходимлар малакаси;
- меҳнат унумдорлиги;
- ходимлар қўнимсизлиги.

2. Ташкилий-бошқарув салоҳияти:

- мулкчилик шакли;
- персоналарни бошқариш сифати;
- персоналарни тайёрлаш даражаси;
- корхона асосий мақсадининг бажарилиши.

3. Корхонанинг молиявий ҳолати:

- даромадлар тузилмаси;
- харажатлар тузилмаси;
- фойданинг ўсиш коэффициенти;
- молиявий мустақиллик коэффициенти;
- ташиш рентабеллик даражаси;
- дебиторлик ва кредиторлик қарздорлик даражаси солиштирмаси;

- қарздорлик юкламаси даражаси:

- солиқ юки даражаси;
- қарздорлик мажбуриятлари тузилмаси;
- жорий ликвидлик даражаси;
- ўз балансида қарздорлик даражаси;
- пул оқимиға қарз ҳажмининг боғлиқлик даражаси.

4. Корхонанинг бозор салоҳияти:

- кўрсатилаётган хизматлар даражаси;
- кўрсатилаётган хизматларға бўлган талаб;
- корхонанинг бозордаги улуши;
- рақобатбардошлик даражаси.

5. Инновацион салоҳият:

- ҳаракатдаги воситаларнинг янгиланиш коэффициенти;
- инновацион харажатлар улуши;

- инновациялар рентабеллиги;
- инновациялар тежамкорлиги.

Келтирилган бешта блокнинг таркибий қисми таҳлил мақсадидан келиб чиққан ҳолда ўзгартирилиши мумкин, бу блокларнинг ҳар бири корхона фаолиятининг муайян бир йўналишини таҳлил қилиш натижасида, корхонанинг ҳозирги кундаги умумий аҳволи, келажакда корхонани ривожлантириш учун нималар қилиниши кераклиги, ривожлантириш учун инвестицияларга эҳтиёж, корхонага қайси йўналиш бўйича инвестицияларни жалб қила олиш мумкинлиги ҳақидаги саволларга тўлиқ жавоб бериши лозим. Бундан ташқари, инвестицион лойиҳалар ишлаб чиқилганда, лойиҳа режаси қандай бажарилаётганлиги тўғрисида ҳам, агар режадан оғиш юз бераётган бўлса, ўз вақтида тўғирлаш имкониятини ҳам яратади.

3-босқичда 2-босқич натижаларига асосланган ҳолда, корхонанинг инвестицион жозибadorлигига таъсир этувчи омиллар аниқланиб, улар таъсирининг математик моделлари тузилади. Маълумки, корхона инвестицион фаолиятига кўплаб омиллар ўз таъсирини кўрсатади. Математик моделларни ишлаб чиқаётган автотранспорт корхонаси инвестицион фаолиятига энг кўп таъсир этувчи омиллар рўйхатини тузиб чиқиб, корреляция орқали бу омилларнинг корхона фаолиятининг якуний натижаси ва молиявий ҳолатига таъсири кўриб чиқилади. Бу орқали автотранспорт корхонаси инвестицияга муҳтожми, агар муҳтож бўлса қайси йўналишларга жалб этилиши лозим деган саволларга жавоб олинади⁸³.

Юқорида келтирилган автотранспорт корхоналарининг инвестицион жозибadorлигини баҳоловчи 3 босқични умумлаштирсак, энг аввало, маълумотлар базасини шакллантириш кераклиги, ундан кейин йиғилган маълумотларни таҳлил қилиш, олинган натижаларга асосланган ҳолда корхонага инвестиция

⁸³ Мухитдинова К.А. Инвестиционная привлекательность автомобильного сектора. // Корпоратив молияни бошқаришнинг замонавий усуллари: қўлланилиш ва ривожлантириш масалалари. Рес.илм.-амал.анж. материал. тўплами. ТДИУ, 3 март 2016. –Б. 410-412

кераклигини аниқлаш ва инвестицион фаолият олиб бориш учун қайси йўналишларга эътибор бериш лозимлигини кўрсатиш лозим.

Ҳар қандай корхонанинг инвестицион жозибаторлигини баҳолашда маълумотлар базасини шакллантириш зарур. Маълумот базаси бирламчи ва иккиламчи маълумотларга асосланиши зарур. Бирламчи маълумотлар таркибига ҳар хил турдаги очик чоп этишга рухсат берилган турли тармоқ маълумотлари, давлат статистика кўмитаси маълумотлари, корхонанинг олдинги йиллар учун қилинган ҳисоботи каби маълумотлар киради. Иккиламчи маълумотлар таркибига эса, қўйилган муаммони ечиш учун тўпланиши зарур бўлган янги маълумотлар киради.

Иккинчи босқичда йиғилган маълумотлар асосида блоклар бўйича таҳлил қилинади. Кейинги блокда таҳлил натижаларига асосланган ҳолда керакли хулоса чиқарилади. Иқтисодий, молиявий, ташкилий ва бозор салоҳиятини баҳолаш асосида автомобиль транспорти корхонасининг инвестицион жозибаторлигини ташхис қилишнинг алгоритмик модели сифатида ифодаланиши мумкин («2.5-расмга қаранг»).


Автомобиль транспорти корхонасининг инвестицион жозибаторлигини ташхис қилиш тамойилларини синчковлик билан таҳлил қилиш ва синтезлаш алоҳида аҳамиятга эга. Асосий тамойиллар куйидагилардан иборат:

– инвестицион жозибаторлик параметрларини миқдоран баҳолаш маълумотларидан фойдаланиш имкониятини берувчи ахборот ресурсларини тақдим этишнинг шаффофлиги;

– корхонанинг инвестицион жозибаторлигини белгиловчи параметрлар ва унга инвестициялар ҳажмини тавсифловчи мезонлар ўртасида корреляцион боғлиқлик мавжудлиги;

– корхонанинг инвестицион жозибаторлигини белгилайдиган параметрлар тўпламининг ўзгарувчанлиги, вақт ичида уларнинг таркиби ўзгариши;

– ретроспектив ва истиқболли таҳлил усулларида фойдаланиб, инвестицион жозибаторлик параметрларини ўрганиш имкониятларининг мавжудлиги;



2.5-расм. Автомобиль транспорти корхонаси инвестицион жозибадорлигини ташхис қилишнинг кўп босқичли алгоритмик модели⁸⁴

- корхона инвестицион жозибадорлигининг динамиклиги, унинг оқибатида омилларнинг ҳам динамиклиги;
- келгусида корхонанинг инвестицион жозибадорлигини ошириш ва бу ўсишнинг асосий омилларини аниқлаш имконияти.

⁸⁴ Муаллиф ишланмаси.

Шундай қилиб, автомобиль транспорти корхонасининг инвестицион жозибадорлиги ташхиси бошқарув механизмнинг асосий элементи эканлигини таъкидлаш жоиз. Хўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодий ва бозор салоҳиятининг мавжуд ҳолатини аниқлаш улардан тўлиқ фойдаланишнинг энг самарали усулларини аниқлаш имконини беради, натижада корхона инвестицион жозибадорлигини ошириш мумкин бўлади.

Иккинчи боб бўйича хулосалар

1. Дисертация тадқиқотимиз вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, республика миқёсида асосий капиталга сарф этилган инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотга, сўнгра транспорт тизимига жалб этилган инвестицияларнинг ушбу тармоқда яратилган ялпи кўшилган қийматига таъсири даражаси кўриб чиқилди. Олинган регрессия тенгламалари ЯИМ ва инвестициялар ўртасида боғлиқлик даражасининг жуда кучли эканлигини, ЯИМ ва транспорт тизимига жалб этилаётган инвестициялар ҳажми ўртасидаги боғлиқлик эса кучсизроқ эканлигини кўрсатди. Бундан транспорт тизимининг асосий капиталига инвестициялар максимал даражага яъни, иқтисодиёт талаб этадиган даражага етказилган деган хулосага келиш мумкин. Демак асосий вазифа транспортнинг хизмат кўрсатиш ҳажми ва сифатини ошириш ҳамда ташиш тарифини пасайтириш билан боғлиқ фаолиятга сарфланишига эътиборни кучайтириш лозимлигини кўрсатади.

2. Автомобиль транспорти корхоналарига инвестицияларни жалб этишнинг манбаларини баҳолаш учун энг аввало, унинг хизматига бўлган талабни ҳам кўриб чиқиб, инвестициялаш объекти аниқланади ва уни молиялаштириш учун манбалар баҳоланади. Шундан автомобиль транспорти корхонасининг инвестицияларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш модели ишлаб чиқилди.

3. Инвестиция манбаларининг қиёсий таҳлили амалга оширилиб, ҳаракатдаги таркибни харид қилиш вариантларнинг

камчиликлари ва афзалликларини баҳолаш орқали улардан бири танланиб, инвестицион лойиҳаларнинг иқтисодий кўрсаткичлари аниқланади.

4. Бугунги кунда автомобиль транспорти корхоналарининг инвестицион жозибadorлигини баҳоловчи ягона тизим мавжуд эмас. Шу сабабли, иқтисодий, молиявий, ташкилий ва бозор салоҳиятини баҳолаш асосида автомобиль транспорти корхонасининг инвестицион жозибadorлигини ташхис қилишнинг кўп босқичли алгоритмик модели ишлаб чиқилди.

5. Автомобиль транспорти корхонасининг инвестицион жозибadorлигини ташхис қилиш тамойилларини синчковлик билан таҳлил қилиш ва синтезлаш алоҳида аҳамиятга эга. Уларнинг иқтисодий ва бозор салоҳияти мавжуд ҳолатини аниқлаш улардан тўлиқ фойдаланишнинг энг самарали усулларини аниқлаш имконини беради, натижада корхона инвестицион жозибadorлигини ошириш мумкин бўлади.

III БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

3.1 §. Автомобиль транспорти корхонасининг инвестиция сиёсатини шакллантириш ва уни амалга оширишнинг алгоритмик моделини ишлаб чиқиш

Замонавий шароитларда автомобиль транспорти хизматларини кўрсатиш бозорининг ривожланишига иқтисодий, техник, технологик ва ташкилий кўринишдаги бир қатор тизимли чекловлар тўсқинлик қилмоқда. Транспорт корхоналари фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари катта ҳажмда капитал сарфи, активларнинг бирмунча паст рентабеллиги, ривожлантириш лойиҳаларининг ўзини оқлаш муддатларининг узоқ давомийлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун транспорт операторларининг инвестицион сиёсатини шакллантириш омилларни аниқлаш уларга ташқи ва ички муҳитнинг таъсир қилишини ўрганишга ҳамда ишлаб чиқариш салоҳиятини ривожлантириш ва фойдаланишни бошқаришнинг самарали механизмини яратишга имкон беради.

Бундан шуни хулоса қилиш мумкинки, ҳар қандай корхонада инвестицион фаолият алоҳида ўзига хос хусусиятга эга бўлсада, умумиқтисодий инвестицион фаолиятнинг таркибий қисми ҳисобланади. Ўз навбатида, автомобиль транспорти корхонаси инвестицион фаолияти энг аввало унинг рақобат устунлигини таъминлаш, ҳаракатдаги таркибини модернизациялаш ҳамда янгилаш орқали транспорт хизматларининг янги турлари билан ички ва ташқи бозорлардаги мижозларни жалб этиш каби устувор вазифалар ечимини ижобий ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади. Бунда натижадорлик бевосита юритиладиган инвестиция сиёсатига боғлиқдир.

Инвестиция сиёсатининг натижадорлигини транспорт хизматлари ва уларни тақдим этиш жараёнларида турли даражадаги ўзгаришлар сифатида кузатиш мумкин.

Мураккаб иқтисодий шароитларда автомобиль транспорти операторлари рақобат кучайишига ва мижозлар эҳтиёжларининг ўзгаришига тезкор мослашиб олиш кўникмасига эга бўлишлари лозим десак, муболаға бўлмайди. Айниқса шаҳар йўловчи транспорти хизматларини кўрсатиш бозорида хусусий операторлар йўловчи ташиш хизматларининг юқорироқ сифатини тобора кенг таклиф қилиш орқали энг жозибадор бозор сегментларини эгаллаб олишга муваффақ бўлмоқдалар. Давлат томонидан қўллаб-қувватланаётган йирик автобус корхоналари зиммасига эса ижтимоий аҳамиятга эга, бироқ иқтисодий самараси паст бўлган сегментга хизмат кўрсатиш тушмоқда.

Шаҳар йўловчи транспорти хизматлари бозоридаги операторларни қуйидаги иккита асосий гуруҳга ажратиш мумкин⁸⁵:

1. Йирик, устав жамғармасида давлатнинг улуши юқори бўлган автобус корхоналари. Ушбу гуруҳнинг операторлари уюшма балансида бўлган паркдан фойдаланиб ташкил этилган ва уларнинг фаолиятларида биринчи навбатда шаҳар аҳолисининг эҳтиёжларини қондиришга эътибор қаратилади.

2. Хусусий инвесторлар томонидан ташкил этилган мустақил корхоналар. Ушбу гуруҳ операторлари бизнесининг асоси бозор талабларига максимал йўналтирилганлик ҳисобланади.

Транспорт хизматлари бозорининг таҳлили унинг ривожланишида қуйидаги тенденцияларни аниқлашга имкон берди:

- ўсишнинг ўрта муддатли ва узоқ муддатли истиқболлари;
- транспорт корхоналари орасида рақобатнинг кучайиши;
- транспорт хизматлари бозорида давлат корхоналари

улушининг қисқариши;

– кичик корхоналар тасарруфида йирик автотранспорт корхоналарига нисбатан ҳаракатдаги таркибининг юқори суръатлар билан ўсиши;

⁸⁵ Бабаев Т.С. Экономическое обоснование программы обновления подвижного состава грузовой транспортной компании. дис. канд.экон. наук. – М., 2009. – 168 с.

– ҳаракатдаги паркиннинг таркиб тузилмалари корхоналар турларига кўра анча фарқланади. Жумладан, йирик корхоналарда автобуслар ҳаракатидаги таркиб асосни ташкил қилади, хусусий операторларда эса микроавтобуслар. Таҳлилларимиз шуни кўрсатдики, инвестиция сиёсатида маркетинг сиёсати концепцияси асосида корхонанинг рақобатбардошлик стратегиясини шакллантириш сифатида қараш мумкин.

Демак, автомобиль транспорти корхоналарини инвестиция сиёсатини шакллантиришига энг аввало рақобат устунликларини кучайтириш, инвестор, транспорт оператори ҳамда мижозлар нуқтаи назаридан ўрганилади.


Инвестиция сиёсати стратегиясини ишлаб чиқишда маркетинг нуқтаи назаридан транспорт хизматлари бозорини баҳолашга эътибор қаратилади.

Автомобиль транспорти хизматлари бозори ривожланиш тенденцияларини ўрганиш автотранспорт корхоналари инвестицион сиёсатининг мақсад ва вазифаларини белгиловчи конъюнктура омилларини аниқлашга имкон беради. Уларнинг инвестицион жозибадорлиги қуйидаги омиллар билан белгиланади: ҳаракатдаги таркибнинг баҳоси, ташиш тарифлари ва уларни ўрнатиш шартлари, иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари харажатлари таркибида транспорт ташкил этувчисининг улуши ҳамда бошқа омиллар билан.

Автомобиль транспорти корхоналари ўз инвестицион сиёсатини ишлаб чиқишда автомобиллар парки тузилмаси ва ташилаётган юк ва йўловчилар тури кесимида бозорнинг айрим сегментларида ривожланиш стратегияларини табақалаштиришлари лозим бўлади.

Юқорида таъкидланганлардан келиб чиқиб, автомобиль транспорти корхонасининг инвестицион сиёсати деганда ишлаб чиқариш фаолиятига жалб қилинган капитални ўстириш ҳамда ташқи инвесторлар учун инвестицион жозибадорликни ошириш мақсадида фаолиятнинг айрим турлари, биринчи навбатда юк ва йўловчи ташиш фаолияти бўйича инвестициялар зарур даражаси ва

тузилмасини таъминлаш бўйича ўзаро мувофиқлаштирилган дастурлар, лойиҳалар ва тадбирлар йиғиндиси тушунилади (3.1-расмга қаранг).



3.1-расм. Автомобиль транспорти корхонаси инвестицион сиёсатини амалга оширишнинг алгоритми ⁸⁶

⁸⁶ Муаллиф ишланмаси.

Иқтисодий адабиётлар таҳлили асосида автомобиль транспорти корхоналари инвестицион сиёсатини амалга оширишнинг қуйидаги тамойилларини ажратиш мумкин:

1. Тизимлилик тамойили – корхонанинг ўзини-ўзи ташкил қилиш қобиляти, яъни ички ва ташқи инвестицион муҳит омиллари билан ўзаро фаол алоқалар учун очиқ ижтимоий-иқтисодий тизим сифатида қарашни назарда тутати.

2. Ривожланиш тамойили. Инвестицион сиёсат биринчи навбатда ишлаб чиқариш фаолияти ривожланишини таъминловчи корхона умумий стратегиясининг бир қисмидир. У корхонанинг стратегик мақсадлари ва ишлаб чиқариш фаолияти йўналишларига мос келиши керак.

3. Истиқболлилик тамойили. Автомобиль транспорти корхонасининг стратегик истиқболдаги инвестицион сиёсати барча йўналишлар бўйича самарали инновацион ечимларни фаол жорий этиш билан тавсифланади. Корхона бозор конъюнктураси истиқболлари ва тенденциялари, шунингдек инновацион фаолиятни давлат томонидан рағбатлантиришни ҳисобга олган ҳолда ўз ишлаб чиқариш салоҳиятини кенгайтиришни амалга ошириши зарур.

4. Уйғунлик тамойили. Ушбу тамойил инвестицион фаолиятни жорий, тезкор ва истиқболли бошқаришнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлашни кўзда тутати. Корхонанинг ишлаб чиқилган инвестицион сиёсатига унинг инвестицион дастурини шакллантириш орқали инвестицион фаолиятни жорий бошқариш амалга оширилади.

5. Мослашувчанлик тамойили. Ушбу тамойил инвестицион сиёсатни ташқи муҳит омиллари ўзгаришига мослаштиришни назарда тутати. Агар ташқи инвестицион муҳитнинг кутилаётган параметрлари нисбатан барқарор бўлса, корхонанинг олдиндан белгиланган инвестицион сиёсатини тўла-тўқис амалга ошириш учун шароит яратилади. Ташқи муҳитнинг беқарорлиги шароитида инвестицион сиёсатининг ўзгаришлари маълум таҳдидларга олиб келиши ёки янги инвестицион имкониятларни очиб бериши ҳам мумкин. Шунинг учун инвестицион сиёсат инвестицион иқлимнинг

ўзгаришларига, инвестициялар бозори конъюнктураси ва бошқа ҳолатларга тезкор ва мутаносиб мослашувчан бўлиши керак⁸⁷.

6. Муқобиллик тамойили. Ушбу тамойил инвестицион танловнинг муқобиллигини таъминлашни кўзда тутди. Муқобиллик асосида энг самарали инвестицион лойиҳалар саралаб олиниб, киритилаётган капиталнинг қайтиш эҳтимоллиги ошади.

7. Инновационлик тамойили. Ушбу тамойил инвестицион сиёсатни бозорда корхона рақобатбардошлигини таъминловчи илмий-техник ва технологик янгиликларни татбиқ этишнинг асосий механизми сифатида шакллантиришни кўзда тутди. Корхона стратегик ривожланишининг умумий мақсадларга эришиши кўпинча унинг инвестицион сиёсатида инновациялардан тезкор фойдаланишга қанчалик мослашганлигига боғлиқ.

8. Хавфларни минималлаштириш тамойили. Мазкур тамойил инвестицион фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ хавфларни камайтиришга шароит яратувчи инвестицион сиёсатни назарда тутди. Инвестицион сиёсатнинг хатарлилиги қуйидаги омиллар йиғиндиси билан белгиланади: инвестицион фаолият йўналишлари ва шакллари танлаш, инвестицион ресурслар манбаларини шакллантириш, молиявий таъминот шакллари асослаш, бошқаришнинг янги ташкилий тузилмаларини жорий этиш ва бошқалар.

Транспорт хизматлари бозори ривожланишининг аниқланган тенденциялари ва қонуниятларини ҳисобга олган ҳолда инвестицион сиёсатни амалга ошириш бўйича кўриб чиқилган тамойилларни қўллаш ҳаракатдаги ҳар қандай транспорт корхонасининг ривожланиш стратегиясида белгиланган мақсадга эришиш ва вазифалар бажаришга имкон беради.

Автомобиль транспорти корхонаси инвестицион фаолиятининг мақсади мижозларнинг талаб ва эҳтиёжларини максимал қондириш учун инновацион технологиялар асосида ҳаракатдаги воситалар парки ва сервис хизмати технологик ускуналарини уларга мос

⁸⁷ Мухитдинова К.А. Инвестиционная привлекательность автомобильного сектора. // Корпоратив молияни бошқаришнинг замонавий усуллари: қўлланилиш ва ривожлантириш масалалари. Рес.илм.-амал.анж. материал. тўплами. ТДИУ, 3 март 2016. –Б. 410-412

равишда янгилашдан иборатдир. Инвестицион сиёсатнинг мақсади ҳаракатдаги воситалар паркини янгилаш жараёнининг бир маромда кечишини таъминлаш учун транспорт воситалари бозори конъюнктураси ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда молиявий таъминотнинг турли шакллари кўллаш ҳисобланади.

Шу билан бирга инвестицион сиёсатнинг муҳим вазифалари одатда куйидагилардан иборат:

– ҳаракатдаги таркибни янгилаш жараёнини янги транспорт воситаларини харид қилиш ва эскираётган ҳаракатдаги таркибни модернизациялаш бўйича ишларни кенгайтириш орқали таъминлаш;

– инвестицион дастурнинг молиявий таъминоти манбаларидан максимал фойдаланиш;

– инвестицион дастурни амалга оширишга ташқи узоқ муддатли молиявий манбаларни жалб қилиш;

– амалга оширилаётган лойиҳалар иқтисодий самарадорлигининг талаб қилинган даражасини таъминлаш;

– инвестицион ресурслардан фойдаланишни назорат қилиш ва мониторингини олиб бориш.

Автомобиль транспорти корхонаси инвестицион сиёсатининг моҳияти ҳаракатидаги парк таркибини ўз вақтида янгилаш ва тўлдириш учун чекланган инвестицион ресурслардан оқилона фойдаланишдан иборат. Инвестициялаш вариантларини асослаб беришда корхона турли инвестицион хусусиятларга эга инвестициялаш объектларини танлаш муаммосига дуч келади. Бу ҳолатда инвестицион сиёсатни амалга ошириш воситаси бўлиб, унинг аниқ мақсадларига эришиш учун инвестицион лойиҳалар тизими хизмат қилади⁸⁸.

Автомобиль транспорти корхонасининг инвестицион дастурини шакллантириш куйидаги вазифалардан бир ёки бир нечтасининг ечимини таъминлаши керак:

⁸⁸ Мухитдинова К.А. Инвестиционная привлекательность автомобильного сектора. // Корпоратив молияни бошқаришнинг замонавий усуллари: қўлланилиш ва ривожлантириш масалалари. Рес.илм.-амал.анж. материал. тўплами. ТДИУ, 3 март 2016. –Б. 410-412

– даромадларнинг юқори суръатлар билан ўсишига эришиш. Ушбу масала корхонанинг доимий равишда тўлов қобилиятини кўллаб-қувватлаши учун шароит яратувчи юқори даромадли лойиҳаларни амалга ошириш орқали ечилади.

– жорий сарф-харажатларни қисқартириш. Бу вазифа тежамкор эксплуатацион харажатлар бўлган лойиҳаларни амалга ошириш орқали бажарилади.

– рентабеллиги юқори бўлган лойиҳаларни амалга ошириш орқали ҳал этилади.

– капиталнинг юқори суръатларда ўсишига эришиш. Бу вазифа даромаднинг соф дисконт қиймати юқори бўлган лойиҳаларини амалга ошириш ёрдамида бажарилади.

Инвестицион дастурни шакллантиришнинг келтирилган вазифалари кўп жиҳатдан муқобил ҳисобланади. Мисол учун, капиталнинг юқори суръатларда ўсиши маълум даражада жорий даромадлар даражаси пасайиши ҳисобидан таъминланади; капитал ва даромадларнинг ўсиши инвестицион хавфлар даражаси билан бевосита боғлиқ; етарли даражада тўлов қобилиятини таъминлаш инвестицион дастурга узоқ муддатда капитал ўсишини таъминловчи лойиҳалар ва юқори даромадли катта ҳажмдаги капитал талаб этувчи инвестицион лойиҳалар киритилишига тўсқинлик қилиши мумкин. Инвестицион дастурни шакллантириш мақсадлари муқобиллигини ҳисобга олиб, транспорт корхонаси маълум муддатга инвестицион фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш, инвестицион стратегиясини тасдиқлаш, инвестицион сиёсатини ишлаб чиқиши керак⁸⁹.

Илмий ва методик адабиётларда⁹⁰ келтирилган инвестицион дастурни шакллантириш босқичларини корхоналарда транспорт

⁸⁹ Подсорин В.А., Иванов К.Н. Инвестиционная политика транспортной компании: учебное пособие – М.: МИИТ, 2011. – 108 с

⁹⁰ Подсорин В.А. Воспроизводство основного капитала компании в условиях кризиса. // Транспорт, наука, техника и управление. Научно-информационный сборник. ВИНТИ – № 8, 2009. – С. 65; Бабаев Т.С. Экономическое обоснование программы обновления подвижного состава грузовой транспортной компании: Дис. канд. экон. наук. – М., 2009. – 68 с.; Бланк И.А. Основы финансового менеджмента. Т.1. – К.: Ника-Центр, Эльга, 2001. – 92 с.

операторлари ишлаш шароитларига мослаштириб, қуйидагиларни ажратиш мумкин:

1. Ҳаракатдаги таркибни янгилаш дастури лойиҳаларида транспорт корхонасининг инвестицион стратегияси мақсадларига аниқлик киритиш. Бунинг учун ривожланиш мақсадлари кўрсаткичлари маълум тўплами билан аниқлик киритилади.

2. Инвестицион ресурслар мавжудлиги, инвестицион бозор ҳолати ва бошқа омиллардан қатъий назар транспорт корхонасининг инвестицион имкониятларининг идентификацияси. Танловга жалб қилинган инвестицион лойиҳалар сони инвестицион дастурни амалга оширишда кўзда тутилган сонидан анча ошган бўлиши керак.

3. Транспорт корхонасининг инвестицион дастурини инвестицион ресурслар ҳажми ва тузилмасини ҳисобга олган ҳолда шакллантириш пропорцияларини оптималлаштириш.

4. Транспорт корхонасининг инвестицион лойиҳалар самарадорлиги мезонларини алоҳида турлари бўйича асослаб бериш. Бунда инвестицион лойиҳаларни ажратиш мезонлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: соф дисконт даромади, рентабеллик индекси, даромадлилик ички меъёри, ўзини қоплаш муддати. Лойиҳаларни саралаб олишнинг асосий мезони транспорт корхонасининг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолият самарадорлиги кўрсаткичлари билан боғланган бўлиши лозим⁹¹.

5. Инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш. Чуқур таҳлил учун инвестицион лойиҳаларни бирламчи саралаш, инвестицион лойиҳалар самарадорлиги мезонларига мос келмайдиган лойиҳалар умумий тўпамидан саралаб олиш. Транспорт корхонасининг инвестицион дастурини шакллантиришда одатда мустақил инвестицион лойиҳалар жалб қилиниб, уларни амалга ошириш тўғрисида қарор фақатгина уларнинг самарадорлиги асосида қабул қилинади. Агар ресурслар

⁹¹ Методические рекомендации по оценке эффективности инвестиционных проектов. – М.: Экономика, 2000. – 42 с.

етарли бўлса, у ҳолда самарали бўлган барча мустақил инвестицион лойиҳалар амалга ошириш учун қабул қилиниши керак.

6. Ҳаракатдаги таркибни янгилаш дастурининг чекловлар, шу қаторда ишлаб чиқариш ва молиявий чекловлари тизимини шакллантириш.

7. Инвестицион фаолиятни оптималлаштириш ҳамда устувор мезон бўйича зарур диверсификацияни таъминлашни ҳисобга олган ҳолда транспорт корхонасининг ҳаракатдаги таркибни янгилаш дастурига инвестицион лойиҳаларни якуний саралаб олиш.

Бунда куйидаги чекловлар қўйилиши мумкин:

– ташишлар ҳажмининг чегараланганлиги. Бу ҳолда фаолиятнинг устувор йўналиши ташишларни мумкин бўлган ҳажмларгача ошириш ҳамда асосий йўналиш сифатида инвестициялар бирлигига ташишлар ҳажми кўрсаткичи ишлатилади.

– инвестицион ресурсларнинг чегараланганлиги. Бу ҳолда лойиҳаларни амалга ошириш инвестицион фаолият ҳажми ошиши билан жалб қилиш қиймати ва ҳажми ошиб борувчи қарз капиталидан фойдаланиш билан боғлиқ.

– инвестицион ресурслар умумий ҳажмининг чегараланганлиги. Бунда лойиҳаларни амалга ошириш инвестицион дастурининг тузилмаси ва уни таъминловчи манбаларни оптималлаштириш билан боғлиқ⁹².

8. Ҳаракатдаги таркибни янгилаш бўйича инвестицион дастурни тасдиқлаш ва амалга ошириш.

Автомобиль транспорти корхонаси инвестицион дастурини шакллантиришда кўп бошқичли бўлишини таъминлаш инвестицияларни бошқариш жараёнини корхонанинг стратегик мақсадларига мувофиқ такомиллаштириш, самарали инвестицион лойиҳаларни ажратиб олиш, унинг инвестицион жозибадорлигини ошириш, инвестицион ресурслардан, шу жумладан қарз

⁹² Мухитдинова К.А. Инвестиционная привлекательность автомобильного сектора. // Корпоратив молияни бошқаришнинг замонавий усуллари: қўлланилиш ва ривожлантириш масалалари. Рес.илм.-амал.анж. материал. тўплами. ТДИУ, 3 март 2016. –Б. 410-412

капиталидан самарали фойдаланишни таъминлаш имконини беради.

Бугунги кунда иқтисодиётнинг барча тармоқлари каби транспорт тизимида ҳам транспорт-логистика хизматларини кўрсатиш технологияларини ривожлантиришга қаратилган сиёсатнинг юритилаётганлиги шароитида тармоқ корхоналари рақобатбардошлигини оширишда инновацион технологияларни рағбатлантиришга йўналтирилган инвестицион стратегияни амалга ошириш ҳал этувчи омиллардан бири сифатида юзага кўтарилади.

Корхона маҳсулотларига бозор талаби янги техникани жорий қилиш учун асос вазифасини ўтайди. Бунда, агар улар маҳсулот сифати кўрсаткичлари бўйича кучли рақобатлашса, сифатни ошириш имконияти муҳим роль ўйнайди, аммо бозорда нарх рақобати ҳукмрон бўлса, инвестициявий ечим учун асосий чиқимларни камайтириш лозим бўлади. Агар харидорлар қисқа таъминот муддатларига кўпроқ эътибор берса, у ҳолда ишлаб чиқариш ва муомала жараёнини қисқартириш мақсадида жорий этилади⁹³.

Муаллифлар жамоасининг мазкур фикрларини тўлдирган ҳолда автомобиль трнспорти корхонаси инвестициявий сиёсатининг асосий стратегик йўналишлари сифатида қўйидагиларни қабул қилиш мумкин:

– агар автомобиль транспорти корхонасининг транспорт хизмат кўрсатиш қуввати, яъни транспорт хизматларининг таклифи бозор талабидан паст бўлса корхонанинг ташиш қувватини оширишга йўналтирилган инвестицион стратегия қўлланилади;

– агар автомобиль транспорти корхонасининг транспорт хизмат кўрсатиш қуввати бозор талабларини қаноатлантирса ва хизмат кўрсатиш баҳоси барқарор бўлса, корхонани ривожлантириш учун транспорт хизматлари сифатини оширишга йўналтирилган инвестицион стратегия қўлланилади;

⁹³ Ахмедов И.А., Хотамов И.С., Абдуллаев М.К. Иқтисодиётни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга инвестицияларни жалб этиш. // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. 2014. -№ 3, май-июнь.

– агар транспорт хизматлари бозоридаги рақобатда нарх-наво омили устунлик қилса, инвестицион стратегия ташиш таннарини пасайтиришга йўналтирилади;

– истеъмолчиларнинг талаби эгилувчан ва хоҳлаган пайтларида транспорт хизматларига эгалик қилиш истаклари юқори бўлса, транспорт ишлаб чиқарувчанлиги қайишқоқлигини таъминлаш, қувватларини жойлаштириш ва хизматларни тезкор тақдим этиш билан боғлиқ инвестицион фаолиятга устуворлик берилди.

Бозор талабларидан келиб чиқиб, бир вақтнинг ўзида бир неча стратегияни баробар қўллаш мумкин. Бунда инвестицион сиёсат стратегиясини самарали амалга оширишни қўллаб-қувватловчи тизимли шартлар қуйидагилардан иборат бўлади:

– транспорт воситалари ва уларга сервис хизматлари кўрсатувчи ускуналарни ишлаб чиқарувчилар ёки уларнинг диллерлари томонидан ҳаракатдаги таркиб ва технологик ускуналарнинг оқилона баҳоларда етказиб берилиши. Демак транспорт воситалари бозорида ҳам тўлақонли рақобат ва қулай инвестицион муҳитни шакллантириш талаб этилади;

– инвесторлар ва транспорт операторларининг миждозларнинг транспорт-логистика хизматларига бўлган талаблари, бозор конъюктурасининг ўзгариши, мол етказиб бериш шарт-шароитлари тўғрисида, миждозларнинг эса бундай хизматларнинг сифати, баҳоси ва тақдим этиш шартлари тўғрисидаги ахборотларига эга бўлишини таъминловчи мукамал ахборот-коммуникация сиёсатининг юритилиши;

– транспорт корхоналарини ривожлантириш бўйича инвестицион фаолиятни амалга оширувчи малакали менежер, муҳандис-техник ходимлар ва ишчи кучининг мавжудлиги ва уларни узлуксиз тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимининг мавжудлиги;

– илмий-тадқиқот, инновацион ва услубий ишланмаларни яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш механизмларининг самарали ишлаши ва бошқалар.

Шундай қилиб қуйидагиларни таъкидлаш лозим:

– автомобиль транспорти корхонаси инвестицион сиёсатини шакллантириш омилларини аниқлаш унга ташқи ва ички муҳитнинг таъсирини ўрганишга ҳамда корхонанининг ривожланиши ва ишлаб чиқариш салоҳиятини бошқаришнинг самарали механизмини шакллантиришга шароит яратади.

– мураккаб иқтисодий шароитларда рақобат кучайиши ҳамда мижозлар эҳтиёжларининг ўзгаришига мослашиши осонлашади. Хусусий операторлар бозорда хизмат кўрсатишнинг юқорироқ сифатини тақлиф қилишади.

– транспорт корхонасининг инвестицион сиёсатини ишлаб чиқишда автомобиллар парки тузилмаси ва ташилаётган юк тури ёки йўловчи кесимида бозорнинг айрим сегментларида ривожланиш стратегияларини табақалаштириш талаб этилади⁹⁴.

Мазкур бандда кўриб чиқилган инвестицион сиёсатни амалга ошириш тамойиллари, мақсад ва вазифаларидан транспорт бозор ривожланишида аниқланган тенденциялар ва қонуниятларни ҳисобга олган ҳолда автомобиль транспорти корхонаси ривожланиш стратегиясида белгиланган мақсадга эришиш ва вазифалар бажарилишига имкон беради.

3.2 §. Автомобиль транспорти корхоналарининг инвестицион фаолиятига таъсир этувчи омилларнинг эконометрик таҳлили

Мазмунига кўра инфратузилмавий соҳалар таркибига кирувчи шаҳар жамоат транспорти (ШЖТ) фаолиятини оптималлаштириш ва унда эркин рақобат муҳитини шакллантириш йирик шаҳарлар учун ўта долзарблик касб этувчи муаммолардан саналади. Жамоат транспортдан аҳоли фойдаланиши учун кенг имконият яратиш, биринчидан, ижтимоий-иқтисодий тартибга солиш воситаси бўлиб хизмат қилса, иккинчидан, бозор шароитида жамиятнинг мулкӣй табақаланиши жараёнини енгиллаштиради.

⁹⁴ Мухитдинова К.А. Инвестиционная привлекательность автомобильного сектора. // Корпоратив молияни бошқаришнинг замонавий усуллари: қўлланилиш ва ривожлантириш масалалари. Рес.илм.-амал.анж. материал. тўплами. ТДИУ, 3 март 2016. –Б. 410-412

Монография ишимизни объекти ҳисобланадиган «Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик жамияти таркибидаги 8 та автобус саройлари умумий узунлиги 2952,1 км. бўлган 133 та шаҳар ичи ва 21 та шаҳар атрофи йўналишларида аҳолига транспорт хизматларини кўрсатиб, умумий ташилаётган йўловчиларнинг 96 фоиздан кўпроғи уларнинг зиммасига тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 9 октябрдаги «Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-2048-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 13 ноябрдаги «Шаҳар йўловчи ташиш транспорти тизимини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги 308-сонли қарорларида:

– ШЖТ фаолиятини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш; йўловчилар ташиш хавфсизлиги ва сифатини ошириш;

– кулай ва шинам транспорт воситаларидан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш;

– транспорт ташкилотларининг молиявий-иқтисодий ҳолатини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш сарф-харажатларини қисқартириш, ёнилғи-мойлаш материалларидан самарали фойдаланиш;

– йўловчилар ташишни бошқаришга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, ШЖТнинг барча турларида йўловчилар оқимини тизимли асосда ўрганиб чиқиш;

– ҳаракатланадиган таркибнинг қатнови устидан «онлайн» тартибда масофадан туриб назорат қиладиган (GPS) тизимларни жорий этиш; транспорт воситаларидан фойдаланиш бўйича ягона техник сиёсат ва талабларни амалга ошириш;

– транспортни таъмирлаш ва унга сервис хизмати кўрсатиш бўйича инфратузилмани ривожлантириш каби масалалар ШЖТни


ташқил этиш тизимини такомиллаштиришнинг энг муҳим вазифалари ва йўналишлари сифатида белгилаб берилган.

Оммавий ташишларни таъминлашда автобус корхоналари бир томондан, давлат органлари томонидан белгиланадиган имтиёзли шартларда аҳолининг энг кам таъминланган қатламларига транспорт хизматларини кўрсатиш йўли билан муҳим ижтимоий вазифани бажарса, иккинчи томондан ҳаракатдаги воситалар, энергоресурслар, ёнилғи-мойлаш ва бошқа материалларни тижорат асосида фаолият юритувчи хўжалик субъектларидан бозор баҳоларида харид қилади, яъни транспорт эксплуатацияси тижорат асосида амалга оширилади. Шунинг учун ҳам, шаҳар аҳолисига транспорт хизмати кўрсатиш ҳажми, кўлами ва сифатини ошириш билан боғлиқ автобус корхоналарининг инвестицион фаолияти самарадорлигини оширишда ушбу омиллар таъсирини баҳолаш муҳим аҳамиятга эга⁹⁵.

2010-2019 йиллар оралиғида даромадлар ва харажатлар ўзгариш динамикасини таҳлил қиладиган бўлсак, даромаднинг ҳам, харажатларнинг ҳам ўсиш суръатини кўришимиз мумкин (3.2-расмга қаранг).

Бироқ, даромад миқдори жорий баҳоларда 2019 йилда 2010 йилга нисбатан 3,5 баробарга ўсган бўлса, харажатлар эса 3,9 баробарга ўсган. Харажатларнинг бу даражада катта суръатларда ўсишига асосан, янги ҳаракатланувчи таркиб сотиб олиниши ва уларни таъмирлаш учун керакли бўлган эҳтиёт-қисмлар ҳамда ёқилғи-мойлаш материалларининг нархи ошиши сабаб бўлган. Натижада олинган даромад ва қилинган харажатлар ўртасидаги манфий сальдо қарийб 8 баробарга ўсган, яъни компаниянинг ҳозирги кунда зарар билан ишлаётганлигини кўрсатади.

⁹⁵ Мухитдинова К.А. Инвестиционная привлекательность автомобильного сектора. // Корпоратив молияни бошқаришнинг замонавий усуллари: қўлланилиш ва ривожлантириш масалалари. Рес.илм.-амал.анж. материал. тўплами. ТДИУ, 3 март 2016. –Б. 410-412



3.2-расм. «Тошшаҳартрансхизмат» АЖ автобус корхоналари молиявий кўрсаткичлари динамикаси⁹⁶

Йўловчи ташишдан олинган даромад, қилинган харажатлар ва молиявий ҳолат автобус корхоналари ривожланиши учун инвестиция жуда ҳам зарурлигини кўрсатади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, инвесторлар биринчи навбатда ҳар қандай корхонанинг молиявий ҳолатини таҳлил қилишдан бошлайди, яъни қандай харажатларни амалга ошироқда, бу харажатлар таркибида кераксиз харажатлар борми, йўқми каби саволларга жавоб топишдан бошлайди. Шу сабабли, инвестиция жалб қилиш учун «Тошшаҳартрансхизмат» АЖ таркибига кирувчи автобус корхоналари инвестицион жозибадорлигини баҳолашни афзал деб ҳисоблаймиз.

«Тошшаҳартрансхизмат» АЖда автобусларда хизмат кўрсатиш учун қилинган харажатлар таркибий қисмини ўрганадиган бўлсак, 3 қисмдан иборат эканлигини кўришимиз мумкин. Бу ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш), ёрдамчи фаолият харажатлари ва ноишлаб чиқариш харажатларидир. Қилинган харажатлар таҳлили

⁹⁶ «Тошшаҳартрансхизмат» АЖ маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

шунини кўрсатадики, барча харажатларнинг асосий қисмини ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) харажатлари ташкил этади.

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда, «Тошшаҳартрансхизмат» АЖ таркибидаги автобус корхоналарига инвестиция жалб қилиш учун, унинг даромадига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди. Чунки, автотранспортда йўловчи ташиш соҳаси инвестицион стратегиясини ишлаб чиқишда даромадга омилларнинг таъсир доирасини билиш лозим.

Бу муаммони ҳал қилишда, фикримизча энг оптимал усул корреляцион-регрессион модель ишлаб чиқишдир. Бунинг учун даромадга таъсир этувчи асосий омилларни аниқлаш ва уларни даромадга қандай таъсир кўрсатаётганини кўриш лозим.

2010-2019 йиллардаги даромаднинг кўп омилли таҳлилини қилишда, даромадга таъсир этувчи омиллар сифатида, шу йилларда қилинган харажатлар таркиби олинди (3.1-жадвалга қаранг). Уларнинг таркибини таҳлил қилиш натижаси шунини кўрсатадики, умумий харажатларнинг катта қисми (иш ҳақи ва ижтимоий ажратмаларни камайтириш имконияти камлиги сабабли биз бу кўрсаткичларни таъсир этувчи омил сифатида олмадик) қуйидаги бешта кўрсаткичга тўғри келади:

- ёқилғи-мойлаш материаллари;
- амортизация ажратмалари;
- техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш харажатлари;
- давр харажатлари;
- солиқлар ва мажбурий тўловлар.

Қуйида бу кўрсаткичларни омил сифатида олишимиз сабабини кўриб чиқамиз.

Амортизация бу – корхонани умумий иқтисодий фойяти сиёсатининг таркибий қисми бўлиб, даромаддан асосий воситаларнинг ҳолатидан келиб чиққан ҳолда ажратиладиган ажратмалардир. Асосий воситалар ҳолати ўз

«Тошшаҳартрансхизмат» АЖ автобус корхоналарининг молиявий кўрсаткичлари ва улар таркибининг ўзгариш динамикаси, млн. сўм⁹⁷

Йиллар	Шу жумладан,					Зарар		
	Умумий даромад	Умумий харажат	Ўқилги-мойлаш харажатлари	Транспорт воситалари амортизацияси	Техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш харажатлари		Давр харажатлари	Солиқ ва тўловлар
	Y1	Y2	X1	X2	X3	X4	X5	Y3
2010	98266,5	111034,1	33753,2	19368,1	24325,9	2597,9	8597,1	-12767,7
2011	116263,7	132596,0	43341,3	22271,1	29493	13912,7	8597,1	-16332,3
2012	135011,0	162934,0	47572,6	30278,5	37195,4	17818,7	11748,1	-27923,0
2013	149571,6	192904,6	45602,9	32196,5	46093,4	30291,3	22915,1	-43332,8
2014	152583,8	218621,5	69982,2	31367,6	47598,5	30997,1	23301,6	-66037,7
2015	189130,0	237149,9	64069,6	32650,1	51994,7	40799,3	29485,6	-48020,0
2016	194832,2	238221,6	57295,4	34025,1	49885	50964,1	38187,1	-433893,4
2017	214692,6	315968,2	74774,8	35696,6	70381,7	75314,2	60373,6	-101275,7
2018	291696,7	395867,3	96994,8	46699,2	93423,7	89415,1	69334,5	-104170,6
2019	346962,9	435877,5	114995,9	53778,2	96013,7	97473,1	73616,6	-88914,6

⁹⁷ Жамиятнинг ҳисоботларидан олинган.

қийматини маҳсулотга бериб бориб ўзгартиради, яъни асосий воситаларнинг эскириши натижасида ўзгариши назарда тутилади.

Асосий воситаларни эскириши ёки қийматини ўзгартириши асосан қуйидаги ҳолатларда юзага келади:

– маҳсулот ишлаб чиқариш натижасида асосий воситаларга механик таъсир натижасида;

– асосий восита маҳсулот ишлаб чиқаришда иштирок этиши ёки этмаслигидан қатъий назар табиий омил таъсири натижасида⁹⁸;

– асосий воситалар илмий-техник ютуқлари натижасида, ишлаб чиқариш жараёнида техник ва технологик эскириши, яъни замонавий стандартларга жавоб бера олмаслиги - маънавий эскириш.

Юқорида келтирилган 3 турдаги эскириш йўлларида шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси №5-сонли бухгалтерия миллий стандарти бўйича, ажратмалар ҳар ҳисобот даври учун корхона даромадига асосан ҳисобланиши лозимлигини ва шу билан бирга ажратмаларни ҳисоблашда моддий эскиришни ҳам ҳисобга олиш лозимлигини таъкидлаб ўтилган.

Келтирилган фикрлардан шуни кўрсатади, инвестицион жозибдорликни баҳолашда, даромадга таъсир этувчи омиллар сифатида амортизация ажратмаларини олиш мумкин. Чунки, асосий воситаларнинг эскириши корхона даромадининг камайишига олиб келиши билан бирга, ажратмалар таннархи таркибида ётганлиги сабабли, маҳсулот қийматининг ошишига олиб келади.

Бундан ташқари, ишлаб чиқаришда, яъни ташиш ишларини ташкил қилишда ва амалга оширишда иштирок этмасдан ўз ҳолатини ўзгартираётган асосий воситалар ҳеч қандай даромад олиб келмайди. Табиий эскириш натижасида ёки маънавий эскириш натижасида асосий воситалар ҳозирги кун талабларига жавоб бермаслиги натижасида, асосий воситалар, шу жумладан автомашиналарни техник соз ҳолда ушлаб туриш ва таъмирлаш

⁹⁸ Мухитдинова К.А. Инвестиционная привлекательность автомобильного сектора. // Корпоратив молияни бошқаришнинг замонавий усуллари: қўлланилиш ва ривожлантириш масалалари. Рес. илм.-амал.анж. материал тўплами. ТДИУ, 3 март 2016. –Б. 410-412

ишларига бўлган харажатларнинг ошишига олиб келади. Чунки, ҳозирги кун талабларига (эсплуатация харажатлари кам бўлган техникалар) мослаштириш катта маблағни талаб этади. Бундан ташқари автобусларнинг ташқи ва ички кўриниши дизайн жиҳатидан давр талабига жавоб бериши лозимдир⁹⁹.

Маълумки, солиқлар ва мажбурий тўловлар корхона олаётган даромадга солинади. Бу эса, корхона даромадининг маълум бир қисми солиқлар ва мажбурий тўловларга сарфланишини билдиради. Солиқ ва мажбурий тўловлар юки корхона учун қанча юқори бўлса, даромаднинг шунча қисми солиқ ва мажбурий тўловларни амалга оширишга йўналтирилади. Пировард натижада фойда миқдорига таъсир кўрсатади. Бу эса, корхонанинг инвестицион жозибаторлик кўрсаткичи паст бўлишига салбий таъсир кўрсатади.

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда, автомобиль транспортида йўловчи ташиш соҳасига инвестиция жалб қилиш учун ёқилғи-мойлаш материаллари харажати, амортизация, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, солиқлар ва мажбурий тўловлар ва давр харажатларини омил сифатида олиб, даромадига таъсирини ўрганишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Шунинг учун охириги 10 йиллик даромад ва харажатлар кўрсаткичлари омиллар сифатида қабул қилинди. Бу омилларнинг даромадга таъсирини кўриш учун чизикли корреляцион-регрессион модель ишлаб чиқилган. Унинг регрессия тенгламаси қуйидаги кўринишга эга:

$$Y=63722,7-0,331X_1-2,39X_2-1,21X_3-1,97X_4-0,29X_5 \quad (1);$$

Бу ерда:

Y– даромад, млн. сўм;

X₁-ёқилғи-мойлаш материалларига харажатлар, млн.сўм;

X₂- амортизация ажратмалари, млн. сўм;

⁹⁹ Мухитдинова К.А. Инвестиционная привлекательность автомобильного сектора. // Корпоратив молияни бошқаришнинг замонавий усуллари: қўлланлиш ва ривожлантириш масалалари. Res.илм.-амал.анж. материал. тўплами. ТДИУ, 3 март 2016. –Б. 410-412

X_3 -техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш харажатлари, млн.сўм;

X_4 -давр харажатлари, млн.сўм;

X_5 - солиқлар ва мажбурий тўловлар, млн.сўм.

Даромад ва омиллар ўртасидаги корреляция коэффиценти $R=0,96$ ни дитерминация коэффиценти $R^2=0,92$ ташкил этган. Юқори даражадаги корреляция коэффиценти ўрганилаётган омиллар бир бири билан узвий боғлиқлигини кўрсатади. Дитерминация коэффиценти автобус корхоналари даромади 92 фоиз омиллар вариациясига боғлиқлигини кўрсатади.

F – Фишер мезони қиймати $\alpha = 0,05$ хатоликдаги ҳолатига жадвалда келтирилган ($F_{\text{ҳақ}} = 10,05 > F$ жадвал) юқори, бу эса тегламани мақсадли функция равишда фойдаланиш мумкинлигини кўрсатади.

Регрессия тенгламаси натижаларига асосан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, даромадга энг кўп таъсир кўрсатадиган омил бу амортизация харажатлари, кейинги ўринда давр харажатлари омили турса, 3-ўринда техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш харажатлари, энг кам таъсир кўрстадиган омил эса солиқ ва мажбурий тўловлар омилидир.

Юқорида келтирилган фикрлар ва олинган корреляцион моделдан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, «Тошшаҳартрансхизмат» АЖ автомобиль транспортида йўловчи ташиш соҳасига инвестиция киритиш учун даромадга юқори таъсир кўрсатувчи харажатларни қисқартиришга қаратилган чоратадбирлар ишлаб чиқиш лозимдир. Чунки, бу харажатлар даромадга бевосита боғлиқ бўлиб, бу харажатлар қопланиши даромад эвазига бўлганлиги сабабали, омиллар автобус корхоналари молиявий ҳолати манфий кўрсаткичга эга бўлишида олиб келган. Бу эса, даромадлилиқ даражаси ва тўлов қобилятининг пасайишига олиб келади.

3.3 §. Автомобиль транспорти корхоналари инвестицион жозибадорлигини баҳолаш услубиётини такомиллаштириш

Иқтисодиётнинг ўсиши асосан тадбиркорлик субъектлари сифатида корхоналарнинг инвестицион фаоллигини оширишга боғлиқдир. Шу тариқа, инвестициялар иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий омили бўлиб хизмат қилади ва уларни самарали амалга оширилиши натижасида олинган даромад кенгайтирилган ишлаб чиқариш жараёнини жадаллаштириш учун плацдарм вазифасини ўтайди¹⁰⁰.

Ташкилотнинг муваффақиятли фаолият юритиши ва даромад кўрсаткичларининг ўсиб бориши доимий равишда ташқи капитални жалб қилишни талаб қилади. Чунки ҳар қандай инвестор учун даромадлилик ва хавфларни ҳисобга олиш унинг келгусидаги сармояларидан олинган даромадлари муҳимдир. Инвестор йўқотишлар эҳтимоллигини тамоман бартараф этиш учун барча саъй-ҳаракатларни амалга оширади ва бунда инвестицион жозибадорликни баҳолашга алоҳида эътибор қаратади.

Инвестиция стратегиясини ишлаб чиқиш мақсадида ишончли ахборотга эга бўлиш учун макро даражадан (давлат инвестиция иқлимидан) тортиб, то микро даражагача (алоҳида инвестиция лойиҳаларининг инвестицион жозибадорлигини баҳолаш) тизимли ёндашув асосида бозор конъюнктурасини ўрганишни амалга оширилади. Ушбу кетма-кетлик инвесторлар учун таклиф этилаётган инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда мавжуд хавфлар шароитида инвестицияланган капиталдан режали даромад олишни таъминловчи энг яхши ривожланиш истиқболига эга бўлган корхоналарни танлаб олиш имконини беради¹⁰¹.

Иқтисодий адабиётларни ўрганиш натижаларига кўра инвестицион жозибадорликни баҳолаш методологик базасининг таҳлили шуни кўрсатдики, асосан улар ишлаб чиқариш

¹⁰⁰ Бесчастный Г. Б. Инвестиционная привлекательности компаний и возможности использования ее на практике. // Экономика и управление. 2010. -№ 1. – С. 78.

¹⁰¹ Мухитдинова К.А. Транспорт тармоғига инвестицияларни жалб қилиш: ҳозирги ҳолати ва истиқболлари. // Молия. 2012. –№2. –Б.64-70

корхоналари фаолиятига нисбатан қўлланилган. Автомобиль транспорти хизматлари кўрсатиш субъектларининг инвестицион жозибаторлигини баҳолаш тизими мавжуд методологик тамойилларни тармоқ хусусиятларидан келиб чиқиб унинг фаолиятига трансформациялаш долзарблик касб этиб, айниқса макро ва мезодаражаларда омиллар таъсирини тўлиқ ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга.

Монография ишининг 2.3-бандида таклиф этилган инвестицион жозибаторлик даражасини аниқлаш алгоритми хўжалик юритувчи субъектлар ташқи муҳити барча даражаларининг инвестицион жозибаторлиги ўзаро боғлиқлигидан далолат беради. Субъект бўлмиш ахборот фойдаланувчисига кўра инвестицион жозибаторлик даражасини аниқлаш алгоритми турли хил босқичларни ўз ичига олиши мумкин. Жумладан, хорижий инвестор инвестиция киритиш объектини танлашнинг дастлабки босқичида мамлакат миқёсидаги хавфларини ҳисобга олишга ҳаракат қилади, яъни, энг аввало, давлатнинг инвестицион жозибаторлигига эътибор беради. Ички инвесторлар учун эса ушбу хавфлар муҳим эмас. Улар инвестицион жозибаторлиги даражасини аниқлаш жараёнини асосан соҳа ёки ҳудуд (вилоят, туман) жозибаторлигини баҳолашдан бошлашади. Фикримизча, хўжалик юритувчи субъектнинг инвестицион жозибаторлигини аниқлашда оралиқ босқич бўлиб, бозорнинг инвестицион салоҳиятини баҳолашга хизмат қилиши мумкин.

Давлатнинг инвестицион жозибаторлигини баҳолашда, фикримизча мамлакат хавфларини баҳолашнинг мавжуд методикаларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Умуман олганда, мамлакат хавфи – бу мамлакатнинг истикболли ва жорий иқтисодий ва сиёсий ҳолати билан, шунингдек мамлакат ҳукумати ёки унинг юрисдикциясида бўлган бошқа иқтисодий субъектларнинг ўз мажбуриятлари бўйича жавоб бериш қобилиятида акс эттирилиши билан боғлиқ.

Бугунги кунда халқаро амалиётда мамлакат ёки минтақаларнинг инвестицион жозибаторлигини «инвестицион

салоҳият – инвестицион хавф» тизимида алоҳида ва хусусий мезонлар асосида баҳолаш кенг қўлланилмоқда. Ушбу услубиётга мувофиқ инвестицион салоҳият ва инвестицион хавфлар бирикмалари асосида инвестицион жозибаторлик шкаласи тузилиб, унда энг юқори 1А дан энг паст 3D гача 12 та рейтинг даражаларни камраб олади (3.2-жадвалга қаранг).

3.2-жадвал

Инвестицион жозибаторликнинг рейтинг шкаласи

№	Рейтинг даражаси	Инвестицион жозибаторлик тавсифи
1	1А	Юқори потенциал – минимал хавф
2	1В	Юқори потенциал – ўртача хавф
3	1С	Юқори потенциал – юқори хавф
4	2А	Ўрта потенциал – минимал хавф
5	2В	Ўрта потенциал – ўртача хавф
6	2С	Ўрта потенциал – юқори хавф
7	3А	Паст потенциал – минимал хавф
8	3В1	Пасайган потенциал – ўртача хавф
9	3С1	Пасайган потенциал – юқори хавф
10	3В2	Кичик потенциал – ўртача хавф
11	3С2	Кичик потенциал – юқори хавф
12	3D	Паст потенциал – экстремал хавф

Тармоқнинг инвестицион жозибаторлиги даражасини баҳолашда, фикримизча, инвестицион маркоиктисодий мультипликаторни баҳолаш бўйича ишлаб чиқилган услубиётлардан фойдаланиш етарли деб ҳисоблаш мумкин. Агар соҳага киритилган инвестициялар маълум бир бирликка ошганда, ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) қанчалик ошишини мультипликатор кўрсатади. Шунингдек, мультипликатор инвестицион лойиҳалар амалга ошириш ва соҳа корхоналар фаолияти натижасида пайдо бўлган кўшимча эҳтиёжлар орқали билвосита макроиктисодий самаранинг намоён бўлиш механизмини акс эттиради.

Инвестицияларнинг мультипликатив самараларининг намоён бўлиш механизми қуйидаги кетма-кетликда ишлайди: автомобиль транспортига жалб этилган бирламчи инвестициялар ЯИМнинг ўсишини таъминловчи бошланғич рағбат беради ва уни бирламчи мультипликатив самара деб аташ мумкин. Олинадиган мультипликатив самара қўшимча инвестициялаш манбаини вужудга келтиради ва тармоқ поғонасида инвестицияларнинг акселератив самарасини келтириб чиқаради. Автомобиль транспорти корхоналари поғонасида олинадиган қўшимча даромадлар эса ички индукцияланган инвестициялар манбаини келтириб чиқаради ҳамда асосий воситаларни кенгайтириш ва янгилаш имкониятини туғдиради¹⁰².

Ушбу методика иқтисодиёт тармоқларининг инвестицион жозибadorлиги устуворлигини объектив баҳолашга имкон беради, тармоқ самарadorлигини таҳлил қилиш учун мультипликаторлардан фойдаланиш бир қатор қийинчиликлар билан боғлиқ:

– вақт ўтиши билан иқтисодиёт тузилмасида ўзгаришлар содир бўлади, бунда мультипликаторни иқтисодий ўсишга, тармоқ ҳиссасини динамик баҳолашга қўллаб бўлмайди;

– инвестицион мультипликатордан фойдаланиш асосий капиталга киритилган инвестициялар тармоқ горизонтида бир хил тақсимланади деган тахминга асосланади;

– мультипликаторларни ҳисоблашда тармоқлараро баланслар бўйича аниқ статистик маълумотларнинг мавжуд эмаслиги.

Мазкур услубиёт келтирилган умумий бозор хавфлар баҳоланиши ёки бозор баҳолари асосида корхоналарнинг инвестицион жозибadorлигининг баҳоланиши фонд бозори инфратузилмаси ҳолатига асосланган ҳамда бутун тармоқ ёки иқтисодиётнинг самарadorлигига нисбатан ҳисобга олганда қўл келиши мумкин.

¹⁰² Қодиров Т.У. Автомобиль транспорти тизимини самарали инвестициялашнинг иқтисодий механизмлари: икт. фан. ном. дисс. Т.АЙИ, 2008. –37 б.

Шу билан бирга, айрим вақтларда корхоналарнинг бозор баҳолари уларнинг реал даражаларига мос келмаслик ҳоллари ҳам учраб туради. Бундан ташқари, шуни эътиборга олиш керакки, деярли барча корхоналарда операция фаолиятда иштирок этмайдиган активлар, шунингдек бизнеснинг иқтисодий ва бошқарув тизимлари бозор томонидан етарли даражада баҳоланмаган бўлиши мумкин. Булардан ҳамда умумтармоқ ва умумиқтисодий муаммолар ҳамда автомобиль транспорти операторлари фаолиятининг ўзига хосликларидан келиб чиқиб, автотранспорт ташкилотларининг инвестицион жозибadorлиги даражалари адекват қийматларини олиш учун корхоналар инвестицион сифатларини интеграл баҳолашга урғу бериш тавсия қилинади¹⁰³.

Инвестицион жозибadorликни баҳолаш корхонанинг инвесторларни жалб қила олиш салоҳияти ҳақида аниқ тасаввурни шакллантиришдан иборатдир.

Баҳолаш даврида ташкилот фаолияти тўғрисида ишончли маълумот олиш мумкин бўлган кўп манбалар мавжуд. Ушбу манбалар ташқи (банкларнинг архивлари, аудиторлик агентликлари, фонд бозори маълумотлари, корпоратив ҳамкорлардан маълумот ва бошқалар) ва ички (молиявий ҳисоботлар, ички молиявий ҳисоботлар, ички бошқарув ҳисоботлари, режалаштириш ҳужжатлари, солиқ ҳисоботлари ва бошқа норматив ҳужжатлар) манбаларга бўлинади.

Энди корхона инвестицион жозибadorлигини баҳолашда мезонлар ва уларга мос келувчи кўрсаткичларни танлаш хусусида тўхталамиз.

Россиялик бир гуруҳ тадқиқотчилар¹⁰⁴ корхона инвестицион жозибadorлигини баҳолашда асосий мезонлар сифатида тўртта муҳим кўрсаткич: ташкилот рентабеллиги; даромад; акция баҳоси ва капитал даромадлилигини таъкидлайдилар.

¹⁰³ Мухитдинова К.А. Investment support for the activities of motor transport enterprises and their effective utilization. // Asian Journal of multidimensional research. 2018, (SJIF:6.053). –Б. 466-472

¹⁰⁴ Васильева Н.А., Ишмухаметова А.Р., Юдина Н.А. Инвестиционная привлекательность организации. // Скиф. 2017. - №8. – С. 67.

Н.О.Чухаджян эса инвестиция харажатлари, ишлаб чиқариш ҳажмлари, маҳсулотнинг рентабеллиги ҳамда меҳнат унумдорлигига урғу беради¹⁰⁵.

И.А.Бланк, В.В.Ковалев, А.Д.Шеремет ва бошқалар ликвидлик, тўлов қобилияти, молиявий барқарорлик, рентабеллик кўрсаткичларини ва тадбиркорлик фаолиятини мезон сифатида асослайдилар. Муаллифлар ахборот ресурсларининг мавжудлиги, ҳисоб-китобларнинг шаффофлиги ҳамда корхона молия-хўжалик фаолиятини комплекс баҳолаш имконияти таъминланганлиги тақдирида жозибадорликнинг ҳақиқий даражасини ҳисоблаш мумкинлигини кўрсатиб берадилар.

Корxonанинг инвестицион жозибадорлигини баҳолашнинг асосий мақсади инвестицион объектларнинг бир нечта солиштирма объектлари орасида энг яхши танлов ҳисобланади. Бундай танловни амалга ошириш учун инвестор қуйидаги методологияга таяниши керак:

– корxonанинг инвестицион жозибадорлиги индикаторининг микдор кўрсаткичини олиш;

– потенциал инвестиция объектлари учун олинган натижаларни солиштириш.

Шунинг учун энг мураккаб ва ишончли усул умумлаштирувчи (интеграл) мезонлардан фойдаланган ҳолда – корхона инвестицион жозибадорлик коэффициенти бўлиши мумкин. Ушбу усулда корxonанинг молиявий ва ишлаб чиқариш ҳолатини таҳлил қилиш гуруҳга бўлинади ва шунда корхона фаолиятининг турли хил сифатли компонентлари ҳам ҳисобга олинади мумкин. Мазкур ёндашувнинг афзаллиги сифат кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда корxonанинг инвестицион жозибадорлик даражасининг умумлаштирилган микдорий баҳосига эга бўлишдир.

Хорижлик ёш тадқиқотчи С.С.Думина¹⁰⁶ эса автомобиль транспорти корxonаларининг инвестицион жозибадорлигининг

¹⁰⁵ Чухаджян Н. О. Объекты инвестирования и факторы, влияющие на их инвестиционную привлекательность. // Имущественные отношения в РФ. 2005. - №6. – С. 56.

¹⁰⁶ Думина С.С. Совершенствование механизма оценки инвестиционной привлекательности автотранспортных организаций. // TRANSPORT BUSINESS IN RUSSIA, 2017. - №3. –С. 78.

интеграл кўрсаткичини автотранспорт бизнес субъектлари ишлаш потенциалларининг йиғиндисини сифатида баҳолашни таклиф этади:

- хизматлар жозибаторлиги;
- инновацион жозибаторлик;
- кадрлар жозибаторлиги;
- молиявий жозибаторлик;
- ҳудудий жозибаторлик;
- диверсификацион жозибаторлик;
- ижтимоий жозибаторлик;
- экологик жозибаторлик.

Ўз навбатида потенциалларнинг ҳар бири инвестицион жозибаторликнинг энг муҳим кўрсаткичлари ҳар томонлама аниқ интеграл баҳоланишни амалга ошириши керак. Биз томонимиздан автотранспорт ташкилотлари инвестицион жозибаторлигини баҳолаш омиллари белгилари вазнларини аниқлаш учун жуфтлик киёслашлар усули қўлланилиб, унинг услубий ёндашувида параметрларнинг аҳамиятлилики даражаси экспертлар томонидан белгиланади (3.3-жадвалга қаранг).

3.3-жадвал

Автомобиль транспорти корхоналари инвестицион жозибаторлиги параметрларининг ўртача меъёрланган белгилар вазни

Инвестицион жозибаторлик	Жозибаторлик кўрсаткичлари
Инвестицион жозибаторлик	Нархлар даражаси коэффиценти
	Юкни етказиб бериш коэффиценти
	Доимий мижозлар улуши
	Буюртмаларни вақтида бажариш индекси
	Юк йўқолиши, бузилиши коэффиценти
	Ҳаракатдаги таркиб ўртача ёш коэффиценти
	Бозорда компания улуши

	Ҳаракатдаги парк таркиби ҳолати ва фойдаланиш самарадорлиги интеграл коэффиценти (альфа, гамма, бета)
Инновацион жозибаторлик	Ҳаракатдаги таркибни янгилаш коэффиценти
	Ташишлар ҳажмининг ўсиш коэффиценти
	Инновацияларга харажатлар улуши
	Инновацион тежамкорлик коэффиценти
	Инвестициялар рентабеллиги
	Моддий-техник базанинг ўсиш коэффиценти
	Меҳнатни автоматлаштириш коэффиценти
Кадрлар жозибаторлиги	Кадрларнинг янгиланиш коэффиценти
	Кадрлар тургунлиги коэффиценти
	5/10 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга ҳайдовчилар улуши
	Ҳайдовчилар меҳнат унумдорлигининг ўсиши коэффиценти
	ЙТХ коэффиценти
Молиявий жозибаторлик	Ташишлар рентабеллиги
	Даромад ўсиши коэффиценти
	Жорий ликвидлик коэффиценти
	Дебитор ва кредитор қарздорлигининг нисбати
	Ўз айланма капитал билан таъминланганлик коэффиценти
	Молиялаштириш коэффиценти
Худудий жозибаторлик	Масофадан фойдаланиш коэффиценти
	Ер баҳоси (ижара ҳақи) индекси
	Транспорт тармоқ зичлиги индекси
Диверсификацион жозибаторлик	Универсал ҳаракатдаги таркиб улуши
	Кўшимча хизматлардан даромадлар ўсиши коэффиценти
	Энтропия индекси
Ижтимоий жозибаторлик	Ўртача иш ҳақининг индекси
	Иш ҳақининг ўсиш коэффиценти

	Иш жойлари кўпайиши коэффициенти
	Меҳнатга вақтида ҳақ тўлаш коэффициенти
	Ижтимоий ва корпоратив инфратузилма ривожланганлик коэффициенти
	Экологик жозибadorлик
Экологик жозибadorлик	ЕВРО 4 (5) дан паст бўлмаган экологик стандартларга мос транспорт воситаларининг улуши
	Экологик солиқлар ва тўловлар коэффициенти
	Ресурсларни тежаш коэффициенти
	Транспорт хизматларини экологиялаштиришга йўналтирилган соф даромад коэффициенти

Юқорида кўрилган услубий ёндашувларда келтирилган инвестицион жозибadorликни баҳолаш кўрсаткичлари тизими тўлиқ ва якуний эмас, у корхона баҳосининг ўсиш динамикаси, корхона қийматининг кўшилган баҳоси, шунингдек транспорт хизматлари сервис ва сифати даражасини акс эттирувчи бир қатор кўрсаткичлар билан тўлдирилиши мумкин¹⁰⁷.

Шуни таъкидлаш мумкинки, кўп сонли кўрсаткичлар ҳисоблашни анча мураккаблаштиради ҳамда баҳолаш жараёнининг қимматлашишига (вақт сарфининг ҳисобига) олиб келади. Бундан ташқари, кўрсаткичларнинг кўп сони ёки уларнинг салоҳият бўйича диспропорциялари омилларнинг қисман такрорланиши ҳисобига реал инвестицион жозибadorликни кўрасата олмаслиги мумкин.

Автомобиль транспортининг эксплуатацияси нафақат автомобиль транспорти воситаларини тўғри танлаш, балки уни самарали ишлата олишни ҳам назарда тутиб, ташишни ташкил этишнинг замонавий усуллари ва моддий оқимларни оқилонга ташкил этиш орқали янада мақбуллаштирилиши мумкин.

Кучли рақобат шароитида автомобиль транспорти корхоналарининг техник-эксплуатацион кўрсаткичларини яхшилаш хизмат кўрсатишнинг узлуксизлиги ҳамда барқарор ўсиш ҳажмини

¹⁰⁷ Мухитдинова К.А. Investment support for the activities of motor transport enterprises and their effective utilization. // Asian Journal of multidimensional research. 2018, (SJIF:6.053), –Б. 466-472

таъминлай олиши ва унинг натижасида иқтисодий мустаҳкамликка эришиш қобилиятини англади.

Техник-эксплуатацион кўрсаткичларнинг айримлари ташқи муҳит омилларига: табиий-иқлим шароитлари, аҳоли ва ишлаб чиқариш кучлари жойлашуви, давлатнинг транспорт, молия-кредит, солиқ, баҳо ва ижтимоий сиёсатларига объектив тарзда боғлиқ бўлиб, унга АТКлар таъсир кўрсатиш имконига эга эмаслар.

Ички омиллар бевосита корхонага боғлиқ бўлиб, улар ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ходимлар ва бошқарув тизими, моддий-техника таъминоти, сервис хизмати, транспорт воситалари парки таркиби, тадбиркорлик қобилияти, ташиш технологиялари, миқдорлар билан ўзаро алоқа ва ҳисоб-китобларни йўлга қўйиш даражасига боғлиқдир.

Демак ташиш ҳажми бевосита техник-эксплуатацион кўрсаткичлар ўзгаришига боғлиқдир.

Автобус корхоналари учун ташиш ҳажми қуйидагича ҳисобланади¹⁰⁸:

$$Q = \frac{T_n \cdot V_t \cdot \beta \cdot q \cdot \gamma_c \cdot A_c \cdot \alpha_w \cdot D_k}{L_y} \quad (3.2)$$

Бу ерда:

Q – йиллик ташиш ҳажми, тн, йўловчи;

T_n – автомобилларнинг ўртача кунлик иш вақти, соат;

V_t – автомобилларнинг ўртача техник тезлиги, км/соат;

V_э – ўртача эксплуатацион тезлик, км/соат;

β – ўртача масофадан фойдаланиш коэффициенти;

Q – автобусларнинг ўртача йўловчи сифими, йўловчи;

γ_c – ўртача йўловчи сифимидан фойдаланиш коэффициенти;

A_c – ўртача рўйхатдаги автомобиллар сони;

α_w – ўртача паркдан фойдаланиш коэффициенти;

D_k – календарь кунлар сони;

L_y – бир йўловчини ўртача ташиш масофаси, км.

¹⁰⁸ Мухитдинова К.А. Investment support for the activities of motor transport enterprises and their effective utilization. // Asian Journal of multidimensional research. 2018, (SJIF:6.053), –Б. 466-472

Кучли рақобат шароитида автомобиль транспорти корхоналарининг техник-эксплуатацион на иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш хизмат кўрсатишининг узулқончилиги ҳамда барқарор ўсиш ҳажмини таъминлай олиши на унинг натижасида иқтисодий мустаҳкамликка эришиш қобилиятини англади.

Биз, мисолимизда Тошкент шаҳридаги 8 та автобус корхоналари мисолида техник-эксплуатацион кўрсаткичлар маълумотини шакллантирдик («3.4-жадвалга қаранг»).

Автобус корхоналари техник-эксплуатацион кўрсаткичлари жозибдорлигини аниқлаш учун бевосита корхонага боғлиқ бўлган ва ўлчов бирлиги бир хил бўлган ўртача паркдан фойдаланиш коэффициенти (α), ўртача йўловчи сифимидан фойдаланиш коэффициенти (γ) ва ўртача масофадан фойдаланиш коэффициентларини (β) танлаб оламиз.

3.4-жадвал

Автобус корхоналарининг асосий техник-эксплуатацион кўрсаткичлари ўзгариши¹⁰⁹

№	Кўрсаткич	АС-1	АС-2	АС-4	АС-5	АС-7	АС-8	АС-12	АС-18
1	α	0,760	0,684	0,694	0,727	0,699	0,706	0,661	0,754
2	β	0,944	0,925	0,929	0,916	0,933	0,953	0,661	0,944
3	γ	0,584	0,509	0,511	0,567	0,420	0,471	0,810	0,488

Тошкент шаҳрида мавжуд йўловчиларга автобусларда хизмат кўрсатиш сегментида автобус корхонасининг техник-эксплуатацион кўрсаткичлари жозибдорлигини уларнинг энг катта қийматга эга техник-эксплуатацион кўрсаткичлари асосида ҳисоб-китоб қилинади.

$$Жтэк = \sum_{i=1}^m a_i t_i \quad (3.3)$$

¹⁰⁹ 2018 йил маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Бу ерда: Жтэк–автобус корхоналарининг берилган шароитларда техник эксплуатацион кўрсаткичлари жозибаторлиги даражаси;

a_i – i -техник-эксплуатацион кўрсаткич вазни;

t_i – i -техник-эксплуатацион кўрсаткич.

Ҳар бир техник-эксплуатацион кўрсаткичлар вазнини аниқлаш учун уларнинг ўртача қийматлари асосида оралиқ тенглама тузилади:

$$\sum t_i x = 1 \quad 0,760x + 0,953x + 0,810x = 1; \quad x = 0,396; \quad (3.4)$$

бу ерда:

$$t_1 = 0,760 * 0,396 = 0,3;$$

$$t_2 = 0,953 * 0,396 = 0,38;$$

$$t_3 = 0,810 * 0,396 = 0,32$$

Ҳисоб-китоблардан кўришиб турибдики, шаҳар жамоат транспортининг мазкур сегментда фаолият юритаётган автобус корхоналарининг техник-эксплуатацион кўрсаткичлари жозибаторлиги даражаси бир-бирига жуда яқин бўлиб, энг қуйи чегараси 0,7 – 7-автобус саройига, энг юқори даражаси 0,77 – 1-автобус саройига тегишли экан (3.5-жадвалга қаранг).

3.5-жадвал

**Автобус корхоналари техник-эксплуатацион
жозибаторлиги даражаси**

Кўрсаткич	АС-1	АС-2	АС-4	АС-5	АС-7	АС-8	АС-12	АС-18
Жтэк	0,77	0,72	0,72	0,75	0,70	0,72	0,71	0,74

Баҳолаш натижалари таҳлили асосида хулоса қилиш мумкинки, ўрганилаётган барча автобус корхоналарининг техник-эксплуатацион кўрсаткичлари қониқарсиз бўлиб, уларни яхшилаш учун мазкур корхоналарда етарли захиралар мавжуд.

3.4 §. Ички захиралар ҳисобига автомобиль транспорти корхонаси инвестицион салоҳиятини ошириш йўллари

Жорий иқтисодий фаолиятда корхона инвестицияларни жалб қилиш жараёнида доимий равишда қисқа муддатли пул маблағларига эҳтиёж сезади. Бундай пул маблағларининг етарлилиги ёки етишмаслиги тўғрисида хулосани «ўз айланма маблағлари» миқдорини таҳлил қилиш орқали олиш мумкин. Корхонанинг ўз айланма маблағлари кўрсаткичи доимий активлар ҳисобига молиялаштириладиган айланма маблағларнинг маълум бир қисмини ташкил этади.

Соҳа корхоналари иқтисодиётига оид манбалардан маълумки, ўз айланма маблағлари меъёрлаштирилган айланма маблағларни тўлдириш манбаи сифатида қабул қилинади.

Хорижий амалиётда эса ўз айланма малағларига ишчи капитал сифатида қаралиб, у ўз маблағлари ва узоқ муддатли қарз маблағлари ҳисобига шакллантирилади.

Ҳар икки ёндашувда ҳам ушбу кўрсаткичнинг қийматини аниқлаш ва унинг корхона молиявий бошқарувидаги ўрнига баҳо беришда фойдаланиш мумкин. Унинг миқдорий қийматини баҳолашда корхона активлари ва пассивлари мувозанатига асосланувчи бухгалтерия балансидан фойдаланилади.

Ўз айланма маблағларининг ижобий қиймати корхонанинг молиявий барқарорлиги мезонларидан бири сифатида қаралади. Ўз айланма маблағларига эга бўлиш заруриятини қуйидаги сабаблар билан изоҳлаш мумкин:

– минимал талаб қилинадиган товар-моддий захираларни қоплаш учун;

– мавжуд активлар айланувчанлигининг етарли бўлмаслиги ёки доимий равишда унинг секинлашуви хавфининг мавжудлиги;

– моддий захираларнинг қадрсизланиши, уларнинг йўқотилиш ёки дебитор қарздорларнинг банкротлиги оқибатида мавжуд айланма активларини йўқотиш хавфи;

– қисқа муддатли банк кредитларини олишда уни қоплашга етадиган даражадаги ўз айланма маблағларининг минимал ҳажмига эга бўлиш зарурияти ва бошқалар.

Бироқ, ҳозирги кунда тегишли илмий ва услубий ишланмаларнинг етарли эмаслиги сабабли, мамлакатимиз корхоналарининг аксарияти, жумладан автомобиль транспорти корхоналари ҳам ўз айланма маблағлари ҳисобидан инвестицияларни молиялаштириш манбаини шакллантириш имкониятларидан деярли фойдаланмайдилар.

Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун ўз эркин маблағларини шакллантириш хўжалик юритувчи субъектнинг инвестицион фаоллигини ошириш сиёсатининг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Фикримизча, корхонанинг инвестицион салоҳиятини оширишга хизмат қилувчи ўз ресурсларини шакллантиришда ташкилотнинг молиявий ҳолатига путур етказмаган ҳолда айланма маблағларнинг қандай қисмини ёки улушини оборотдан чиқариш мукин» деган саволга илмий асосланган жавоб топиш ушбу Монография ишимиз олдига қўйилган вазифаларни ҳал этишдаги асосий ечимлардан бири деб ҳисоблаймиз.

Ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш учун айланма маблағлар таркибини доимий равишда инвентаризациядан ўтказиб бориш лозим деб ҳисоблаймиз. Бунда, ўз айланма маблағларини икки ташкил этувчи қисмга ажратиб таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчиси, айланма маблағларга бўлган эҳтиёжни қоплайдиган корхонанинг жорий молиявий эҳтиёжлари (А_{жмэ}). Бундай молиявий эҳтиёжлар жорий активлар (пул маблағларисиз) ва жорий мажбуриятлар ўртасидаги фарқ ҳисобида аниқланади. Унинг мутлақ қийматининг мусбат ёки манфий бўлиши айланма маблағларнинг етишмаслиги ёки ортиқча эканлигидан далолат беради. Бу ерда энг муҳим кўрсаткич сифатида жорий молиявий эҳтиёжларнинг олинаётган даромадга нисбатини фоизларда баҳолаш мумкин. Олинган натижа умумий маҳсулот

айланмасининг қандай қисми айланма маблағни қоплашга сарфланаётганлигини кўрсатади. Корхона томонидан бу кўрсаткични қанчалик камайтиришга эришилса, шунчалик кўшимча инвестицион маблағ манбаи сифатида пул маблағларини муомаладан озод қилиши мумкин.

Айланма маблағларнинг иккинчи таркибий компоненти сифатида пул маблағлари ($A_{\text{пм}}$) олинади.

Шундай қилиб, корхонанинг ўз айланма маблағларини ($A_{\text{ўз}}$) қуйидаги тенглама орқали икки таркибий қисмнинг йиғиндиси сифатида ифодалаш мумкин:

$$A_{\text{ўз}} = A_{\text{жмэ}} + A_{\text{пм}} \quad (3.5)$$

3.5-тенгламадан хулоса қилиш мумкинки, корхона инвестицион фаолиятини ўз маблағлари ҳисобидан молиялашни таъминлаши учун ўз айланма маблағлари ҳажми жорий молиявий эҳтиёжлари ҳажмидан катта бўлиши лозим:

$$A_{\text{ўз}} > A_{\text{жмэ}} \quad (3.6)$$

Ўз айланма маблағлари ва жорий молиявий эҳтиёжлар ўртасидаги тенгсизлик ҳам ижобий, ҳам салбий бўлиши мумкин.

Инвестицион фаолият учун корхона айланма маблағларидан фойдаланиш имкониятларини баҳолашда қуйидаги эҳтимол вазиятларни ўрганиш талаб этилади:

1. Ўз айланма маблағлари ҳажми жорий молиявий эҳтиёжлардан катта бўлиб, ҳар икки кўрсаткич ҳам мусбат ($A_{\text{ўз}} > A_{\text{жмэ}} > 0$) бўлса, корхона жорий молиявий эҳтиёжларини молиялаштириш учун етарли миқдорда маблағ ажратиб ва айланма фонддан инвестицион фаолият учун зарур пул маблағларини тежаш имконига эга бўлади. Бироқ, муомаладан озод этиладиган пул маблағларидан фойдаланиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун қуйидагиларни ҳисобга олиш керак бўлади

– ўз айланма маблағлари ҳажми ва жорий молиявий эҳтиёжлар ўртасидаги мувозанат қанчалик барқарор бўлиши ва давом этиш даври эҳтимоллигини билиш;

– ортиқча пул маблағлари мавжудлигининг таркибий тизимлиги;

– ушбу ортиқча пул маблағларининг қайси қисмини корхонанинг инвестицион салоҳиятини оширишга ишлатиш мумкин;

– узоқ муддатли мақсадлар учун бўш пулдан фойдаланишнинг ўз айланма маблағлари ҳажми ва жорий молиявий эҳтиёжлар ўртасидаги мувозанат ўзгаришига таъсирини билиш.

Иккинчидан, ўз айланма маблағлари ижобий бўлиб, мавжуд молиявий эҳтиёжлар манфий бўлиши мумкин:

$$A_{\dot{y}_3} > 0; A_{\text{ЖМЭ}} < 0 \quad (3.7)$$

Асосий мувозанат тенгламаси куйидаги кўринишни олади:

$$A_{\text{ПМ}} = A_{\dot{y}_3} + A_{\text{ЖМЭ}} \quad (3.8)$$

Бундай ҳолатда, ташкилот кредиторлар ҳисобига ишчи капиталнинг ортиқча қисмини шакллантиради. Улар етказиб берувчиларнинг маблағлари бўлиб, инвестицион фаолият учун фойдаланилмайди.

Бундай ҳолда куйидагиларни эътиборга олиш лозим:

- 1) ресурсларнинг соф профицитининг сабабини аниқлаш;
- 2) мавжуд вазият ташкилотнинг тўлов қобилиятига қандай таъсир қилишини баҳолаш.

Учинчидан, агар айланма маблағлар етишмаслиги ва мавжуд молиявий эҳтиёжлар манфий бўлиб, дефицит ресурсларнинг ортиқча эҳтиёжларини кондиритдан камроқ бўлса:

$$A_{\dot{y}_3} < 0; A_{\text{ЖМЭ}} < 0; A_{\dot{y}_3} > A_{\text{ЖМЭ}} \quad (3.9)$$

Бундай ҳолатда, автокорхонада ҳаракатдаги воситаларни молиялаштириш учун етарли ресурслар мавжуд бўлмай, дефицит ресурслардан ортиқча жорий эҳтиёжлар билан қопланади. Бу ҳолат молиявий ресурслар учун мавжуд бўлган эҳтиёжнинг йўқлиги билан боғлиқ. Шунинг учун, бу ҳолатда куйидаги муаммоларни ҳал қилиш керак бўлади:

1. Ўзининг айланма маблағларини ошириш.
2. Мавжуд молиявий эҳтиёжларнинг ҳолатини таҳлил қилиш.

Ўз айланма маблағлари ва жорий молиявий эҳтиёжларнинг мумкин бўлган нисбати ҳисобга олинадиган бўлса, олинган маблағлар инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун ҳар доим ҳам фойдаланилмайди. Шунинг учун, ҳақиқий нақд пул миқдорини олиш учун мавжуд молиявий эҳтиёжларни корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти ҳамда унинг молиявий операцияларига бевосита зарур эҳтиёжларга қараб иқтисодий айланишда иштирок этувчиларга ажратиш керак

Амалдаги молиявий эҳтиёжларнинг ҳажми кўп йўналишли бўлиб, у қуйидагиларга боғлиқ:

– айланма маблағлар таркибий қисмларининг тезроқ айланиши, хом ашё ва тайёр маҳсулот захираларида маблағларни камрок сафарбар қилиш;

– ишлаб чиқаришнинг катта ҳажми хом ашё, материаллар, энергия ва ҳоказолар учун катта маблағ талаб қилади;

– транспорт хизматлари кўрсатиш ҳажмининг мавсумийлиги, шунингдек хом ашё ва материалларни етказиб бериш бўйича;

– бозорда жиддий рақобат шароитида истеъмолчиларни тижорат кредитининг янада қулай шартлари билан жалб қилиш зарур.

Ўз айланма маблағлари ҳисобига инвестицион салоҳиятни тўлдириш шартида $A_{\text{Ўз}} > A_{\text{ЖМЭ}}$ бўлиши лозим.

Ишчи капитални молиялаштириш манбаларини бошқариш сиёсатини шакллантириш инвестицион фаолиятни қўллаб-қувватлашнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Шунинг учун корхонанинг инвестицион фаолияти доирасида ишчи капитални бошқариш сиёсатини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир¹¹⁰.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 25 февралдаги «Вазирликлар, идоралар ва корхоналарнинг айланма маблағлари нормативлари тўғрисида»ги 108-сон қарорига асосан «Тошшаҳартрансхизмат» АК тизимидаги корхоналар учун айланма маблағларнинг айланиш меъёри кунларда – 40 кун, 1 сўм харажат

¹¹⁰ Мухитдинова К.А. Investment support for the activities of motor transport enterprises and their effective utilization. // Asian Journal of multidimensional research. 2018, (SJIF:6.053), –Б. 466-472

таркибида эса – 11,1 тийин қилиб белгиланган (3.6-жадвалга қаранг).

3.6-жадвал

**«Тошшаҳартрансхизмат»АЖ тизимидаги автобус
корхоналарида айланма маблағлар ҳажми ва улардан
фойдаланиш кўрсаткичари таҳлили (2019 йил маълумотлари
асосида)¹¹¹**

№	Кўрсаткич	АС-1	АС-2	АС-4	АС-5	АС-7	АС-8	АС-12	АС-18
1.	Йиллик харажатлар миқдори, млн. сўм	28818,3	55496,0	31038,1	24104,1	29529,7	26324,8	38592,0	34984,0
2.	Айланма маблағларнинг ўртача амалдаги миқдори, млн.сўм	8061,6	24651,5	11942,8	8980,5	9527,2	10013,6	22576,8	11086,7
3.	Айланма маблағлар айланувчанлиги, айланиш	3,6	2,3	2,6	2,7	3,1	2,6	1,7	3,2
3.1.	Меъёрга нисбатан +/-	-5,5	-6,9	-6,5	-6,4	-6,0	-6,5	-7,4	-5,9
4.	Айланма маблағлар айланиши, кун	102,1	162,1	140,4	136,0	117,8	138,8	213,5	115,7
4.1.	Меъёрга нисбатан +/-	+62,1	+122,1	+100,4	+96,0	+77,8	+98,8	+173,5	+75,7
5.	1 сўм харажатга тўғри келувчи айланма маблағлар, тийин	28,0	44,0	38,0	37,0	32,0	38,0	59,0	32,0
5.1.	Меъёрга нисбатан +/-	+16,9	+32,9	+26,9	+25,9	+20,9	+26,9	+47,9	+20,9

3.6-жадвал маълумотларидан «Тошшаҳартрансхизмат»АЖ тизимидаги автобус саройларида айланма маблағларнинг кунларда айланиш кўрсаткичи ҳамда 1 сўм харажат таркибида уларнинг миқдори меъёрдан юқори эканлиги кўриниб турибди.

¹¹¹ «Тошшаҳартрансхизмат» АК маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинган.

Айланма маблаглардан фойдаланиш самарадорлигининг энг юқори кўрсаткичи 1-автобус саройида, энг қуйи кўрсаткичи эса 12-автобус саройида кузатилади. Кайзен усулига кўра жорий эксплуатация шароитлари учун энг дастлабки стандарт қилиб, 1-автобус саройи кўрсаткичларини қабул қилиш мумкин

Харажатларни тежаш стратегиясини амалга оширишда кўлланиладиган самарали тизимлардан бири Кайзен тизимидир.

Япон тилида «кайзен» ибораси «узлуксиз такомиллашув ёки доимий яхшиланиш» деган маънони англатади. Кайзен фалсафаси ҳаётнинг барча жабҳалари (меҳнат, ижтимоий ва хусусий) доимий яхшиланишга ёки ривожланишга йўналтирилган бўлиши кераклигини уқтиради.

Биринчи мартаба Кайзен тамойиллари япониялик олим Масааки Имаи томонидан 1986 йилда¹¹² ишлаб чиқилиб, харажатларни қисқартириш ва сифатни яхшилаш йўллари аниқлаб берилган¹¹³.

Кайзен тизимининг асосий ғояси – ишлаб чиқариш, энг аввало, истеъмолчига йўналтирилиб, уларнинг эҳтиёжлари ва талабларини кондириш орқали фойда миқдорини оширишга қаратилган.

Кайзен бошқарув стратегиясининг ўзига хослиги шундан иборатки, анъанавий бошқарув тизими натижадорликка йўналтирилган бўлса, Кайзен жараёнга йўналтирилган фикрлашга қаратилган. Тизим асосан инсонларнинг тафаккури ва фикрлашига ўзгартириш киритилишига қаратилиб, компаниянинг юқори менежерларидан тортиб то оддий ишчи-ходимларигача ўзгариш ва ривожланиш жараёнида иштирок этишлари керак.

Кайзен тизими такомиллашишга қуйидагилар орқали эришишни назарда тутати:

- самарадорликни ошириш;
- маҳсулот сифатини ошириш;
- логистикани такомиллаштириш;

¹¹² Имаи М. Кайзен: Ключ к успеху японских компаний. Пер. с англ. – 5-е изд. -М.: Альпина Паблишерз, 2011. – 274 с.

¹¹³ Имаи М. Гемба кайзен. Путь к снижению затрат и повышению качества. - М.: Альпина Паблишерз, 2005. –178 с.

- йўқотишларни камайтириш;
- захираларни қисқартириш;
- ишлаб чиқариш объектларининг тайёргарлик даражасини ошириш¹¹⁴.

Бунга барча харажатлар объектларида ходимларнинг жавобгарлигини ошириш ҳамда корхонанинг иерархик тузилма поғоналаридаги ўзаро мувофиқликни таъминлаш орқали эришилади.

Кайзен тизими «режалаштириш-бажариш-текшириш-таъсир ўтказиш» доирасига амал қилиб: такомиллаштириш мақсадларини белгилаш («режа»); режани амалга ошириш («бажариш»); жараёни кузатиш ва натижани таҳлил қилиш, жараёни такомиллаштириш ёки муаммоларни бартараф этишга қаратилган янги стандартларни яратишдан («таъсир») иборат. Агар гап янги жараён ҳақида борадиган бўлса, унинг энг мақбул вариантыни танлаш ва уни стандартлаштириш амалга оширилади (3.7-жадвалга қаранг).

Айланма маблағларни стандартлаштириш ҳисобига «Тошшаҳартрансхизмат» АЖ бўйича йилига жами 9,28 млрд. сўмлик айланма маблағларни тежаб, уларни ички инвестициялаш манбаига айлантириш мумкин.

Амалиётда корхоналарнинг узок муддатли мажбуриятлари асосий капитал ва айланма маблағларнинг бир қисмини қамраб олади. Аммо деярли барча корхоналарда доимий равишда инвентаризация қилиш манбаларидан молиялаштириш ташкилотнинг инвестицияларни ривожлантиришини таъминлаш нуқтаи назаридан етарли эътибор берилмайди. Бундан ташқари, аксарият автобус корхоналари қўллаётган молиявий сиёсат изчиллик ва тизим йўқлиги билан ажралиб туради. Таҳлил қилинаётган корхоналарда молиялаштириш нархи ташқи шароитларга боғлиқ равишда тасодифий шакллантирилди.

¹¹⁴ Мужигдинова К.А. Investment support for the activities of motor transport enterprises and their effective utilization. // Asian Journal of multidimensional research. 2018, (SJIF:6.053), –Б. 466-472

**«Тошшаҳартрансхизмат»АЖ тизимидаги автобус
корхоналарида айланма маблағлар ҳажмини
стандартлаштириш (2019 йил маълумотлари асосида)¹¹⁵**

№	Кўрсаткич	АС-1	АС-2	АС-4	АС-5	АС-7	АС-8	АС-12	АС-18
1.	Йиллик харажатлар миқдори, млн. сўм	28818,3	55496,0	31038,1	24104,1	29529,7	26324,8	38592,0	34984,0
2.	Айланма маблағларнинг ўртача амалдаги миқдори, млн.сўм	8061,6	24651,5	11942,8	8980,5	9527,2	10013,6	22576,8	11086,7
3.	1 сўм харажатга тўғри келувчи айланма маблағлари стандарт-лаштириш, тийин	28,0	28,0	28,0	28,0	28,0	28,0	28,0	28,0
4.	Айланма маблағларнинг ўртача стандарт миқдори, млн.сўм	8061,6	15538,9	8690,7	6749,1	8268,3	7370,9	10805,8	9795,5
5.	Айланма маблағлар таркибида ўртача кечиктирилган харажатлар улуши	0,85	0,55	0,68	0,88	0,84	0,75	0,44	0,76
6.	Тежаш мумкин бўлган айланма маблағлар, млн. сўм /(y2-y4)*(1-y5)/	0,0	2916,0	1040,7	267,8	201,4	660,7	3884,4	309,9
	«Тошшаҳартрансхизмат»АЖ бўйича жами, млн. сўм	9280,9							

Юқоридагилардан келиб чиқиб, инвестицияларни молиялаштиришни моделлаштиришг ўзига хос қоидаларини шакллантириш мумкин:

¹¹⁵ «Тошшаҳартрансхизмат» АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинган

– моделлари статик бўлиши мумкин эмас, улар кредит шартларига, инвестиция сиёсатининг йўналишлари, ташкилотнинг тўлов қобилиятидаги ўзгаришлар, етказиб берувчилар ва истеъмолчилар билан муносабатларнинг хусусиятларига қараб ўзгаради, яъни айланма маблағларни молиялаштириш сиёсати вақт ўтиши билан ўзгариши мумкин.

– инвестициялаш моделларининг самарали механизмга айланиши учун бир вақтнинг ўзида тегишли давр учун молиявий ҳолатнинг хусусиятлари билан таққослаш орқали бир неча даврлар учун корхоналарнинг динамик қаторини яратиш зарур. Натижада, ташкилотнинг молиявий ҳолатининг қабул қилинган молиявий моделга боғлиқлиги матричасини куриш мумкин. Матрицага асосланиб, инвестиция салоҳиятини тўлдириш учун бўш пул маблағларини мақсадли режалаштиришни амалга ошириш мумкин.

Юқорида айтилганларга асосланиб, молиявий таҳлилни корхонанинг молиявий сиёсатини шакллантириш учун айланма маблағларни бошқариш сиёсати воситаси сифатида қўллаш керак. Ушбу ёндашувнинг мақсадга мувофиқлиги биринчидан, молиявий таҳлил корхонанинг бозор барқарорлиги ва унинг иқтисодий ўсиш омиллари тўғрисида маълумот манбаи бўлиб, молиявий сиёсат соҳасидаги ҳар қандай қарор корхона қийматининг ўсишига ёрдам бериши керак.

Иккинчидан, айланма маблағлар манбаларини шакллантириш молиявий сиёсатининг мақсади корхонанинг молиявий барқарорлиги ва тўлов қобилиятини таъминлашдир. Бунинг учун корхонанинг молиявий сиёсатига тегишли тузатишларни киритиш керак. Керакли натижаларга фақат таҳлил орқали эришиш мумкин.

Учинчидан, молиявий таҳлил бизга айланма маблағларнинг таркибини, ўзаро боғлиқ бўлган уни молиялаштириш манбалари ҳажми ва таркибини баҳолашга имкон беради.

Инвестиция шартларини баҳолаш учун молиявий таҳлил давомида:

– корхона тўловга қодир ва молиявий барқарорми;

– корхонанинг тўлов қобилиятини барқарорлаштириш ёки ўсишини таъминлаш учун айланма маблағлар миқдорини ўзгартириш керакми,-деган саволларга жавоб олиш керак бўлади.

Бундан ташқари, инвестиция лойиҳасининг кўриб чиқиладиган варианты жуда самарали ва стратегик аҳамиятга эга бўлса молиявий таҳлил инвестиция лойиҳасини молиялаштириш учун қарз маблағларини жалб қилиш имкониятлари ва эҳтиёжлари қандайлигини аниқлайди.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, корхонанинг молиявий сиёсатини шакллантиришда айланма маблағларни бошқариш сиёсатини муҳим восита сифатида қўллаш мумкин. Ушбу ёндашувнинг мақсадга мувофиқлигини куйидагича изоҳлаймиз:

– инвестицион сиёсат соҳасидаги ҳар қандай қарор корхона кийматининг ўсишига ёрдам бериши керак;

– айланма маблағларни шакллантиришнинг мақсади корхонанинг молиявий барқарорлиги ва тўлов қобилиятини таъминлашдан иборат бўлиши лозим;

– айланма капитал тузилишини молиявий таҳлил қилиш уни молиялаштириш манбалари ҳажми ва таркибининг ўзаро боғлиқлигини баҳолаш имконини беради¹¹⁶.

Агар мавжуд инвестиция лойиҳаси жуда самарали ва стратегик аҳамиятга эга бўлиб, молиялаштиришни қисқа фурсатларда амалга оширишни талаб қиладиган бўлса, куйидагиларга алоҳида эътибор қаратилади

1) инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун қарз маблағларини жалб қилиш имконияти ва эҳтиёжларини аниқлаш;

2) корхонанинг молиявий мажбуриятлари тузилмасига тегишли ўзгартиришлар киритилиши лозим.

Бу икки муаммони ҳал қилиш инвестицион салоҳиятни тўлдириш манбаи сифатида қарз маблағларининг ҳажми ва таркибини аниқлаш имконини беради.

¹¹⁶ Мухитдинова К.А. Investment support for the activities of motor transport enterprises and their effective utilization. // Asian Journal of multidimensional research. 2018, (SJIF:6.053), –Б. 466-472

Учинчи боб бўйича хулосалар

1. Автомобиль транспорти корхоналари инвестиция сиёсатини шакллантириш, энг аввало, рақобат устунликларини кучайтириш, инвестор, транспорт оператори ҳамда мижозлар нуқтаи назаридан ўрганилади. Инвестиция сиёсати стратегиясини ишлаб чиқишда маркетинг нуқтаи назаридан транспорт хизматлари бозорини баҳолашга эътибор қаратилди.

2. Инвесторлар учун инвестицион жозибадорликни ошириш мақсадида фаолиятнинг айрим турлари, биринчи навбатда юк ва йўловчи ташиш фаолияти бўйича инвестицияларнинг зарур миқдори ва тузилмасини таъминлаш бўйича ўзаро мувофиқлаштирилган дастурлар, лойиҳалар ва тадбирлар йиғиндисидан иборат автомобиль транспорти корхонаси инвестиция сиёсатини амалга оширишнинг умумий алгоритмик механизми ишлаб чиқилди.

3. Автомобиль транспорти корхоналарининг инвестицион жозибадорлигига таъсир этувчи омилларнинг эконометрик таҳлили амалга оширилди. Тадқиқотларимиз натижасида автомобиль транспортда йўловчи ташиш соҳасига инвестиция жалб қилиш учун ёқилғи-мойлаш материаллари, амортизация, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, солиқлар, мажбурий тўловлар ва давр харажатларининг даромадга таъсирини ўрганиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

4. Омилларнинг даромадга таъсирини кўриш учун чизиқли корреляцион-регрессион модель ишлаб чиқилди. Регрессия тенламаси натижаларига кўра даромадга энг кўп таъсир кўрсатадиган омил – бу амортизация харажатлари, кейинги ўринда давр харажатлари омили турса, 3-ўринда техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш харажатлари, энг кам таъсир кўрсатадиган омил эса солиқ ва мажбурий тўловлар эканлиги аниқланди. «Тошшаҳартрансхизмат»АЖ автомобиль транспортда йўловчи ташиш соҳасига инвестиция киритиш учун даромадга юқори таъсир

кўрсатувчи харажатларни қисқартиришга қаратилган йўл харитасини ишлаб чиқиш зарур.

5. Автомобиль транспорти корхоналари инвестицион жозибадорлигини баҳолаш мезонлари ва уларга тўғри келувчи кўрсаткичлар параметрларининг ўртача меъёрланган вазнини эксперт усулида аниқлаш таклиф этилди.

6. Автобус корхоналарининг инвестицион жозибадорлига техник-эксплуатацион кўрсаткичлар жозибадорлигини аниқлаш орқали баҳо бериш услубиёти таклиф этилди. Мазкур услубиёт инвестицион жозибадорликни ошириш учун техник-эксплуатацион кўрсаткичларни яхшилаш қандай захиралар имкони мавжудлигини очиб беради.

7. Корхонанинг инвестицион сиёсатини шакллантиришда айланма маблағларни бошқариш сиёсатини муҳим восита сифатида қўллаш имконияти асосланди. Шунингдек, айланма маблағларнинг инвестицион салоҳиятини мустаҳкамлашга сарфланиши лозим бўлган улушини аниқлаш усули таклиф этилиб, «Тошшаҳартрансхизмат»АЖ таркибидаги автобус саройларида мазкур тадбирдан 9,28 млрд. сўмлик иқтисодий самара олиш мумкинлиги аниқланди.

ХУЛОСА

1. Монография ишида «инвестиция», «инвестицион муҳит», «инвестицион жозибадорлик» ва «инвестицион фаоллик» каби иқтисодий категорияларнинг умумэътироф этилган мазмун ва моҳиятини автомобиль транспорти соҳасига трансформация қилиш орқали инвестиция фаолиятига инвестицион салоҳиятдан фойдаланиш нуқтаи назаридан муаллифлик ёндашуви амалга оширилди.

2. Автомобиль транспорти корхоналарининг базавий жараёнларини инвестицион фаолиятини мутаносиблаш асосида синергетик самарадорликка эришишнинг иқтисодий модели такомиллаштирилди.

3. Инвестицион жараённинг асосий категориялари ва уларнинг ўзаро бир-бирига боғлиқлигидан келиб чиқиб, автомобиль транспорти корхоналарида инвестицион жараёнларни ташкил этишнинг тузилмавий механизми ва иқтисодий самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари тизими ишлаб чиқилди.

4. Транспорт хизматларига бўлган талаб ва таклиф мувозанатини таъминлаш мақсадида автомобиль транспорти корхоналарининг инвестицияларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш модели такомиллаштирилди.

5. Инвестиция манбаларининг қиёсий таҳлили амалга оширилиб, ҳаракатдаги таркибни харид қилиш вариантларининг камчиликлари ва афзалликларини баҳолаш орқали улардан бири танланиб, инвестицион лойиҳаларнинг иқтисодий кўрсаткичлари аниқланди.

6. Автомобиль транспорти корхоналари инвестицион жозибадорлигига таъсир этувчи омилларнинг эконометрик таҳлили амалга оширилиб, «Тошшаҳартрансхизмат» АЖ автомобиль транспортида йўловчи ташиш соҳасига инвестиция киритиш учун даромадга юқори таъсир кўрсатувчи харажатларни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш лозимлиги асосланди.

7. Айланма маблағларни стандартлаштириш ҳисобига автомобиль транспорти корхоналарида инвестициялаш манбаларини кенгайтириш ва унинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш усули таклиф этилган. Монографияда келтирилган услуб асосида «Тошшаҳартрансхизмат» АЖ бўйича йилига жами 9,28 млрд. сўмлик айланма маблағларни тежаб, уларни ички инвестициялаш манбаига айлантириш мумкин.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Норматив-хукукий хужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1. «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. -Т., 1998. // lex.uz.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрда «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида» ги ЎРҚ-598-сонли Қонуни // lex.uz
3. «Автомобиль транспорти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, -Т., 1998. // lex.uz.
4. «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни/ «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 40-сон. // lex.uz.
5. «Шаҳар йўловчи транспорти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни/ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1997 йил, N 4-5 // lex.uz.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. // lex.uz.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 9 октябрда «Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2048-сонли Қарори. // lex.uz.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 мартда «2015-2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизациялаш дастури тўғрисида»ги ПҚ-1446-сон Қарори. // lex.uz.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 декабрда «2018-2021 йилларда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва юк ташишнинг ташқи савдо йўналишларини диверсификациялашга доир чора-тадбирлар тўғрисидаги» ПҚ-3422-сон Қарори. // lex.uz.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 мартда «Юк ва йўловчи ташиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-4230-сон Қарори. // lex.uz.
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 13 ноябрда «Шаҳар йўловчи ташиш транспорти тизимини янада

такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги 308-сонли Қарори. // lex.uz.

12. Fisher Irving (1930) The theory of interest. // –New York. The Macmillan company. –P. 235

13. G.Markowits (1959) Efficient Diversification of investment, Wiley. – New York. –P.319

14. Аксёнова З.И., Анализ производственно-хозяйственной деятельности автомобильно-транспортных предприятий. –М.:Транспорт, 1990, –48 с.;

15. Андрианов А. Ю. Инвестиции : учеб.для бакалавров. – М. : Проспект, 2013. – 592 с.

16. Балдина К. В. Системный анализ и управление : учеб.пособие. – М. : Дашков и К°, 2006. –288 с.

17. Бланк И. А. Инвестиционный менеджмент. – Киев : Никацентр, 2005. – 267 с.

18. Бланк И.А. Основы финансового менеджмента. Т.1. – К.: Ника-Центр, Эльга, 2001. – 392 с.

19. Бочаров В.В. Финансово-кредитные методы регулирования инвестиций. - М: Финансы и статистика, 1999. –144 с.

20. Бычков В.П. Предпринимательская деятельность на автомобильном транспорте: перевозки и автосервис. – М.: 2009. – 257 с.

21. Валинурова Л. С. Управление инвестиционной деятельностью : учебник. – М., 2005. – 556 с.

22. Волгин В.В. Автомобильный дилер: Практ. пособие по маркетингу и менеджменту. – М.: Ось-89, 1997. – 380 с.

23. Волков Б.А. Экономическая эффективность инвестиций на железнодорожном транспорте в условиях рынка. – М.: Транспорт, 1996. – 391 с.

24. Волков И.М. Проектный анализ: Продвинутый курс. – М.: ИНФРА-М, 2004. –495 с.

25. Вологдин Е. В. Методические и практические аспекты оценки инвестиционной привлекательности региона.–Новосибирск, 2006.– 221с.

26. Ғ.Ғозибеков Ғ., ҚоралиевТ.М. Инвестицион фаолиятни ташкил этиш ва давлат томонидан тартибга солиш. –Т.: Молия нашриёти, 2003. –332 б.

27. Ендовицкий Д. А. Анализ инвестиционной привлекательности организации. – М.: Кнорус, 2010. – 276 с.

28. Иванов В.В., Богаченко П.В. Автомобильный менеджмент. – М.: ИНФА-М, 2009. – 243 с.

29. Имаи М. Кайдзен: Ключ к успеху японских компаний. Пер. с англ. –5-е изд. -М.: Альпина Паблишерз, 2011. – 274 с.
30. Имаи М. Гемба кайдзен. Путь к снижению затрат и повышению качества. - М.: Альпина Паблишерз. 2005. –278 с.
31. Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. Избранное. –М.: Эксмо, 2007. –960 с.
32. Кожухар В. М. Практикум по иностранным инвестициям. – М., 2008. – 176 с.
33. Корчагин Ю. А. Инвестиции и инвестиционный анализ: учеб. пособие. –Ростов н/д.: Феникс, 2010. –601с.
34. Крейнина М. Н. Финансовый менеджмент. – М. : Дело и Сервис, 2006. – 304 с.
35. Крылов Э. И. Анализ финансового состояния и инвестиционной привлекательности предприятия : учеб.пособие. – М. : Финансы и статистика, 2003. – 395 с.
36. Лapidус Б.М. Экономические проблемы управления железнодорожным транспортом России в период становления рыночных отношений (системный анализ). – М.: МГУ, 2000. – 288 с.
37. Методические рекомендации по оценке эффективности инвестиционных проектов. – М.: Экономика, 2000. – 442 с.
38. Миротина Л. Б. Транспортная логистика. –М.: Транспорт, 1996. – 274 с.
39. Орлова Е. Р. Инвестиции: курс лекций. – М. : Омега-Л, 2006. –47 с.
40. Подсорин В.А., Иванов К.Н. Инвестиционная политика транспортной компании: учебное пособие– М.: МИИТ, 2011. – 408 с
41. Равшанов М.А. Йўл-транспорт мажмуаси иқтисодий салоҳияти. Муаммо ва ечимлар. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2012. – 209 б.
42. Саматов Г.А.. Бизнес план развития предприятий автомобильного транспорта. Учебное пособие. – Т.: Консаудитинформ, 2011. –233 б.
43. Сипко Л.А. Инвестиционный потенциал: методология статистической оценки. –Новосибирск: СибУПК, 2004. –283 с.
44. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодий назарияси: ноиктисодий ўқув юртларига дарслик. -Тошкент: Мехнат, 1995. - 738 б.
45. Фатхутдинов Р.А. Инновационный менеджмент: Учебник. –М.: Бизнес-школа Интел-Синтез, 2000. –271 с.
46. Царев Р. Экономика промышленных предприятий транспорта: учебник. – М.: Транспорт, 1997. – 254 с.

47. Шумпетер Й. Теория экономического развития. Капитализм, социализм, демократия. –М. Эксмо. 2007. –137 с.

II. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар

48. Қодиров Т.У. Автомобиль транспорти рақобатбардошлиги: ташкилий-иқтисодий механизмлар. Монография.–Т.: Янги аср авлоди, 2013. –156б.

49. Саматов Ғ.А., Равшанов М.Н., Қодиров Т.У., Шукурова М.Ш., Туйчиев А.М. Транспорт рақобатбардошлигини таъминлашнинг услубий жиҳатлари. Монография.–Т.: Янги аср авлоди, 2013. –180 б.

50. Eugen Bohn Bawek Pozitiv Theory of Capital. // Economic Logic. –3rd ed. –Washington Capital Press, 2010/ –P. 265-266

51. Harrod R.F. (1934) Doctries of imperfect Competition. // Quarerly Journal of Economics, –P. 442-470

52. Robert K. Merton (1936) The Unanticipated Consequences of Purposive Social Action. // American Sociological Review. Vol 1, №6. –P. 894-904

53. Аликулов И.С., Сатторов Д.С. Инвестициянинг мазмун-моҳияти ва тавсифланиши. // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. 2012. –№ 5, июль

54. Ахмедов И.А., Хотамов И.С., Абдуллаев М.Қ. Иқтисодиётни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга инвестицияларни жалб этиш. // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. 2014. –№ 3, май-июнь.

55. Бесчастный Г. Б. Инвестиционная привлекательности компаний и возможности использования ее на практике. // Экономика и управление. 2010. –№ 1. – С. 78.

56. Васильева Н.А., Ишмухаметова А.Р., Юдина Н.А. Инвестиционная привлекательность организации. // Скиф. 2017. - №8. – С. 67.

57. Вязова Г.А., Барчуков А.В. Экономическая оценка источников инвестиций на транспорте. // Финансы: Теория и Практика. 2011. –№. 4. –С. 34

58. Голянд И.Л., Захарьин К.Н., Мухина К.А., Феоктистов О.Г. Подход к нормированию инвестиционной деятельности пассажирского автотранспортного предприятия. // Вестник ИрГТУ. 2015. –№4 (99). –С.231.

59. Горшенин В.И. Транспортное обеспечение коммерческой деятельности: Учебное пособие. –Мичуринск: изд-во Мичуринского госагроуниверситета. 2009, –С. 6-7

60. Гришина И. В. Комплексная оценка инвестиционной привлекательности и инвестиционной активности регионов: методика определения и анализа взаимосвязей. // Инвестиции в России. –2000. –№ 4. – С. 13-20.
61. Грязнова А. Г. Финансово-кредитный энциклопедический словарь. – М.: Финансы и статистика, 2002. –1168 с.
62. Гукетлев Ю.Х. Формирование систем регулирования региональных транспортных комплексов: Автор. дис... докт. экон. наук. – М: МАДИ, 2009. – 41 с.
63. Демьянович И. В. Экспертные методы решения проблем качества транспортных услуг. // Проблемы современной экономики, –2011. –№1, –С. 342-346.
64. Думина С.С. Совершенствование механизма оценки инвестиционной привлекательности автотранспортных организаций. // TRANSPORT BUSINESS IN RUSSIA, 2017. - №3. –С. 78.
65. Егорова Т. Н. Инвестиционная активность предприятий как основа их инновационного развития. // Транспортное дело России. –2011. –№6. – С. 17-18.
66. Крамин Т. В. Развитие методики управления инвестиционной привлекательностью регионов. // Вестник Астраханского государственного технического университета. –2012. –№ 1. –С. 41–47.
67. Крутских Д. Б. Сущность инвестиционной активности региона. // Вестник Воронежского государственного университета. –2011. –№ 1. –С. 72-76.
68. Қодиров Т. Автомобиль транспортида ишлаб чиқариш жараёналари бошқарувини ташкил этишга услубий ёндашув. // ТАЙИ хабарномаси. –Тошкент, 2017. – №2. – Б. 83-89.
69. Қодиров Т.У. Автомобиль транспортида ишлаб чиқаришни ташкил этишга тизимли ёндашув методологияси. // ТАЙИ хабарномаси. –Т: 2017. –№3-4. –Б. 54-61.
70. Қодиров Т.У. Методические подходы к определению объема инвестиций на подвижной состав автомобильного транспорта и оценке их эффективности. // Экономическое возрождение России. –СПб, 2012. –№2. – С.185-188.
71. Матвеев Т. Н. Оценка инвестиционной привлекательности предприятия. // Труды МГТА <https://refdb.ru/look/1174325.html>
72. Михальков А.М. Механизмы привлечения инвестиций в обеспечение безопасности движения на автомобильном транспорте. // Российское предпринимательство. 2013. –№22 (244). –С. 231.

73. Мухитдинова К.А. Транспорт тармоғига инвестицияларни жалб қилиш: ҳозирги ҳолати ва истиқболлари. // Молия. 2012. –№2. –Б.64-70
74. Мухитдинова К.А. Автомобиль транспорти корхоналари фаолиятини ривожлантиришнинг инвестицион таъминоти ва ундан самарали фойдаланишнинг иқтисодий асослари. // Бизнес-эксперт. 2019. –№4(136), –Б. 65-69
75. Мухитдинова К.А. Ўзбекистонда инвестицион салоҳиятни ривожлантириш ва инвестицияларнинг мамлакат автотранспорт саноатидаги ўрни. // Илмий-амалий агроиқтисодий 2019. –№1(9), –Б. 89-92
76. Мухитдинова К.А. The role of investment in the countries transportation industry. // Journal of Marketing Strategy. 2019. April (impact factor 4.905), –Б. 34- 38
77. Мухитдинова К.А. Investment support for the activities of motor transport enterprises and their effective utilization. // Asian Journal of multidimensional reseach. 2018, (SJIF:6.053), –Б. 466-472
78. Мухитдинова К.А. Analysis and evaluation of sources of investment in automotive transport enterprises. // South Asian Journal of Marketing and Management Research. 2020. (SJIF=7.11), №Vol.10, Issue 4, April. –Б.74-78
79. Мухитдинова К.А. Инвестиционная привлекательность автомобильного сектора. // Корпоратив молияни бошқаришнинг замонавий усуллари: қўлланилиш ва ривожлантириш масалалари. Рес.илм.-амал.анж. материал. тўплами. ТДИУ, 3 март 2016. –Б. 410-412
80. Новикова И. Ю. Инвестиционный потенциал хозяйствующего субъекта в системе основных категорий инвестиций. // Baikal Research Journal. 2016. №5, –С. 45-56
81. Подсорин В.А. Воспроизводство основного капитала компании в условиях кризиса. // Транспорт, наука, техника и управление. Научно-информационный сборник. ВИНТИ – № 8, 2009. – С. 65
82. Ройзман И. Типология инвестиционного климата регионов на новом этапе развития российской экономики. // Инвестиции в России. –2003. –№ 3. –С. 3–15.
83. Севрюгин Ю. В. Инвестиционная привлекательность предприятий в кривом зеркале фондового рынка. // Финансы и кредит: проблемы методологии и практики. – 2001. – № 1–2. – С. 181–188.
84. Табаков Н. К. Стратегии развития транспорта. // Транспорт Российской Федерации, –№4, 2006. –С 6.
85. Чухаджан Н. О. Объекты инвестирования и факторы, влияющие на их инвестиционную привлекательность. // Имущественные отношения в РФ. 2005. -№6. – С. 56.

III. Фойдаланилган бошқа адабиётлар

86. Абдилакимов Г.А. (PhD) Халқаро автомобиль транспорти ва коммуникацияларни ривожлантиришга йўналтирилган инвестицияларни бошқаришни такомиллаштириш: икт. фан. фалс. док. дисс. автореф. ТДИУ, 2018. -64 б.
87. Бабаев Т.С. Экономическое обоснование программы обновления подвижного состава грузовой транспортной компании. дис.канд.экон. наук. – М., 2009. – 168 с.
88. Бирюкова А. И. Оценка инвестиционной привлекательности промышленного сектора региона: автореф. дис. ... канд. экон. наук : 08.00.05 / А. И. Бирюкова. –Иркутск, 2004. –25 с.
89. Грулев С.Е. Управление инвестиционным процессом в автомобильной промышленности : автореф. дис. ... канд. экон. наук –М.:, 2003. –27 с.
90. Джавадов М.Г. Опыт привлечения прямых иностранных инвестиций в автомобильную промышленность России: автореф. дис. ... канд. экон. наук –М.:, 2004. –23 с.
91. Егоров С.А. Эффективность инвестирования в автомобильной промышленности и пути её повышения: автореф. дис. ... канд. экон. наук – М.:, 2007. –23 с.
92. Ирисбекова М.Н. (DSc) Маркетинг тамойиллари асосида транспорт хизматлари бозорини оптималлаштириш: икт. фан. док. дисс. автореф. ТДИУ, 2017. -84 б.
93. Калонов М.Б. (PhD) Автомобиль транспорти корхоналарида ҳаражатлар ҳисобини такомиллаштириш: икт. фан. фалс. док. дисс. автореф. ТМИ, 2017. -54 б.
94. Камалова Э.А. (PhD) Юкларни ташишнинг логистик бошқарувини такомиллаштириш: икт. фан. фалс. док. дисс. автореф. ТДИУ, 2019. -62 б.
95. Қаххоров А.Ж. Ўзбекистон автомобиль транспорти тизимида инновацион маркетинг фаолиятини такомиллаштириш. Икт.фан. фалс. док. автор. ТДИУ, 2018. -57 б.
96. Қодиров Т.У. Автомобиль транспорти тизимини самарали инвестициялашнинг иқтисодий механизмлари // Икт. фанлари номзоди дисс. ТАЙИ, 2008. -133 б.
97. Мерганов А.М. (PhD) Темир йўл транспортида идиш-қадокли юкларни ташишни ташкиллаштириш жараёнлари технологиясини такомиллаштириш: тех. фан. фалс. док. дисс. автореф. ТАЙЛҚЭИ, 2020. -57 б.;

98. Равшанов М.Н. Юк автомобиль транспорти хизмати кўрсатишда баҳо белгилашнинг бозор механизмини шакллантириш (автомобиль транспорти мажмуасининг ҳудудий бирлашмалари мисолида): Иқт. фан. ном. дисс.. – Т.: ЎзФА ИИ, 2002. – 147 б.

99. Саматов Г.А. Повышение эффективности функционирования регионального пассажирского автотранспортного комплекса: Автор. дисс. док. экон. наук, –М.: МАДИ, 1990. –39 с.

100. Саматов Р.Г. (PhD) Логистик тамойиллар асосида автомобиль транспорти хизматлари сифатини баҳолаш услуги: тех. фан. фалс. док. дисс. автореф. ТАЙЛҚЭИ, 2019. -61 б.

101. Усманов З.К. (PhD) Ўзбекистон транспорт тизимининг ҳудудий ташкил этилиши ва уни такомиллаштириш: геог. фан. фалс. док. дисс. автореф. ЎЗМУ, 2019. -65 б.;

102. Ҳайдаров Н.Ҳ. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестициявий фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари: Иқт. фан. док. дисс. автореф. –Т.: Ўзб. Рес. Президенти ҳузуридаги ДЖҚА, 2003. – Б. 12.

103. The World Bank: World Development Indicators. <http://data.worldbank.org/indicator>

104. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика кўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинган.

105. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. XI. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА, -Т. 2019. -293-297 б.

106. “Тошшаҳартрансихизмат” АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинган.

107. 2019 йил маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

МУХИТДИНОВА КАМОЛА АЛИШЕРОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ
КОРХОНАЛАРИ ИНВЕСТИЦИОН
ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ**

Монография

Муҳаррир: Ш. Базарова
Саҳифаловчи-дизайнер: К. Бойхўжаев

Нашр лист. А1¹ 305. Босишга рухсат этилди 21.02.2022.
Қоғоз бичими 60x84 1/16. Шартли босма табағи 8,1.
Ҳисоб-нашр табағи 8,4. Адади 50.
7-буюртма.

«CHINOR FAYZI BALAND» нашриётида тайёрланди.
100000, Тошкент, Чилонзор тум., Олмазор кўчаси, 15/1-8.

«DAVR MATBUOT SAVDO» MChJ
босмахонасида чоп этилди.
100198, Тошкент, Қўйлик, 4-мавзе, 46